ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی 1991

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

8 НОЯБРЬ, № 45 (3149). ЖУМА

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

ЎЗГАРИШЛАР ЧАРХПАЛАГИ

Ҳозир замон ҳам, одамлар ҳам мислсиз ўзгаришлар гирдобига тушиб қолди. Узоқ йиллар мобайнида ҳал этилмай келинаётган улкан масалалар лаҳзалардаёқ ҳал этилаётир. Айтайлик, жаҳоннинг қудратли ва қўрқинчли нуқталаридан бири — КПСС-нинг тақдири гэкачэпэчиларнинг «фаолияти» билан барҳам топди. Шу билан барча халқларни кишанлаб, зўравонлик билан ушлаб турган улкан ва даҳшатли мансаб курсилари ўз-ўзидан қулади. Афсуски, куни кеча савлатидан одам қўрқадиган айрим «арбоблар» бугун (ҳаммаси эмас, албатта), кутилмаганда «халқпарвар» бўлиб қолишмоқда. Бир мансаб курсисидан кетиб, сал ўтмасдан, ҳеч нарса кўрмагандай яна ўз лавозимларини ёки шу даражадаги ўринларни эгаллашмоқда. Ҳатто айримлар тазйиқлар ўтказиб, гуруҳларни ишга солиб бўлса ҳам мансаб зиналарига бемалол қадам қўйишмоқда. Гўё улар «жабрланган» эмиш. Бу демократияни ниқоб қилиб, ҳақиқий демократлар сафига силлиқкина ўтиб олишдир. Аслида қайта қуриш ва ошкоралик жараёнига тўсиқ бўлаётганлар шулар эмасми? Чарчаган, сафларга ярамай қолган отларни янги аравага қўшишдан фойда йўқ. Улар шўрлик аравани ишдан чиқарадилар, холос. Гапнинг очиғи, мансаб курсида туғилиб, ўша курсида вояга етган қўғирчоқ раҳбар фаолиятига барҳам бериш керак. Бир марта ёлғон айтган одамнинг тавбасига ишониш мумкин, аммо ёлғончиликни касб қилиб олганлардан худо сақласин. Ўшандай кимсалар бирор мансаб курсисини эгалласа тамом: уни катта ёлғончилар ҳам, машҳур найрангбозлар ҳам ўрнидан жилдира олмайди. Яна оддий, меҳнаткаш ва ҳалол одамга оғир бўлади. Ахир бошқарувнинг бундай ўйинлари дастидан узоқ-узоқ йиллардан буён тортиб келаётган азобуқубатларимиз етмайдими?

Мустақиллик даври ишбилармон, тадбиркор ва халқнинг қалбига доимо қулоқ соладиган чинакам раҳбарларга боғлиқ. Эркин, дадил фикр юритадиган, мустаҳкам иқтисодий билимга эга раҳбаргина ўзига тегишли соҳани ва хўжаликни ривожлантиради, бозор деб аталган дорнинг нарх-наво арқонидан одамларни эсон-омон олиб ўтади.

Хизмат юзасидан Зарафшон воҳасининг Навоий, Навбаҳор, Пахтачи районларида бўлдим. Бу жойлар Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг энг чекка районлари ҳисобланиб, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий тараққиётдан анчагина орқада қолиб кетган. Маънавий инқироз белгисини уч районнинг марказидаги китоб дўконларида, айниқса ўзбек тилидаги бадиий адабиётлар сотилмасдан узоқ йиллардан буён чанг босиб ётганидан билиш мумкин. Ёки бу районлардаги экологик вазиятнинг кун сайин оғирлашиб бораётгани ҳам аҳолининг турмуш кечиришини жуда қийин аҳволга солиб қўймоқда. Навоий шаҳрининг аждарҳонусха саноат корхоналаридан чиқаётган турли хил заҳарлар дастидан одамлар ва табиат тортаётган азоб-уқубатлар ҳақида гапиравериб, ёзавериб чарчадик. Зарафшон воҳасида иккинчи Чернобил керакми, деб бонг урганимизда ҳам бу корхоналарнинг раҳбарлари пинагини бузганлари йўқ. Юксак ишонч билан халқ сайлаган халқ депутатлари А. Горностаев, М. Холиқов ва бошқа айрим раҳбарлар Навоий ҳудудидаги даҳшатли манзараларни иложи борича бекитишга уриниб келадилар: ҳаво ифлослансин, ер, сув ва одамлар заҳарлансин, лекин айримларнинг мансаб курсисига соя тушмасин...

Бу тоталитар тузумнинг даҳшатли иш юритиш механизми ҳисобланарди. Катта курсилар нимани буюрсалар, кичик ва майда курсилар уни сўзсиз бажаришар эди. Масалан, узоқ йиллар мобайнида Навоий шаҳридаги саноат корхоналарининг атроф-муҳитни заҳарлаётгани сир сақлаб келинди. Бу ҳақда ёзиш, катта минбарлардан гапириш ман этиларди. Бу даҳшатли манзарани кўриб турган кичик курсилар гўё ҳеч нарса бўлмагандай катта курсиларга таъзим қилишарди. Шу йўл билан бировларнинг мансаби юқори бўлди, бировлар мукофотлар олди. Халқ эса ҳали-ҳануз заҳар гирдобида тўлғанади...

Хайрият ўзгаришлар бўлди. Бу жараён орқага қайтмайди. Пахтачи район кенгаши раиси, СССР халқ депутати Абдуҳаким Қаландаров, район ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ депутати Исмат Санаев, Навбаҳор район кенгаши раиси Акрам Алиқулов, Навоий район ижроия қўмитаси раиси Азимжон Истамов билан бўлган суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, бу районларга ишбилармон, одамлар тақдири билан ўз тақдирларини боғлаган раҳбарлар келган. Улар биргалашиб Навоий ҳудудини экологик инқироздан, Зарафшон дарёсини эса оғир ҳалокатдан асраб қолишмоқчи. Бу ҳаракатларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш керак. Бу ерларда ота-боболаримизнинг қадимги деҳқончилик анъаналари ва маданияти тикланмоқда. Тегирмонлар, жувозлар, ғишт ва мармар заводлари маҳсулот бера бошлади. Навбаҳор районида 1926 йилга қадар поляк мутахассислари томонидан чиқарилган машҳур вино заводи қайта тикланиш арафасида. Карманадаги маданий ва тарихий ёдгорликларни таъмирлашга жиддий эътибор берилмоқда. Хуллас, бу районларда миллий қайта уйғониш белгилари илдиз отиб, аслият ўз ҳолига қайтмоқда. Раҳбарларнинг нияти яхши, ғайрати зўр, фаолиятларида ишонч ва мустақиллик бор. Ишқилиб, халқ алданиб қолмаса бўлди. Ҳозирча бундай дейишга асос йўқ.

Ўзгаришлар чархпалаги айланиб турган ушбу замонда далада кетмон ураётган деҳқоннинг, чўлда таёқ судраб юрган чўпоннинг, ўн фарзандни тарбиялаб эгатларда юрган аёлнинг турмуши яхшиланмас экан, қайта қуриш ҳам, бозор иқтисоди ҳам ўзини оқламайди. Бугун ҳаётида, қилаётган ишида жиндек ўзгариш сезмаган оддий одам эртанги кунга ишонмайди. Унда ҳаммамиз бел боғлаб курашаётган мустақиллик ҳам хавф остида қолади. Бугунги раҳбар қайси лавозимда ишлашидан қатъий назар билимини, ақлини одамларга бағишлаши керак. Сафсатабозлик, буйруқбозлик ва алдамчилик даврлари барҳам топди. Инсон ҳуқуқи ҳимоя этиладиган ва ҳалол меҳнати қадрланадиган юртдагина чинакам инқилобий ўзгаришлар рўй беради. Жумладан, Зарафшон воҳасидаги районларда ҳам.

Ашурали ЖУРАЕВ

«ОЗОДЛИК» ОБИДАСИ ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

Жумҳуриятимиз пойтахти — Тошкентнинг Мустақиллик майдонида «Озодлик» обидасининг тиклаиши ниҳоятда муҳим сиёсий, ижтимоий ва тарихий воқеа бўлиши шубҳасиздир. Бу обида халқимизнинг асрий орзу-истаклари, тарихи, ҳаёти, меҳнат машаққатлари, дарду аламлари, қувонч ва ташвишлари, бугунга бўлган ишончу келажакка бўлган умидини ўзида ифода этиши лозим. Шу муносабат билан мен бир фуқаро сифатида «Озодлик» обидаси қуйидагича бўлишини таклиф этаман:

1. Обида доира шаклида ўрнатилган ва бир-биридан «ўсиб» чиқувчи ҳайкаллар (ёнки ярим ҳайкал — барельефлар)дан иборат бўлиб, унинг остки қисми кенгроқ, кейингиси эса торайиб боради.

2. Ҳайкаллар (барельефлар) етти қават қилиб ўрнатилади. Биринчи қаватга Одам Ато ва Момо Ҳаванинг рамзий тасвиридан тортиб то араб истилосигача бўлган даврга оид воқеалар, шу даврлар тарихий (афсонавий) шахслари тасвирланган ҳайкаллар (барельефлар) ўрнатилади. Яъни бу ерда қадимги турк қаҳрамонлари — Афросиёб, подшо хотин Тўмарис, мард чўпон Широқ, лашкарбоши Спитамен ва массагетлар, саклар, суғдлар ва бошқа халқларнинг вакиллари курашлари тасвирланади.

Иккинчи қаватда араб истилоси ва ундан кейинги даврларга оид тасвирлар ҳамда суғд подшоси Гурак, лашкарбоши Диваштин, афсонавий қаҳрамон Або Муслим, қўзғолончилар бошлиғи Муқанна, Маҳмуд Торобийлар ҳамда бу даврларда яшаган алломалар — Форобий, Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ат-Термизий, Бурҳониддин Марғилоний ва бошқаларнинг ҳайкаллари (барельефлари) жой олади.

Учинчи қаватда мўғул истилоси ва унга қарши кураш акс эттирилади. Бу ерда шаҳзода Жалолиддин, лашкарбоши Темур Малик, аллома Нажмиддин Кубро, жаҳонгир Амир Темур, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий, Улуғбек, Бобур Мирзо, алломалар Баҳовиддин Нақшбандий, оташнафас шоирлар Аҳмад Яссавий, Машраб ва бошқаларнинг тасвирлари ўрнатилади.

Тўртинчи қаватда XVI—XIX асрларга оид воқеалар, жумладан рус истилосини акс эттирувчи тасвирлар бўлади. Бу ерда шоиралар Нодира, Увайсий, Анбар отин, халқпарвар шоирлар Муқимий, Фурқат, Завқий, лашкарбоши Алимқул додҳоҳ ва бошқалар акс эттирилади.

Бешинчи қават Октябрь тўнтариши ва ундан кейинги воқеаларга бағишланади. Бунда халқ арбоблари Файзулла Хўжаев, Акмал, Икромов, Турарбек Рисқулов, адиблардан Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза Ниёзий, Усмон Носир, миллий қаҳрамон Мадаминбек ва бошқалар, шунингдек, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганларнинг тасвирлари, халқ фарзандлари — Ҳабиб Абдуллаев, Ҳамид Сулаймон каби олимлар, Ойбек, Мақсуд Шайхзода каби ёзувчи, шоирларнинг тасвирлари бўлади.

Олтинчи қаватга бизнинг ота-оналаримизнинг рамзий тимсоли — чол, кампир, ўртада навқирон йигит ва қиз ҳайкали (бугуннинг рамзи) ўрнатилади.

Еттинчи қаватда эса ёш ўғил бола ва қиз боланинг қўлини юқори кўтариб каптар учириб тургани тасвирланади (келажакнинг рамзи).

Албатта, бу обида бир-бири билан боғланган, муштарак, ҳам содда, ҳам мураккаб тасвирий мажмуа бўлиши лозим. Бу ерда кимлар тасвирланиши юқоридагилар билан чекланиб қолмаслиги, мутахассислар фикри-маслаҳати билан тўлдирилиши мумкин. Аммо обида фақат ҳақиқатни акс эттириши керак. Бу ерда ҳар қандай буйруқ, кўрсатма, хос ечимлар бўлмаслиги лозим. Бирон-бир хатти-ҳаракати билан халққа қарши борган, ўз шаънига доғ туширган шахсларнинг тасвири бу обидадан жой олмаслиги керак.

3. «Озодлик» обидаси Мустақиллик майдонининг ўртасига ўрнатилиши лозим, токи уни айланиб кўриш имконияти бўлсин.

4. Бу ҳайкални ўрнатишга жумҳуриятимизнинг барча истеъдодли кучлари жалб этилиши, у аллақайси «кабинет»ларда зимдан ҳал этилмаслиги, тайёр бўлгандан кейинги ўрнатиш, майдонни қайтадан таъмирлаш иши умумхалқ ҳашари билан олиб борилиши лозим.

5. «Озодлик» обидасини бунёд этишга чет эллик ватандошларимизни ҳам жалб этиш мумкин.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,
Тошкент дорулфунуни доценти, ёзувчи

Қари билганни пари билмас

С. МАҲКАМОВ суратга олган

ЯНГИ ШАРТНОМА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Белорус Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида шартнома имзоланди.

Томонлар ҳар иккала суверен давлатларнинг миллий манфаатларига мос келадиган дўстлик ва ҳамкорликни янада кучайтиришга; ўзаро муносабатларини суверен тенглик, ички ишларга аралашмаслик, куч ишлатишдан, тазйиқ ўтказишнинг бошқа усулларидан фойдаланмаслик принциплари асосида қуришга, халқаро ҳуқуқ нормаларига изчил амал қилишга келишиб олдилар. Шартномада айтилганидек, аҳдлашувчилар ўз ҳудудларида истиқомат қилувчи миллий озчиликнинг ҳуқуқларини таъминлайди. Вилоятлар, шаҳарлар, районлар даражасида ўрнатиладиган турли алоқалар ва ҳамкорликларни қўллаб-қувватлайди.

Имзоланган ҳужжатларда Чернобил атом электр станцияси, Орол денгизи ва Оролбўйи ҳалокатининг умумбашарий характерини англаб, шу фалокатлар билан боғлиқ муаммоларнинг барча жиҳатлари бўйича ахборотлар айирбошлаш, шунингдек, ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш юзасидан саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мажбурияти ҳам ўз аксини топди.

Томонлар маънавий соҳадаги алоқаларни кучайтириш юзасидан келишиб олдилар. Шу мақсадда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари, ижодий уюшмалар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига катта эътибор берилади.

Ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Белорус Республикаси Олий Кенгашининг Раиси С. Шушкевич имзоладилар.

Шу куни Ўзбекистон ва Белорус Республикалари раҳбарларининг журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Обуна—92

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

ИХТИЁРИНГИЗДА ЯНА 7 КУН ВАҚТ БОР!

ШОШИЛИНГ!

Обуна давом этаяпти. Жойлардан алоҳида-алоҳида ва оммавий бўлиб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га ёзилаётган муштарийларимиздан кўплаб хат-хабарлар келаяпти. Масалан, Ўрта Чирчиқ районининг А. Каромов номидаги жамоа хўжалиги аъзоларидан бирйўла 50 киши ҳафталигимизга обуна бўлибди. Бу хушхабарни кеча бизга шу хўжалик раиси ўринбосари Фозил Маматқулов етказди. Шу ҳафтанинг душанба ва сешанба куни 600 га яқин мактуб олдик. Уларнинг 500 дан ошиғида муштарийларимиз севимли ҳафталикларига обуна бўлишганини билдиришган. Аммо шошилмаётганлар афсусланиб қолишлари мумкин. Агарда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га ўз вақтида ёзилсангиз, келгуси йилда уни мириқиб ўқийсиз ҳамда дўконлар тугул чайқов бозорида ҳам излаб тополмаётган ноёб буюмингизга (ютуққа) эга бўласиз. Омадингизни синаб кўринг!

ЯНА ВАСВАСА

«ЎЗБЕКЛАР ҲАДДИДАН ОШИБДИ»МИ?

Сўнгги йилларда марказий ҳамда ўзимиздаги айрим русий забон нашрлар томонидан халқимиз шаънига тош отиш тўхтамаяпти. Мустақиллигимиз эълон қилинганидан сўнг бу жазава янада кучайди. Яқинда «ёзувчиларнинг эркин минбари» «ЛГ»нинг биринчи саҳифасида қуйидаги мактубни ўқидим:

«Русия фарзандлари» рукнида берилган чиқишларингиз муносабати билан ёзаяпман. Мен бизлар кимнинг фарзанди эканлигимизни билмайман. Миллатим бўйича ярим украинман: онам украин, отам волгабўйилик рус. Ўзим эса 44 йил бурун Тошкентда туғилганман, қизим ҳам шу ерда дунёга келган, ҳозир у 12 ёшда. Онам ҳамда опам эри ва болалари билан Украинада яшашади, мен ҳам ўз қавм-қариндошларим яқинига боришни хоҳлайман, чунки Тошкентда яшаб бўлмай қолди: ўзбеклар бутунлай ҳаддидан ошиб кетдилар, айниқса магазинларда (уларнинг деярли ҳаммаси савдода ишлашади), уларнинг яқинига йўлаб, ўз пулингга бирон нарса харид қилгани қўрқасан. Мени неча марта ҳақорат қилишди, очиқдан очиқ «қувиб солмаслардан бурун, жўнаб қол», дейишади. Касалхоналарга бормайман, у ерда ҳам «улар». Бизни бу ердан ҳар хил йўсин билан сиқишмоқда. Бироқ кўчиб кетишнинг иложи йўқ, негаки шундай вазият яратишятики, унга кўра, биз ҳамма нарсани — квартирани ҳам, уйни ҳам, мол-мулкни ҳам ташлаб кетишимиз керак. Мен давлатдан олган квартирамни ҳам бировга сотолмайман, уни кимгадир совға қилишим керак.

Менимча, республикалар қочоқларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз бўйнига олиши керак. Ўйлайманки, ишлаб берганимиз (стажимиз), бизга етказилган маънавий зарарларни ҳам тўлаб қўйишсин. Ҳа, барчасини тўлиқ тўлашсин. Эҳтимол, ўшанда биз ўрислар «ўзбекнинг» нонини еяпти... деган гапларни эшитмасмиз.

В. ГЛАХТЕЕВА

Тошкент

(«Литературная газета», 30 октябрь)

Бу хатни ўқиган одам миллатидан қатъий назар «ё тавба» дейди. «Наҳотки, ўзбеклар шу даражага бориб етган?» — деб ҳайрон қолади. Уларга «йўқ, аҳвол асло бундай эмас», деб тушунтириш учун анча вақт керак. Билмаган (асли воқеадан бехабар) одамларнинг юрагига тушган бундай заҳарли уруғ заҳарли ниш бермайди, деб ким айта олади? Бундай «хат»лар, «чиқишлар»дан кузатилган асосий мақсад ҳам шу эмасми.

Ростдан ҳам, В. Глахтеева айтгандай, Тошкентда ўзбеклар ҳаддидан ошиб, қутуриб кетганми? Савдодан тортиб, шифохоналару поликлиникаларга қадар ҳаммаёқни ўзбек босиб кетганми?

Йўғ-е, унчалик эмасдир. Ўзбек бошқа халқларнинг вакиллари билан сон жиҳатидан баробар ишлаётган ёлғиз шу соҳалар эмасми? Ресторанлар, савдодаги энг ёғлиғ жойлар кимнинг қўлида? Меҳмонхоналар, кооператив бару айш-ишрат ўчоқларининг эгаси ким? Турли идораларнику, айтмай қўя қолайлик. Энг катта магазинлардаги обрўли курсилар, ҳисоб-китоб, иқтисод, тарқатиш-тақсимлаш бўлимларига В. Глахтеева билан бирга бирма-бир кириб, кимлар ўтиргани чамалаб, санаб кўрайликми? Соғлиқни сақлаш муассасаларида энг кўзга кўринарли жойлар ва уларнинг эгаларини ҳам ҳисобдан ўтказамизми? Истаган ерда, истаган идора ёки бошқа ташкилотда В. Глахтеева чизган манзарадан бутунлай бошқа, ҳатто унинг тамомила тескарисига дуч келмасмикинмиз?

Алоқа, телефон-телеграф, аэрофлоту темир йўл хизмати, уларнинг сон-саноқсиз паттахоналарига, ҳарбий идораларга ҳам ҳеч йўли тушганмикан шу аёлнинг? Агар йўли тушган бўлса, жойлар «монополия» қилинганига эътибор берганмикан ва ҳар бир виждонли одам каби: «нега бундай?», «бу тўғри эмас-ку!» деб ўйлаганмикин? «Нега мустақил жумҳурият асосини ташкил этган ўзбек миллати унинг йирик шаҳарлари, хусусан, пойтахти Тошкентда атиги қирқ-қирқ икки фоизга тушиб қолди?» — деб жони куйганмикан? Ичи ачиганмикин? Ҳисобга жуда нўноқ одам ҳам Тошкентда бир юрса, ҳақиқий салмоқ қанчаликка тушиб қолганини бир зумда кўрмай, баҳоламай иложи йўқ.

Мен буларни ёзмас, биродарларимизни юзига солмас эдим. Лекин сизнинг чивинни фил қилиб кўрсатишингиз, ўз хоҳишингизни жумҳуриятда яшаётган барча русларнинг хоҳишидек кўрсатишингиз, менга оғир ботди. Албатта, миллатлар ўртасидаги муносабатлар сип-силлиқ эмас. Чигалликлар, ғашликлар, норозиликлар ўртада бор. Лекин уларни бир-бировимизга аччиқ қилиб, ғазаб билан ҳал қилиб бўлмайди. Ўртада ғазаб ва адоват эмас, ақл-идрок, хайрихоҳлик бўлгани яхши. Кўчиш, қайтиш муаммолари, ўз еридан кетиб бошқа ерларда яшаётганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун-қоида билан ҳал этилади.

Қолаверса, бу соҳада мустақил давлатлар ўртасида шартнома ва келишувлар тайёрланмоқда. Кўп ўтмай бориш-келишлар бари қонуний изга тушади, сабабсиз кўчиб юришлар барҳам топади. Унгача низо оловини ёқиш сизга нимага керак бўлиб қолди? Қирқ йил Тошкентда яшабсиз. Наҳотки, шунча пайт юрагингизда бир халққа нисбатан шунча ғараз олиб юра олдингиз? Қанчалар оғир бундай кайфиятлар билан яшаш!

Сизнинг хатингизни ўқиб, Болтиқбўйида, Гуржистон, Озарбойжон, Қозоғистон, Молдовада бўлган воқеаларни, мустақил давлатларга қарши қилинган оғир жинояткорона хуружларни эсладим. Ўша хуружлар олдидан марказий матбуот сизникига ўхшаш «хат»лар, туҳматдан иборат «мақолалар»га кенг ўрин ажратган, яъни хуружни халқ кўз ўнгида асосли қилиб кўрсатиш, Россия халқида шовинистик кайфиятлар уйғотишга зўр бериб уринган эди.

Кечиринг, бунга энди на кўзи очилган рус халқининг ўзи, на бошқа халқлар йўл қўядилар!

Россия хатарли ўтмишдан тўғри хулоса чиқариб, янги бирдан-бир адолатли йўлга, халқларнинг ўз ихтиёрларини ўзлари белгилашлари йўлига қадам қўйди. Бу қудратли мамлакат қизил империализм асоратидан тамом қутулмоқда. Демократия сари интилмоқда,

Газеталарда ёзишларича, 60 миллионга яқин руслар ўз ватанларидан ташқарида яшар эканлар. Бу ҳозирги кунда 60 миллион муаммо бор, демакдир. Бу тоталитаризмдан бизга мерос қолган муаммо. Улар аччиқ-тизиқ, ғазабли мушт дўлайтишлар билан эмас, музокаралар, адолатли битимлар, халқаро ҳуқуқ асосларида ҳал қилинади.

Ёвуз хаёлларга йўл бермайлик. 19 августда кесилган думларни қайта тирилтиришга уриниш беҳуда...

М. АБДУЛЛАЕВ

МУХАРРИРГА **мактублар**

ХАЛҚ КЎМАККА МУҲТОЖ

Ҳозирги турмуш тарзимиздан биров хурсанд бўлса, бошқа биров норози. Чунки кўпларнинг қозонида қуруқ сув қайнаяпти. Сув ҳам пулга — бир машинаси 20 сўмдан. Ахир олтин конларимиз, газимиз, пахтамизнинг пули нимага сарф қилинаяпти? Туманимизнинг 70 километр нарисидан жаҳонга газ берамиз. Аммо ўзимиз лоақал баллонли газга ёлчимаймиз. Кулолчи мунди кўзада сув ичибди, деб шунга айтсалар керак-да. Бозор иқтисодига ўтсак, халқнинг аҳволи яхшиланади, деб кўп гапирилди. Аслида халқнинг турмуш фаровонлиги ошиши ўрнига, баттар қашшоқлашаяпти.

Шу йил 11 июнь куни Деҳқонобод бозорини кузатдим. Майиз 15—16 сўм, помидор 5—6 сўм, картошка 3—4 сўм, пиёз 3 сўм. Сурхондарёдан картошка олиб келган бир деҳқон эгнини қисиб турибди. Атрофини анчагина одам қуршаб олган. Бирининг қўлида пичоқ, бирида ўроқ, бирида таёқ. «Сотсанг бир ярим сўмдан, бўлмаса жўнаб қол», дейишарди. Деҳқон эса 12 та болам бор, деб ялинарди. Хайрият, ҳуқуқ-тартибот ходимлари келиб одамларни тинчлантиришди. Ҳайрон қоласан киши. Дўконларимиз пештахталарини тўлдириб ётган харидорбоп маҳсулотлар, уй-рўзғор буюмлари, асбоб-анжомлар, қолаверса, шакар, гуруч, мой сингари зарур маҳсулотлар қаёққа кетди? На чит, на ширинлик, на чой, на ун топилади. Нарх ошишини эшитган кооперативчилар, айрим пулдорлар кучлари етгунча сотиб олиб яширишганди. Мана энди 6—7 баравар ортиқ баҳода пуллашаяпти. Дўконларда эса район ижроия қўмитаси киши бошига белгилагандан анча кам миқдорда тарқатиляпти. Қишлоқ дўконларида сариёғ, гўшт умуман берилмайди.

Кишиларни ғазаблантираётган яна бир нарса, бу дўконлардаги газмолларнинг кўпчилигида тайинли нархнинг йўқлигидир. Масалан, эни 80 сантиметрли янги баҳоси 1 сўм 60 тийинлик чит, 5 сўм, эни 145 сантиметрли 2 сўм 90 тийинлик бўз 5 сўм, эни 80 сантиметрли 1 сўм 90 тийинлик тик 5 сўм 93 тийиндан сотилаяпти. Лекин ҳаммада ҳам эмас. Ёки давлат баҳоси 18 сўм бўлган мотоцикл баллони 180 сўм. 65—70 сўм турадиган енгил машина баллонлари 700—800 сўм. 90 сўмлик япон рўмоли 280 сўм. Буни борлар олади. Йўқлар нима қилсин. Аввалари олиб-сотарларни, дўконлардаги қаллобликларни катталар билишмайди. Агарда билишса, дарров жазолашади, деб ўзимизни овутардик. Қарангки, улар ҳаммасидан огоҳ эканлару, негадир бирон жиддий чора қўллашни лозим кўришмаяпти. Шундоқ ҳам юпун халқ турли йўллар билан қақшатиб келинди. Энди бўлса бозор иқтисодиёти баҳонасида уни ҳам давлат, ҳам бир тўда олғирлар бор-йўғини шилаяпти. Келгусида ҳақиқатан бозор иқтисодиётига ўтилса, у нима қилади. Аҳвол шундай кетаверса, ноёброқ нарса тугул, ичадиган сувини сотиб олишга қурби етмайди-ку! Мустақил жумҳуриятимиз раҳбарлари шундай шароитда халқини ўйламаса, кўмаклашмаса, қачон ёрдам қўлини чўзади.

Хуррам МАҲМУДОВ
Деҳқонобод тумани

ЎЗБЕКИСТОН—ТУРКИЯ: ҲАМКОРЛИК КУНДАЛИГИ

Миллий ўзлигини билмаган миллатлар бошқа миллатларга емиш бўлгай.

Мустафо Камол Отатуркнинг мақбараси деворидаги ёзувлардан.

ЎЗЛИК

Азим СУЮН

Минг эшитгандан бир кўрган авло, деб бекорга айтмаслар экан. Туркияга бир ҳафталик сафарим ва унда кўрганларим бисёр китоблардан ўқиганларимдан, сўнгги лайтларда борган, келган дўстларимдан эшитганларимдан албатта маъқулроқ кечди десам хато қилмаган бўламан.

Москванинг Шереметьево қўналға (аэропорт)сидан кўтарилган учоқ (самолёт)имиз уч ярим соат деганда Истанбулга қўнди. Учоқда асосан марказликлар эди. Улар катта-катта сафар тўрваларини судрашиб (кейин билсам, чайқовчиликнинг уйини куйдирадиганлар шундай учоқларни тўлдиришиб қатнар эканлар) апил-тапил тушиб кетишди. Учоқда ўнга яқин одам, бир қозоқ бовурдош академик ва мен қолдим. Биз Анқарага ҳаво йўлини давом эттиришимиз керак эди. «Туркий улуслар шеъриятида турк тили» мавзусида бўладиган халқаро тўпланди (симпозиум)га шошилардик.

Учоқ ойнагидан қўналғига қарайман. Ёш-ёш йигитлар қора шим, қора туфли, оқ кўйлакда галстуклар тақишиб хизмат қилишиб юришибди. Ҳайрон бўлиб академикка қарадим. У менга бу одатий ҳол «Турк қардош ўта маданиятли халқ» эканлигини тушунтиришга тушди...

Анқара қўналғисида Туркия Ёзарлар Бирлиги (Туркия Ёзувчилар Уюшмаси)нинг масъул котиби Сафар Қутлуғ хушкалом билан кутиб олди. Ў, уларнинг хушкаломлиги... Бу ҳақда Туркияга бориб келган бир неча адибларимиз кўп яхши сўзлар ёзишди. Бари тўғри. Биз жуда қўполлашиб кетганмиз. Бутун сафарим давомида бақириш-чақиришларни, жеркиш, сўкиш, бир-бирини ҳақоратлашларни ё биров-бировига қўлларини бигиз қилиб гапиришларни, тупугини сачратиб оғиз кўпиртиришларни кўрмадим. Каттаю кичик, ёшу қари тенгдек. Бир-бирига айтилган сўз: қонун! Ё бор, ё йўқ. Ҳаммаси оҳиста, ҳурмат билан айтилади. Лафз, ваъда — қонун! Бир ишни «хўп» деб бажармаслик жиноятга тенг.

Туркия Ёзарлар Бирлиги, Бош Бошқони (биринчи котиби) доктор Меҳмет Дўған мени худди эски қадрдонидай қучоқ очиб кутиб олди. Ёзувчилар Бирлигининг бошқа барча масъул кишилари: Четин Бавдар, Аҳмед Қоратемир, Меҳмет Камол, Байрам Билда Тўқал, Исмоил Ҳожи Фаттоҳ ҳам юзларини юзларимга қўйиб кўришдилар (уларда шундай одат бор экан). Барчаси Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилинганлиги билан қутлашди.

— Ўзбекистон мустақиллигини Туркия тан олмаяпти-ку, — дедим мен.

Мезбонлар ҳозир Туркиянинг ҳамма жойида, айниқса, зиёлилар ўртасида гап шу ҳақда кетаётганлигини, қизғин баҳслар бўлаётганлигини айтишди. Кейинги кунларда эса бунга ўзим гувоҳ бўлдим.

Туркия Ёзарлар Бирлигининг расман 500 аъзоси бор. Аммо Туркияда ҳам Ўзбекистондаги каби ёш ёзувчилар, шоирлар, олимлар кўп. Улар Бирликда тез-тез йиғилишиб туришади. Кўплаб конференслар, суҳбатлар ўтказишади. Фақат биздаги янглиғ «ёқабўғишлар» йўқ. Миллат, Туркия давлати, туркий халқлар тақдири тўғрисида кўп қайғурадилар. Катталар ёшларга, ёшлар катталарга ўта иззат-икром билан ўз фикрларини изҳор этадилар.

Туркия Ёзарлар Бирлигига Ўзбекистондан расман таширриф буюрган биринчи шоир мен бўлиб чиқдим. Менинг боришим муносабати ила турк ёзувчилари, зиёлилари, телевизион, радио журналистлари, газетачилар, ноширлар, оддий китобхонлар йиғилишди. Улар Ўзбекистон, умуман Туркистон ҳаёти, халқ турмуши, ҳозир кечаётган миллий уйғонишлар билан жуда қизиқдилар. Мен мезбонларнинг барча саволларига баҳоли қудрат жавоб бердим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, ёзувчиларимиз фаолиятлари ҳақида, Ўзбекистон, ўзбек-турклари, шахсан президентимиз Ислом Каримовнинг бисёр сермасъулиятли ишлари тўғрисида сўзлаб беришга тўғри келди. Ўзбекистон халқ демократик партияси, «Эрк» партияси, «Бирлик» халқ ҳаракати ҳақидаги турли-туман қарашларга аниқлик киритишга ҳаракат қилдим.

Мен битта нарсага амин бўлдимки, ижодкор ҳамма жойда масъул, жавобгар. У ўз халқининг овози! Ижодкор ҳеч қачон хато қилиши мумкин эмас! Табиб хато қилиши — бемор ўлими. Ижодкор, ғояшунос хато қилиши миллат таназзулига сабабчи бўлиши мумкин!

Бу фикрлар Анқара университетидаги «Турк ўчоқлари» жамиятидаги учрашувларда ҳам, «Турк юрти» дарғисининг умумий нашриёт мудири, «Турк ўчоқлари» Анқара шўъбаси бошқони, доктор Ўрхун Қовунчи, Қази университети тил-адабиёт факультети мудири, доктор Мустафа Эсан уйларидаги шахсий суҳбатларда ҳам мени асло тарк этмади.

Кўнёдаги Жалолиддин Румий зиёратгоҳи

Туркия Ёзарлар Бирлиги Бош Бошқони Меҳмет Дўған ҳам уйига таклиф қилди. У 14 йилдан буёч Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилади. Унинг турк миллати учун қилаётган хизматлари беқиёс. Хусусан, Турк «Сўзлик» (Изоҳли луғат)и, бошланғич синфлар учун яратилган «Илк сўзлик»и, тарихга оид кўплаб илмий ишлари таҳсинга лойиқ.

Туркияда мамлакат тарихи жуда эҳтиром қилинади. У ёшларга жиддий тарзда ўқитилади.

Турк маданияти бошқонлиги (министрлиги)нинг этнография музейида бўлдим. Бу музей ходимлари билан Ўзбекистондаги тарихий музейларимиз ходимлари, тарихчиларимиз, археологларимиз узвий алоқада бўлишлари керак экан, деб ўйлаб қолдим. Чунки Туркия турклари ва Туркистон турклари тарихи битта эканлиги ушбу ерда яққол ўзлигини намоён этади. Умуман, туркий халқлар тарихи биргаликда яратилиши зарур! Бу ерда жуда кўплаб нодир қўлёзмалар ҳам сақланади. Ким билади, дейсиз, Туркистон — Ўзбекистон тарихига оид китоблар улар орасида ҳам бордир... Анқара қалъаси— энг қадимги Анқара. Бу қалъа не-не жангларнинг, савашларнинг гувоҳи бўлган. Эҳтимол, Амир Темур ҳам ушбу қалъа тепасига кўтарилиб, бутун Анқарани томоша қилгандир, ўзича ғурур туйғандир... Амир Темур ва Боязид Йилдирим жанг қилган катта майдон— сайхонликнинг бир қисмида ҳозир Анқара қўналғиси (аэропорти) жойлашган. Машҳур» «фил жанги» шу ерда кечган. Умуман, Темур номи билан боғланган жойлар Анқарада анчагина. Икки жаҳонгир жанглари ҳақида суҳбатлашиб, буюк ғофил боболаримиз, деб кулишдик.

Анқара ҳисорига (қалъа) Меҳмет Дўған, булғор-турк шоири Али Байрам, Туркия шоири Али Оқбош ва камина кўтарилиб бордик. 3 миллион нуфусга эга Анқара пойимизда...

Али Байрам шеър бошлади:

Анқара, Анқара, қародир тошинг,
Қартоллар ювоши (уяси) эгалмас бошинг,
Сен бўлдинг жон уйи буюк савашнинг,
Сенга инонмоққа келдик, Анқара...

Навбатни Али Оқбош олди:

Анқаранинг ташина боқ,
Кўзларимнинг ёшина боқ.
Душман биза бош қолдирмиш,
Шу фалакнинг ишина боқ...

Шеърхонликни мен давом эттирдим... Яна бир ҳамроҳимиз Байрам Билға Тўқал Гўрўғли (Кўрўғли) достонларидан куйлаб юборди...

Оҳ, бу шеърлар, қўшиқлар, достонлар, куйлар — бир бутун, бир миллатнинг жон томирларидир!

Бир бутунликни мен ҳамма жойда ҳис қилдим, эшитдим, кўрдим. Бекорга турк деҳқони улуғ туркистонликлар ҳақида «тили-тилимга тўғри, дини-динимга, дили-дилимга тўғри» демайди-да!

Ана шу туйғу Хўжа Байрам Вали зиёратгоҳини тавоф қилганимда ҳам, 50000 киши бир пайтда номоз ўқиб туриб кетадиган Хўжатепа жомесида илк марта номозхонлар билан бирга жойномозга бош қўйганимда ҳам менга йўлдош бўлди.

Бугунги Туркиянинг ғаллачилик вилояти ва жуда қадим маданиятининг бешиги бўлган Кўнёга сафарим 23 октябрнинг тонгидан бошланди. Анқарадан чиқиш биланоқ Қрим қирларини, тоғларини эслатувчи манзаралар намоён бўлди. Яшил ўрмон... кейин Нурота, Ғаллаорол дашт-адирларини ёдга солувчи ерлар... Аммо ўнё шаҳри... яна мўъжиза!

Кўнё сафарини ҳар қандай сайёҳ Жалолиддин Румий мақбара-масжидини зиёрат қилишдан бошлаши аниқ. Билмадим, мен шундай қилдим. Буюк шоир мақбарасини, унинг салаф-ҳалафлари зиёратгоҳларини, мавлавилар хонақоҳларини кўриш бахтига муяссар бўлганимдан кўзларимга ёш келди. Жалолиддин Румий чашмасидан сув ичдим, «Соқоли шариф»ни (Муҳаммад Пайғамбар соқолидан бир улга солинган садаф сандиқ, ўндан ҳамиша гул ҳиди таралиб туради) тавофладим.

Айтишим керакки, Жалолиддин Румий даҳоси шундай мўъжизаки... Жалолиддин қазо қилганда унинг отаси ўз қабридан туриб кетган экан...

Ҳар бир дунё кишиси Самарқанд, Бухоро, Хева каби шаҳарларни кўриши керак бўлганидек, Туркистондаги Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилиши лозим бўлганидек, бу жойларни ҳам фақат кўриш, зиёрат этиши керак. Минг ёзганинг билан таъриф-тавсифини келтиролмайсан! Шоирларнинг қалами ожизлиги шу ерларда билиниб қолади!

Кўнёда Туркистон мужаҳидларидан Анвар пошшо саркотиби, шоир (марҳум— 1976 йил) Аҳмад Хокининг бир тўртлигини ёзиб олдим, яъни ул демишки:

Мен хокийам нар (анор) истамам,
Алдагувчи ёр истамам.
Вайрона қолсин бу кўнгил,
Таъмира меъмор истамам.

Мен қатнашадиган симпозиум баҳорга қолдирилибди. Сабаби: қутилмаганда миллий палатага депутатлар сайлови бошланибди. Туркияда сайлов пайти ҳар қандай анжуман, йиғилишлар тўхтатилар экан.

Дарвоқе, мен сайлов нима эканлигини кўрдим. Демократия нима эканлигини кўрдим. Ҳозир Туркияда олти йирик партия мавжуд. Шулардан миллий палатага 450 депутат сайланади. Қайси партия 51 фоиз депутат чиқарса, ўша ҳукумат тузиб, мамлакатни бошқаришга киришади. Давлат бошлиғи — президент. У парламент аъзоларидан сайланади, парламент қабул қилган қонунларни эълон қилади, халқаро ишларда Туркия давлати номидан иш кўради. Ва у олий бош қўмондонлик вазифасини бажаради.

Сайловларда халққа кенг эркинлик, демократия берилган. 18 октябрь куни, яъни сайловдан икки кун олдин «Тўғри йўл» партиясининг Анқара бош майдонида сайловчилар билан бўлган учрашувида қатнашдим.

Бир пайтлар Анқара валиси бўлмиш Навдод Тандуан номидаги Бош майдон одамлар билан тирбанд. Ҳамма тарафда: бинолар пештоқларида, дарахтларда, машиналарда, одамлар қўлларида Турк байроқлари ҳилпирайди.

Сон-саноқсиз жойларга номзодларнинг суратлари осилган. Номзодларни ташвиқот қилгувчи рўзномалар, варақалар сотилмоқда. Ширин-шакар шарбатлар, сувлар, ҳар хил егуликлар сероб. Бировнинг биров билан иши йўқ. Ҳатто саккиз, ўн қаватли бинолар устларида одамлар... Майдон ўртасига ўрнатилган махсус «сўри»дан номзод ва унинг ишончли вакиллари жой олган. Улар микрофонда бирин-кетин, сўзлайди. Сўзлари Буюк Туркия давлати ҳақида, буюк турк халқи ҳақида, миллат келажаги барқарорлиги ҳақида Ё фалак! Бутун майдон аҳли қўлларини кўтаришиб «Яшасин буюк Турк миллати!», «Буюк Туркия омон бўлсин!» каби калималарни бир зарб билан ҳайқириб такрорлашади! Ана халқ, ана миллат!

Биз Ўзбекистонда халққа, демократияга ишонишимиз керак. Мустақиллик йўлларида эркинлик жуда-жуда зарур! Айниқса, сўз эркинлиги — зарурият!

Туркия сайловлари ҳақида кўп ўйладим. Ҳар бир партиянинг ўз дастури бор. Ҳар бир номзоднинг-да, ўз дастури... Уларнинг барчасида халқ фаровонлиги учун кураш... Ҳолбуки, мамлакатда ҳамма нарса бор. Магазинлар, мева-чевалар, егуликлар билан тирбанд, кийим-кечаклар, мол-ҳоллар ошиб-тошиб ётибди, бозорларда жондан бошқа ҳамма нарса топилади.

Бу ерда инсон яшаши учун барча қулайликлар мавжуд. Ўйда туриб дунёнинг исталган жойи билан исталган пайтда телефон орқали гаплашиш мумкин. «Туркистон» жамияти президенти, «Туркистон» дарғиси (журнали) муҳаррири, моҳир жарроҳ, дўстим Аҳад Андижон уйидан, яъни Истанбулдан Тошкентга — уйимга телефон қилсам, Ойгулхон шошиб қолди. У «ростдан Истанбулдан қўнғироқ қилаяпсизми?» деб қайта-қайта сўради. Билмадим, Аҳад Андижон аёлининг овозини эшитмаганда унинг хаёлидан нималар кечарди?

Истанбул... Бу шаҳар ҳақида кўп ўқигандим. У Мармара денгизи ва Босфор бўғозининг паст-баланд соҳилларида жойлашган. Осиё ва Овропани Босфор бўғози устига қурилган икки улкан кўприк туташтириб туради. Усмонли турклар салтанатининг пойтахти бўлган Истанбул бугунги кунда ҳам Туркиянинг энг катта мўъжизавий шаҳри ҳисобланади. Истанбулда 500 дан ортиқ масжид, шунингдек, саройлар, ибодатхоналар, фаввоpалар мавжуд. Сулаймония, Боязид, Аҳмадия, Кўк масжид, Шаҳзода масжидлари, Аё-София ибодатхонаси шулар жумласидандир. Уларнинг миноралари осмонни кўзлаб тик турган ракеталарни ёдга туширади...

Биз бугунги кунда бозордан безиллаб қолдик. Афсуски, бизнинг бозор ҳали бозор эмас. Истанбулдаги Боязид бозоридан нима борлигини эмас, нима йўқлигини қидириш керак. Э, воҳ, бизнинг бозорлар қачон тўлар экан? Аҳли тижорат чайқовчиликдан қутулиб, қачон ҳақиқий савдо соҳиблари бўлар экан? Қачон?

Аҳад Андижон ҳамроҳлигида бутун Истанбулни айланиб юрар эканман, она Ўзбекистоним, унинг бугунги афтода ҳоли асло кўз ўнгимдан кетмади.

Ҳа, эрк тақчиллиги бор жойда ҳамма нарса тақчил! Ҳамма нарса давлатники деган жойда халқ юпун, оч, қашшоқ, гадо! Ҳа, шахсий манфаат бўлмаган жойда юксалиш, тараққиёт йўқ! Бугун буни барча тушуниши керак. Хусусийлаштиришдан қўрқмаслик керак! Туркияда ер деҳқонники, сув деҳқонники, лекин биздагидек фақат тилда ва қоғозда эмас! Мустафо Камол Отатурк «Миллат улуғи ким?», деган саволга Султон Салим (XVI аср) сўзи билан «Деҳқон» деб жавоб берган.

Хуллас, Туркияда ҳамма нарсага фақат давлат эмас — халқ хўжайин! Ҳозир ҳатто темир йўлларни ҳам давлат тасарруфидан чиқариш масаласи кўрилмоқда экан.

Истанбулда кўплаб туркистонликлар яшашади. Ҳаммаси ўзига тўқ, бой-бадавлат. Ўзбекистон мустақиллигини эшитишиб, бошлари осмонда.

...Заргарлик моллари соҳиби Шавкат Ойнурал хонадони. Бу хонадонда Жамол Камол, Тўра Мирзо, Тоҳир Қаҳҳор, Муҳаммад Солиҳ, «Баҳор» ансамблининг бир гуруҳ раққосалари ҳам меҳмон бўлишган экан. Шавкатжон уларга кўпдан кўп салом йўллади. Мен Истанбулда Шавкат Ойнуралдек ажойиб дўст топганимдан қувондим.

Умуман, Туркияда кўп яхши кишилар билан суҳбатлашдим, кўпчилиги билан дўстлашдим. Ёш адиб, Туркия Ёзарлар Бирлиги мукофоти совриндори Шукури Қорача, югославиялик турк шоири, ёзувчи ва рассом Адҳам Баймоқ, ёзувчи Ориф Ой, телевизия журналисти Неъмат Жамол, бўлажак фан доктори Ёқуб Дилмурод ўғли ва бошқалар билан мактублар йўллашиб туришга аҳдлашдик.

Туркияда, айниқса, битта нарсадан беҳад севиндим. Буни ўзимча ЎЗЛИК деб атадим. Мен ҳамма нарсада ўзликни кўрдим, ҳамма нарсада ўзликни ҳис қилдим. Бу ўзлик Туркияни дунёга олиб чиққан, бўй-бастини кўрсатган. Келажакка эш қилган. Ўзлик, бу маҳдудлик эмас. Билъакс, ўзлик дунёвийдир!

Туркиянинг илк пойтахти бўлмиш Бурса шаҳрида Туркия давлат раҳбарларидан бири, яъни жаноб Канон Эврен «Туркия — дунё турклигининг сўнгги қалъасидир!» деган экан. Ҳа, Туркия «сўнгги қалъа» бўлиб келди. Аммо, иншооллоҳ, XX аср тонгида сўнгги қалъа бўлиб қолмагай! Унинг сафига ўзлиги билан Ўзбекистон ва бутун Туркистон қўшилгай! Мазлум турк қалъалари қўшилгай! Омин!

ДАРОМАД-КУ ЧАККИ ЭМАС, ЛЕКИН... ТУРМУШ ЎНГЛАНАДИМИ?

Пахта ҳақида гап кетса кўз олдимга далада кеч кузакда мунғайиб турган, лаблари шамолдан ёрилиб кетган, қўлларини пахта чаноқлари тилиб, яра қилиб ташлаган, мактаб партасида ўтириб илм олишдан бенасиб қилинган болалар, уйларига гўдакларини ташлаб чиққан оналар, ҳали гўшангалари йиғилмай пахтазорларга михланган келинлар, талабалик сумкаларини пахта этакларига алмаштирган студентлар келаверади. Мен хаёлимдан кечган бу фикрларни жумҳуриятимиз пахтакорлари 4 миллион 450 минг тонналик хирмонни уйиб, пахта планини бажарган, ҳамманинг юзига хурсандчилик ёйилган кунда олис Хоразм воҳасининг Янгибозор туманидаги Куйбишев номидаги жамоа хўжалиги раиси Ванс Оллаберганова суҳбат асносида айтиб бердим. Хўжалиги планни бажара олмагани учунми ёки тун-кун уйқусизлик сабабми қовоқлари салқиган, хорғин раис бироз ўйланиб қолди, кейин гап бошлади.

— Умуман олганда, гапингиз тўғри, пахтачиликда қўл меҳнати ҳамон етакчи. Деҳқон пахтадан даромад олиш мақсадида уйидаги бор кучини — етти ёш боласидан етмиш ёш отасигача далага бошлаши табиий. Лекин сиз айтган аҳвол учтўрт йил нарисида мавжуд эди. Очиғини айтишимиз керак, мен тенги раислар, директорлар — ҳаммамиз қимирлаган жон бўлса пахтазорга ҳайдаганмиз, йўлларга тўсиқлар қўйганмиз, барча пахтазорга — фронтга деб жар солганмиз. Бунда на одамларнинг дардини эшитдик, на соғлиғини ўйладик. Болаларимизни ёмғир остида пайкалларда дийдиратиб қўйдик. Бунинг устига кунига уч маҳал келадиган, деҳқонларга ақл ўргатаверадиган комиссияларни айтмайсизми? Шу тариқ ҳаммани пахтадан бездирдик. Деҳқон пахтани чин кўнгилдан экиб-тарайдиган эмас, мажбурият остида ўстирадиган, йиғиштириб оладиган бўлди.

Ҳозир аҳвол ўзгарди. Ҳозир оилавий пудрат, якка пудрат, ижара усулига ўтилди. Бу усул, маълум маънода, деҳқонга ўз эрки, ҳуқуқининг бир қисмини қайтарди. Энди у пахтани қандай экиш, қачон экиш, суғориш, қандай йиғиштириб олиш кабиларни ўзи ҳал қилади. Бироқ бу ҳам деҳқоннинг юмушини енгиллатмаётибди. Чунки пахтачилик соҳасида, гарчи юзлаб олимларимиз, академикларимиз, институтларимиз, академияларимиз мавжуд бўлса-да, техника тараққиёти даражаси ниҳоятда паст. 30-йилларда пайдо бўлган машиналарнинг у ёки бу қисмини янгилаш билан овора бўлиб ётибмиз. Янги техника эса деярли йўқ. Шу сабабли мактаб ҳашаридан қутулган болалар эндиликда оила пудрати қармоғига илиниб ётибдилар. Гарчи, йиғим-теримда ҳар хил шиорбозликлар барҳам еган бўлса-да, ҳамон қўл меҳнатидан ҳеч ким озод эмас.

Лекин деҳқон қачон бўлмасин, ҳам юқори техникага, ҳам ерга хўжайинлик ҳуқуқига эришади, деб ўйлайман.

— Бу йилги пахтачиликдаги ютуқлар матбуотда ҳар хил шарҳланмоқда. Бу борада сизнинг фикрларингиз?

— Тўғри, бу йил жумҳуриятда катта хирмон уйилди. Кузнинг сахийлигидан ҳам миннатдор бўлишимиз керак. Ўз номи билан айтсак, ҳақиқий пахтачилик йили бўлди.

Пахтанинг давлат харид нархининг ошганлигидан ҳақиқатан хурсандмиз. Деҳқоннинг ниҳоят пахтадан оз бўлса-да чўнтаги пул кўрадиган бўлди. Лекин мен уни пахтачиликдаги ютуқлар омили деб эмас, деҳқонга рағбат деб баҳолаган бўлардим. Чунки деҳқон эккантиккан пахтасини барибир йиғиштириб олган бўларди. Хўш, шу жараёнда бизни қувонтираётган нарса, деҳқонга рағбатнинг қадри қандай? Келинг, ҳақиқатга тик қараб, бу оширилган нархнинг қимматини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб баҳолаб кўрайлик. Бугун битта аёллар кўйлаги 600 сўм, этиги ҳам шунча пул, пальтоси минг ярим сўм, рўмоли 300 сўм, хуллас, унинг бир кийиниши учун тўрт минг сўм етмайди. Энди шуни пахтакор меҳнатига солиштирайлик. Ҳозирги нарх бўйича шунча пулни топиш учун теримчи камида 10 тонна пахта териши керак. Бу айтишгагина осон. Бунинг устига оиладагиларнинг кийишичиши-чи? Бошқачароқ айтганда, пахтадан бўладиган маҳсулотлар нархи 9-10 баравар ошди, пахтакорга тўланадиган нарх эса бор-йўғи икки баробарга кўпайди, холос.

Бунинг устига ғўзага ишлов берадиган техника, ёнилғи ва ўғитнинг нархи ҳам бир неча баробарга алдақачон кўтарилган. Хўш, ана шундай шароитда пахтага тўланаётган ҳақ деҳқоннинг талабларига жавоб берадими?

Мен етиштирилган пахтанинг 5 фоизи ва режадан ортиқ олинган толанинг барчасини хўжаликлар ўз ихтиёрларига кўра сарфлашлари мумкинлиги ҳақидаги Президент Фармонини ҳам деҳқонларга чинакам ғамхўрлик намунаси деб биламан. Лекин бу Фармоннинг ижроси қандай бўлади? Бугунги ўзбек деҳқони ташқи бозор билан муомалада бўлолмаса, ўша 5 фоиз ва режадан ортиқ пахтасини ҳам охир-оқибатда давлатга сотишга мажбур бўлмайдими? Демак, бу Фармоннинг ижросини таъминлайдиган йўлларни ҳам ишлаб чиқиш зарур. Қолаверса, деҳқонга ёки хўжаликка режадаги пахтанинг 5 фоизи эмас, 10 фоизи қолдирилса, даромад янада кўпаярди. Ахир деҳқоннинг бойигани давлатнинг бойигани эмасми?

Бу йил негадир шимолий вилоятларда пахта плани бажарилиши қийин кечмоқда. Сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Баҳорда ёмғир ниҳоятда кўп бўлди. Ҳаво ҳам анча салқин келди. Ғўза кеч етилиб, кўсаклар пишмай қолди. Буларнинг сабаби оддий: Орол қуриб бормоқда. Оролнинг қуриши бундан кейин ҳам ёғингарчиликнинг кўп бўлишига олиб келса ажабмас. Чунки аввал денгиз бор пайтида шимолдан келадиган совуқ оқимларни тўсиб, ўзига яраша мўътадил иқлим яратарди. Энди эса у йўқ. Демак, биз келгусида деҳқончиликни ана шундай шароитларни ҳисобга олиб амалга оширишимиз зарур бўлади. Ўйлаймизки, бу борада президентимиз ва ҳукумат ҳам одилона йўл тутади.

Ранс билан бошқа яна кўп нарсалар ҳақида очиқчасига гаплашдик. Ҳа, деҳқончилик маданиятини, пахтакорлар турмуш даражасини ошириш борасида ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Мен суҳбат асносида унга «Хўш, энди деҳқоннинг даромади кўпаядими?», деган саволни бериб кўрдим. У қатъий ишонч билан «Кўпаяди, лекин бу деҳқон турмушини ўнглай олармикан?» деб жавоб берди. Хўш, бу хусусда сизлар нима дейсизлар, азиз муштарийлар?

Суҳбатни Камол МАТЕҚУБОВ олиб борди

Бу йил ҳосил мўл бўлди

СУРАТЛАРДА: Сирдарё вилояти, «Оқ олтин» районининг Бобур номидаги жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳаётидан лавҳалар

Юнус ЭМРО

●

Сўрдим сари чечакдин
Юзинг недан саридир
Чечак айтир эй дарвиш
Оҳим тоғлар эритир

Яна сўрдим чечакдин
Сизда ўлим бормидир
Чечак айтир эй дарвиш,
Ўлимсиз ер бормидир

Яна сўрдим чечакдин
Қишин нерда бўлирсиз
Чечак айтир эй дарвиш,
Қишин турпоқ бўлирмиз

Яна сўрдим чечакдин
Тамуға* кирармисиз
Чечак айтир эй дарвиш,
Ул мункирлар еридир

Яна сўрдим чечакдин
Учмаға* кирармисиз
Чечак айтир эй дарвиш,
Учмаг одам шаҳридир

Яна сўрдим чечакдин
Гул сизин нениз бўлур
Чечак айтир эй дарвиш,
Гул Муҳаммад теридир

Яна сўрдим чечакдин
Атони* билармисиз
Чечак айтир эй дарвиш,
Ато мингдан биридир

Яна сўрдим чечакдин
Қирқларни* билармисиз
Чечак айтир эй дарвиш,
Қирқлар Оллоҳ ёридир

Яна сўрдим чечакдин
Рангни нердин олурсиз
Чечак айтир эй дарвиш,
Ой ила Кун нуридир

Яна сўрдим чечакдин
Бўйнинг недин эгридир
Чечак айтир эй дарвиш,
Кўнглим Ҳаққа тўғридир

Яна сўрдим чечакдин
Она-отанг бормидир
Чечак айтир эй дарвиш,
Бу не ажаб сўровдир

Яна сўрдим чечакдин
Сен Каъбани кўрдингми
Чечак айтир эй дарвиш,
Каъба Оллоҳ уйидир

Яна сўрдим чечакдин
Боққа кирсам не бўлир
Чечак айтир эй дарвиш,
Мени исла — кетавер

Яна сўрдим чечакдин
Сен Сиротни кўрдингми
Чечак айтир эй дарвиш,
Ул ҳамманинг йўлидир

Яна сўрдим чечакдин
Кўзинг нечун ёшлидир
Чечак айтир эй дарвиш,
Бағрим яра — тошлидир

Яна сўрдим чечакдин
Юнусни билармисан
Чечак айтир эй дарвиш,
Юнус Қирқлар ёридир

Туркия туркчасидан ўзбек туркчасига

Азим СУЮН уйғунлаштирган

* Тамуғ — жаҳаннам.

* Учмаг — жаннат

* Ато — Одам Ато назарда тутилмоқда.

* Қирқлар — Ғайб валиларининг бир гуруҳи

ЎЗ ДАВРИДА, ЎЗ ДАВРАСИДА

XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИНИ бутунлай ўзгача асосларда қайтадан ёзиш лозим эканлиги бугун ҳаммага аён ҳақиқат. Фақат бу ўзгача асослар қандай бўлиши лозим, у нималардан иборат деган саволларга ҳали-ҳануз жавоб топилгани йўқ.

1986 йили тузиш бошланган ва ҳалигача гоҳ у ери, гоҳ бу ери ўзгартирилаётган, бироқ шунда ҳам на ўқитувчиларни, на илмий жамоатчиликни бироз бўлсин қониқтиролаётган ўрта мактаблар учун адабиётдан тузилган дастурнинг тақдири, олий мактаблар учун мўлжалланиб, муаллифлар жамоаси томонидан яратилган ва 1990 йили босмадан чиққан «Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг аҳволи уринишлар ҳали ўлда-жўлда эканлигидан, бу борада таҳсинга сазовор бирон иш қилинмаганидан далолат бериб турибди.

Менингча, бу йўлдаги биринчи назарий қадам адабиёт тарихини даврлаштириш масаласини янгича ҳал этиш билан боғланган. Масалан, таҳлил методини ўзгартириш билан иш битмайди. Дейлик, биз шу маҳалгача ҳукмрон бўлган ижтимоий-тарихий таҳлил методидан воз кечсак, Ҳамзанинг «Яша Шўро», «Ишчилар, уйғон» каби публицистик шеърларини (ҳатто, кейинги даврлардаги бошқа муаллифларнинг публицистик шеърларини ҳам), «Бой ила хизматчи», «Бурунги сайловлар» каби ижтимоий пафоси кучли драмаларини, Фитратнинг баъзи асарлари, Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» каби айрим шеърларини, унинг ижодида катта бурилиш юз берганини акс эттириб турадиган «Соз» каби шеърий тўпламининг пайдо бўлиш сабабларини тушуниш ва тушунтириш учун мақбул методдан маҳрум бўламиз. Агар эскичасига қолаверса, яна ўша Ҳамзанинг «Гул» тўпламлари, «Майсаранинг иши» каби саҳна асарларини, Фитратнинг «Абдулфайзхон» каби драмаларини, Чўлпоннинг лирик ижодиётини, «Кеча ва кундуз» романининг насримиз тараққиётида тутган ўрнини таҳлил этиш имконидан жудо бўламиз. Яъни, у ёки бу таҳлил методи у ёки бу асарнигина текшириш учун қулай бўлиб, ҳар қандай асарга нисбатан ҳам қўллайверса бўладиган универсал метод йўқ.

Ижтимоий тарихга янгича қараш, адабиёт тарихини шу асосда қайта ёзишга уриниш ҳам, назаримда, масалани ҳал этиб беролмаса керак. Биз, масалан, бугунги барча кулфатларимизнинг сабаби деб қарашга мойил бўлаётганимиз Октябрь тўнтаришини қуйлаган, унга мадҳу сано ўқиган ҳар бир ижодкорни ва асарни адабиёт тарихидан улоқтириб ташлаб, аксинча, унга душманона муносабатда бўлганларнинг ҳаммасини кўкларга кўтариб, гарчи бўш асарлар эса-да, адабиёт тарихига олиб киролмаймиз. Ўтмиш адабиёт бизнинг иштирокимизсиз бино бўлган, бинобарин, уни қайтадан бичиб-тўқишга ҳуқуқимиз йўқ. Борини инобатга олишимиз ва кучимиз етганича таҳлил этишимиз мумкин, холос.

Дейлик, Ғафур Ғуломнинг «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка» каби «қизил» шеърлари кўп. Лекин биз уларни «қизил» бўлгани учун ҳам адабиёт тарихидан четда қолдирмаймиз-ку! Улардаги гўзал ташбеҳлардан, қуйма мисралардан воз кечиш, руҳнинг бир силтаниб эркинликка чиққан лаҳзалари тасвирини кўрмаслик ёки тан олмаслик ўз олтинимизни тупроққа кўмган билан баробар эмасми?!

Адабий сиймолар рўйхатини қайта тузиш ҳам янгилашга олиб келмайди. Биринчидан, бу ерда субъективлик унсури ҳаддан ташқари кўп. Биздан анча узоқлашган даврларга нисбатан-ку, бир амаллаб умумий фикрга келиш мумкин. Ойроқлашган сари тоғларнинг ҳайбати яққолроқ кўрингани каби, биз у даврларнинг чўққиларини бугун ҳаммамиз кўриб турибмиз. Лекин бугунги кунга яқинлашган сари субъективлик унсури тобора кучайиб бораверади. Зеро, биз бугуннинг асл тоғларидан ҳали етарлича узоқлашмадик. Олдимизда турган ҳар бир тепалик улкан чўққи бўлиб туюлаверади. Унинг ортидаги асл чўққи эса кўздан пинҳонлигича қолиб кетса эҳтимол. Иккинчидан эса, масалан, Чўлпон ва Ҳамза каби икки улкан сиймони бир замонда яшаганлиги учунгина ёнма-ён қўйиб ўрганиш фақатгина адабий дидимизнинг пастлигидан далолат бермайди, балки адабиёт тарихининг изчиллигини бузиб юборади, адабий-бадиий қарашлар тадрижини тушунмасликка, муайян даражада инкор этишга олиб келади. Адабиёт тарихи ўзининг ички ривожланиш қонунларига биноан ҳаракат қиладиган жараёнга эмас, олғовур издиҳомга айланишига сабаб бўлади. Бу издиҳомда ҳеч бир муайян система кўринмайди; бинобарин, тарих ёзаяпмиз деган ҳамма гапимиз ёлғон бўлади. Албатта, Ҳамзани ҳам, Чўлпонни ҳам, Ғ. Ғуломни ҳам, Қодирийни ҳам ўрганиш керак, фақат уларни аралаш-қуралаш тарзда эмас, ҳар қайсисини ўз даврида, ўз даврасида ўрганиш лозим.

АДАБИЁТ ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШ масаласини ҳал этиш эса юқорида тилга олиб ўтилган ва тилга олинмаган кўпдан-кўп хатоликлардан сақланишга кафолат бериши мумкин. Агар биз **муайян адабий даврни** равшан белгилай олсак, табиийки, адабий сиймолар, асарлар масаласи ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлади. Чунки ҳар бир адабий даврнинг етакчи сиймолари ва намунавий асарлари бўлиши шубҳасиз. Биз мана шу мезондан келиб чиқиб муаллифларни ҳам, асарни ҳам деярли тўғри танлаймиз. Масалан, Ҳамзанинг «Яша, Шўро»си-ю, «Ишчилар, уйғон»и бадиият жиҳатидан жуда-жуда заиф асарлар. Унинг шуларга ўхшаш бошқа асарлари ҳам кўп. Лекин улар адабиёт тарихи нуқтаи назаридан бутунлай янги бир даврни бошлаб берган асарларданки, шунинг учун ҳам ўрганса, тадқиқ этса арзийди. Уларда энди куртак ёзаётган томонларнинг кейинчалик қандай мевалар берганини аниқлаш эса, масалан, 30-йиллардаги бир кўп асарларнинг табиатини янада ёрқинроқ, яққолроқ тушуниш учун имкон яратар эди.

Демак, асосий масала адабиёт тарихини даврлаштиришни қандай нуқтаи назарга таяниб ҳал қилишга боғлиқдир. Биз қайси йўлдан боришимиз керак? Шу дамгача риоя этиб келганимиз каби адабиётни ижтимоий ҳаёт фонида текширишга алоҳида эътибор берамизми, муайян ижтимоий даврда адабиёт қандай хусусиятлар касб этганини англаш йўлидан борамизми ёки биз учун бош масала барибир адабиётнинг ўзидир, бинобарин, уни даврлаштириш муаммосини ҳал қилиш ҳам адабиётнинг ички тараққиёт қонунларидан келиб чиқиб ҳал этилиши лозим, деган тўхтамга келамизми?

Менингча, даврлаштириш масаласини тўғри ҳал қилиш учун биринчи галда адабиёт тарихини сиёсат тарихидан ажратиб олишимиз даркор. Адабиёт тарихига ўзга нарсаларнинг эмас, айнан адабиётнинг тарихи деб қарашга ўрганишимиз керак. Адабиёт тарихи эса, биламизки, энг аввало устивор адабий оқимлар, қарашлар, изланишлар тарихидир. Миллатни ёки давлатни бошқараётган касларнинг ўрин алмашиши ёхуд мафкурасининг ўзгариши тарихи эмас, миллатнинг дил тубида кечаётган силсилалари, маънавий изланишлари тарихидир. Адабиёт маънавиятдир. Адабиёт тарихи эса маънавият тарихидир. Адабиёт бадиятдир. Адабиёт тарихи эса бадиятни қайта идрок этишлар тарихидир., Иккинчидан адабиёт тарихини қатъий йиллар чегарасига солиб ўрганиш тамойилидан ёки хронологик тартибдан қутулиб олиш лозим. Адабиёт инсон табиатидаги энг сирли ва жозиб ҳодиса. Ундаги бирон ўзгариш лоп этиб ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Ҳали юзада битта тамойил устивор турган шароитда ботинда адабиётнинг кейинги тақдирида кескин ўзгариш, бурилиш ясайдиган омиллар туғилаётган бўлади. Янги ҳар доим ҳам эскининг инкори бўлиши шарт эмас, бироқ у эскини албатта бирон томонга ўзгартириши лозим.

Агар биз адабиётга мана шу ҳама тан оладиган қарашлардан келиб чиқиб назар ташласак, унда адабиёт йилларнинг ўрин алмашиш қонунига бўйсунмаслигини, масалан, 20-йиллар ёки 30-йиллар адабиёти йўқлигини, уруш йиллари адабиёти деганимиз ниҳояти ўз-ўзини алдашдан бўлак нарса эмаслигини дарров тан олишга мажбур бўламиз. Адабиёт тарихини муайян йилларга бўлиб ўрганиш адабиётнинг бош хусусиятини тушунмасликдан ёки тан олмасликдан иборат эканлигига иқрор бўламиз. Илло, даврлаштириш дегани муайян йилларга бўлиб чиқиш дегани эмасдир.

Мусурмон НАМОЗОВ

Шундай экан, социалистик реализм адабиётини адабиёт тарихининг муайян даври деб қараш ва асос учун қабул этиб, ўрганишда хронологик тартибга амал қилиш ўрганувчи ва ўргатувчи адабиётларнинг ўртасидаги фарқни камайтирган ва ўқувчиларнинг адабиёт тарихи бўйича ИЛМИЙ билим олишига имконият туғдирган бўлур эди.

Конфликтсизлик назарияси адабиётнинг асосларини ларзага келтирганда, мафкура билан ҳаёт ҳақиқати орасида ўтиб бўлмас жарлик борлиги аён бўлган даврларда адабиёт саҳнасига кириб келган Асқад Мухтор, О. Ёқубов, П. Қодиров, С. Аҳмад, Ш. Холмирзаев каби носирлар, Э. Воҳидов, Ҳ. Шарипов, А. Орипов, Р. Парфи, О. Матжон сингари шоирлар, М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов каби танқидчилар 60-йиллардан эътиборан адабиётнинг тараққиёт йўналишларини бура олдилар. «Партиянинг солдати» (ёки армияси) бўлган адабиёт ҳалокатга юз тутди. Ёки мунаққид И. Ғафуров «Шарқ юлдузи» журналидаги мақолачасида таъкидлагани каби, бу йилларда «Адабиёт ҳали тугамаган турли ижтимоий зўравонликлар ичида ва уларнинг шафқатсиз қуршовида туриб ўз қалбига қулоқ солди. Адабиёт халқ қалбига ҳам қулоқ солишга эҳтиёж сезди. Ҳолбуки, қаламкашларнинг кўпчилик қисми қарийб эллик йил давомида ўз қалбига эмас, ҳукмрон партия оғзига қарашга, унинг қалбигагина қулоқ тутишга, ўз қалбининг сўроқларини эса бутунлай унутишга уринди». Ёки яна бошқачароқ айтганда, янги даврда адабиёти инсонга — ўзининг алоҳида, айрича ҳаётига эга бўлган инсонга бутун диққатини қаратишга урина бошлади. Гарчи, у ҳали социалистик реализм қонунларини бутунлай инкор қилишга ўзида куч тополмаган бўлса ҳам, бу қонунларни баъзан алдашни, гоҳида четлаб ўтишни ўрганди. Фақат инсонни — бош ҳарф билан ёзиладиган инсонни кашф этиш йўлига тушди. Унинг тубсиз руҳий оламига саёҳат қила бошлади.

Хўш, шундай экан, ўз-ўзидан табиий бир савол туғилади: «Эллигинчи йилларнинг охири, олтмишинчи йилларнинг бошларида» (И. Ғафуров) бошланган адабиётни нима учун адабиёт тарихидаги алоҳида бир даври деб ўрганиш мумкин эмас? Ахир шундай деб ўрганиш ва ўргатиш тўғрироқ бўлмайдими?!

Масалан, биз 60-йиллар адабиёти деб ўрганадиган ва ўргатадиган бўлсак, у ёки бу асарнинг ёхуд муаллифнинг қайсидир бир жиҳатларига эътибор беришдан ва шуларни санаб, қайд этишдан нари боролмай қоламиз. Мабодо «янги инсоний нафас олиб кирган» (И. Ғафуров) адабиётни ўрганадиган бўлсак, фақатгина муайян жиҳатлар, хусусиятларни эмас, балки миллатимиз маънавиятида кечаётган ўзгаришларни ҳам таҳлил қилиш, ёш қиз-ўғлонларимизни миллатимизга тақдирдош этиш имконига муваффақ бўламиз.

Ниҳоят, бугунги адабий жараён борки, унда ҳали бирон-бир устивор оқим ўзини тўла намоён қилди деб гапириш қийин. Қийинлигининг бир томони — ҳозирча бу адабиётда кўринаётган тамойилларнинг муайян мантиқий натижага келмаганлиги, изланишлар ҳамон давом этаётганлигида бўлса, иккинчи томони бу адабиётни идрок қилишнинг ўзи эндигина бошланаётганлиги билан изоҳланади. Лекин бир нарса — бу жараён ўзи ўсиб чиққан адабиётга нисбатан янги адабиётни туғдираётгани тўла кафолат бериб тасдиқлаш мумкин бўлган фактдир. Энг янги шеъриятимизни А. Орипов ва Р. Парфи шеърияти таъсирида шаклланган, ҳатто, шулар ижодидан ўсиб чиққан дейиш ҳам мумкин. Бироқ уларни тўла ҳажмда солиштириш, қиёслаш орадаги фарқ жуда кенгайиб, бутунлай ўзгача натижаларга олиб келганини кўрсатади. Мурод Муҳаммад Дўст ёки Хайриддин Султонов, Тоғай Мурод прозаси таянган асослар О., Ёқубов ёки П. Қодировникидан фарқ қилиши ҳам шубҳасиз. Яққол кўринган турган белгилардан яна бири, айнан мана шу кейинги йиллар мобайнида миллий уйғониш куч олиб миллий ўз-ўзини идрок этишга айланаётганидир. 60-йиллари бошланган маънавий уйғонишдаги кемтик миллий уйғониш билан тўлдирилганидадир.

АДАБИЁТШУНОС ОЛИМ Исроил Мирзаев ўтган йили адабиёт газетамизда чиққан мақоласида адабиёт тарихини даврлаштиришнинг бугунги кундаги бош масала эканлигини қайд этиб, ўзининг янги қарашларини ифодалаган эди. Мен газетхонларни эски тахламларни титкилаш машаққатидан халос қилиш учун у кишининг қандай даврлаштирганини келтириб ўтсам: 1. Изланишлар ва юксалишлар даври (1917—1934); 2. Таназзул даври ўзбек адабиёти (1934—1956); 3. Қутилиш ва турғунлик даври ўзбек адабиёти (1956—1985); 4. Уйғониш ва янгиланиш даври (1985 йилдан кейин).

Мен бу даврлаштиришнинг аввалгиларга нисбатан бирмунча ижобий ва янгилигини, адабиётимиз тадрижига анчагина мослигини қайд этмай ўтсам инсофсизлик бўлур эди. Гарчи сиртдан қараганда бундай даврларга бўлиш ижтимоий ҳаёт тарихидан айнан нусха кўчиришга ўхшаб туюлса ҳам (бу туйғуда рационал маъно ҳам йўқ эмас, албатта), лекин у тўла шундай эмасдир. Адабиётимизнинг 1917 йилдан кейинги даври ҳақиқатан ҳам изланишлар ва юксалишлар йўлидан борди. Янги шаклий изланишлар, «Ўтган кунлар», «Кеча ва кундуз» каби чўққилар шу даврда яралди. Шу жиҳатдан қараганда, муҳтарам олимимизнинг фикри тўғри. Бироқ, ахир, ўша изланишларнинг ҳаммаси 1917 йилдан олдин, жадидчилик фалсафаси заминида бошланган эди-ку! Бу фактга нима деб изоҳ берамиз?

1934—56-йиллар ҳақиқатда ҳам адабиётдаги қисман таназзул билан характерланади. Қодирий ва Чўлпон романларидан сўнг бундай улкан бадиий кашфиётлар бошқа яратилмади. Лекин асосий масала адабиётнинг тубанлаша борганида эмас, балки ўзига ижодий метод, йўлчи юлдуз, туғ, байроқ деб кўтаргани социалистик реализмда эмасмикан?! Ҳарҳолда, Ғ. Ғуломнинг ёки Ойбекнинг, Шайхзода ёки А. Қаҳҳорнинг истеъдодини Қодирий ёки Чўлпонникидан пастроқ бўлган деб ҳисоблашга журъатимиз етмайди. Адабиётнинг тўрт тарафига тўсиқ ўрнатиб ташланган пайтларда «Навоий» романи, «Мирзо Улуғбек» трагедияси, «Вақт», «Қузатиш», «Соғиниш» каби шеърларнинг дунёга келиши адабиётимизнинг ботиний потенциали жуда улкан бўлганидан далолат бермайдими?! Хулоса қилиш мумкинки, асосий гап таназзулда эмас, социалистик реализмда.

1956 йилдан кейинги даврни ростдан-да муайян маънода қутилиш ва турғунлик даври деб номлаш мумкин. Айнан ўша пайтлардан эътиборан адабиёт социалистик реализм ва тоталитар мафкура чангалидан қутила бошлади. Ростдан-да бу қутилиш, янгиланиш 70-йилларга келиб, ижтимоий ҳаётда бўлгани каби, турғунликка тушиб қолди (лоақал, А. Ориповнинг 60-йиллар ва 70-йиллар шеърларини солиштириб кўринг). Фақат бу турғунлик 1985 йилгача чўзилди деб эътироф этиш соддадиллик бўларди. Чунки И. Мирзаев «Уйғониш ва янгиланиш» деб номлаган давр 70-йиллар сўнгида — адабиётга бир гуруҳ ёш истеъдодлар кириб келганида бошланган эди. Бугунги адабий жараён аслида ўша ўзгаришнинг мантиқий ривожидир, холос. Агар Горбачев 1985 йили қайта қуришни эълон қилмаганида ҳам бу жараён тўхтаб қолмаган, тадрижий тараққиётда давом этган бўлур эди деб ҳисоблаш мумкин. Илло, қайта қуриш адабиётимизнинг публицистикадан бошқа жанрларига ҳам фойда келтирди деб айтиш ҳозирча қийин...

И. Мирзаевнинг мазкур мақоласини ўқиганимдан ва унга нисбатан айрим эътирозлар туғилганидан, ўша мақола барибир ҳам эътиборсиз қолиб кетганини кўрганимдан кейин ўзимнинг ушбу мунозарали мақоламга даврлаштиришни мен конкрет қандай тасаввур этишим ҳақидаги фикрларимни ҳам илова қилишга эҳтиёж сездим:

1. «Жадид адабиёти». Унинг илдизларини жадидчилик мафкурасининг асосий жиҳатлари бўлмиш маърифатпарварлик, миллат эрки, тараққиёти, ижтимоий аҳволоти қайғуси акс этган Фурқат, Муқимий шеърияти, уларнинг ижтимоий сатирасига боғлаш, эҳтимол, мумкиндир. Бу адабиётнинг ўзини тўлиқ намоён қилган даври деб эса, шубҳасиз, ХХ асрнинг бошлари, инқилоб йиллари ва 20-йиллар тан олинса керак. Жадид адабиётининг шеъриятдаги охирги ҳамда энг етук чақини деб Чўлпоннинг «Соз» тўпламигача бўлган шеъриятини, прозада эса «Кеча ва кундуз» романини тан олиш мақбулроқдай.

2. «Социалистик реализм адабиёти». Бу адабиётнинг бошланиши деб, шубҳасиз, Ҳамзанинг инқилобий шеърияти олинади. (Ҳамзанинг «Гул» тўпламлари ва инқилобгача бўлган ғазалиётини жадид адабиётига киритиш мақбулроқ. Ҳар икки даврга тегишли адиб сифатида академик тадқиқотларда ўрганиш мумкин. Лекин ўзбек адабиётида кейинчалик социалистик реализмга олиб келган оқимнинг илк намоёндаси сифатида уни мактаб дарсликларида «Социалистик реализм адабиёти» даврида ўрганиш лозим бўлса керак. Ҳарҳолда, бу анчайин баҳсталаб масала ва ўз ечимини топар деб умид қилиш мумкин. Ҳамзанинг тўла асарлари мажмуаси эълон этилиши билан уни янгича идрок қилиш бошланди ва тез орада натижалар ҳам кўриниб қолса керак.) Боту, Элбек, Олтой, Ғайратийлар бошлаб берган, сўзи бошқа, иши бошқа коммунистик мафкурага таянган, 30-йиллари Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир сингари алданган титанларни юзага келтирган бу адабиёт конфликтсизлик назарияси даврида ўзининг қонуний ниҳоясига етди.

3. «Иккинчи уйғониш адабиёти». Бу адабиёт 60-йилларнинг аввалидан бошланади. Жадидчиликни, миллатнинг маънавий ҳаёти нуқтаи назаридан қараганда, ХХ асрдаги биринчи миллий-маънавий уйғониш деб номлаш мумкин. 60-йилларда эса ҳали иккинчи миллий уйғониш бошланмаган бўлса ҳам, иккинчи маънавий уйғониш бошланди, деб ҳисоблаш тўғри бўларди. Бу маънавий уйғониш 80-йилларнинг охирига келибгина сохта байналмилаллик чангалидан қутилиб миллий уйғонишга айлана борди. (Бу номнинг тасдиқига хизмат қиладиган яна бир жиҳат — бу давр адабиёти ҳали бадиятда тўла янгиланиб улгурмагани фактидир. Бу адабиёт ўз ўтмишдошидан фақат маънавий-эстетик томонлардангина узила олди. Шакл борасидаги узилиш эса ҳали олдинда эди). Бу давр чегараларини 80-йилларнинг ўрталаригача, яъни биз ҳозирги адабий жараённинг вакилларидан ҳисоблайдиган М. Солиҳ, У. Азимов, Ш. Раҳмон, Х. Даврон каби шоирлар, Мурод Муҳаммад Дўст, Х. Султонов, Т. Мурод сингари носирларнинг ижоди ўзининг имкониятларини ва етакчи хусусиятларини тўла кўрсатган даврларгача белгилаш мумкин.

4. «Ҳозирги адабий жараён». Бу даврни ўрганиш ва ўргатишни 70-йилларнинг охиридан, яъни бугунги авлод адиблари адабиётга кириб келган пайтлардан бошлаш маъқул. Асосий диққат-эътиборни эса аввал маънавий уйғониш миллий ўзликни идроқ этишга ўсиб боргани, бу эса ўз навбатида шахснинг ички уйғонишига чамбарчас боғланганига қаратиш лозим.

ЭНДИ ЎЗ ҚАРАШЛАРИМНИНГ ТАСДИҚИГА хизмат қиладиган баъзи фикрларимни ҳам изҳор этсам. Академик адабиёт тарихи қамрови кенглигидан адабиётимиздан ўрин олган ҳар қандай асарни, тамойилни, оқимни ўрганиши мумкин ва лозим. У бу йўлда ҳар қандай таҳлил методидан ҳам фойдаланиши мақбул. Масалан, соф академик нуқтаи назардан қараганда, 1917—1920 йиллар адабиёти алоҳида бир қизиқиш билан ўрганишга молик даври. Ижтимоий ҳаётдаги тўфонлар, шубҳасизки, бу даврда ҳам адабиётга катта таъсир кўрсатган ва бу таъсирлар қандай эканлигини, сабаблари нимада зуҳур топиши, не оқибатларга олиб келганлигини ўрганиш ўзича бир қизиқиш туғдиради. Бу ерда, масалан, ижтимоий-тарихий таҳлил методидан фойдаланиш ўринли. Шу йили «Ёшлик» журналининг 3-сонида эълон қилинган Замира Эшонованинг Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» шеъри таҳлилига бағишланган мақоласи бизга яққол далил бўлиши мумкин. Яъники, ижтимоий руҳи, пафоси кучли бўлган асарларни ижтимоий-тарихий таҳлил методидан келиб чиқиб тадқиқ этиш энг кўп самарага олиб келади, муайян асарни тушуниш учун калит вазифасини ўтайди. Лекин шу кичик вақт оралиғини том маънода алоҳида бир даврдеб ўрганиш нотўғри бўларди. Бу даврнинг энг хос хусусияти унинг жадид адабиёти тараққиётидаги муҳим бир босқич бўлганлиги, жадидчилик қарашларидаги такомилнинг муайян ижтимоий шароитдаги муайян самараси эканлигидир. Ўрта мактаб дарсликларида эса обзор тарзида жадидчиликнинг ғоявий-фалсафий томонлари, эстетикаси, ижтимоий шароитдаги ва миллий уйғонишда тутган ўрни ҳақида гапирилиб, дарсликнинг ҳажм имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, муайян босқичларга бўлиб, асосий адабий сиймолар ва асарларни жадидчилик нуқтаи назаридан таҳлил қилишнинг ўзи етарли бўларди. Яъни, бу ердаги бор муаммо, ўрисча айтганда, «дело техники».

«Социалистик реализм» адабиётини тадқиқ этишда ҳам академик илмга жуда катта эркинлик сақланиб қолади. У «социалистик реализм» адабиёти доимо мафкура етовида бўлганлиги ҳодисасидан келиб чиқиб ижтимоий-тарихий таҳлил методидан бемалол фойдаланиши, ҳам давр, ҳам адабиёт ҳақида асосли фикр юритиши мумкин. Айни вақтда у «Навоий» романи каби асарлар таҳлилида социалистик реализмнинг чегараланган метод эканлигини исботловчи, бинобарин, шу адабиёт ҳақида тасаввур тўлароқ бўлиши учун зарур даражадаги манбалардан фойдаланиши мумкин. Ойбек лирикаси ёки Ғ. Ғуломнинг «Вақт» каби фалсафий шеърлари талқинида эса социалистик реализмнинг чегаралари қанча масофага ёйилганлигини тадқиқ этиши, ижодкор ва ижодий метод муаммосини ҳал қилиш имконига эга бўлиши мумкин. Мактаб дарсликларида эса социалистик реализм адабиётининг умумий томонлари, салбий ва ижобий жиҳатлари, ўзбек адабиёти тараққиётида тутган ўрни ҳақидаги умумий мулоҳазалар билан кифояланиб, бу адабиётнинг етакчи вакиллари ижодида акс этган бадиий-фалсафий томонларнинг миллий турмушимизда мавжуд жиҳатлар билан муштарак ва айрича хусусиятларига эътиборни қаратиши, ёш авлоднинг ҳам адабиёт тарихидан бохабар бўлишига, ҳам миллий асосларга яқинлашига ёрдам берган бўлур эди.

Мана шу тартибдаги иш «Иккинчи уйғониш адабиёти»ни ўрганиш ва ўргатишда ҳам қўлланиши мумкин. Бу ерда ҳам бор-йўғи битта муаммо мавжуд, холос: бор материални ишнинг моҳиятидан келиб чиқиб системалаштириш ва жойлаштириш.

Академик тарих ижтимоий-тарихий таҳлил методига асосланиб, Хрушчев замонидаги нисбий эркинликдан кейин яна салкам сталинча догматик мафкурага қайтилган ва бугун турғунлик деб аталаётган даврни алоҳида ўрганиши, шу даврдаги муайян асарларни таҳлил этишда эса баъзан ўзгачароқ таҳлил методларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Дейлик, А. Ориповнинг шу даврга оид «Йўлларим» («Сароб») шеърини биографик таҳлил методига суяниб тадқиқ этиш фақат фойда келтирган бўлур эди. Фақат битта асосий жиҳат доимо диққат марказида турса, яъни, сталинча қатағондан кейинги илк уйғониш ёки ўзбек миллати тарихидаги иккинчи уйғониш барибир ҳам бу даврнинг етакчи хусусияти эканлиги унутилмаса, асарларга шу нуқтаи назардан ёндашилса, бас.

Демоқчиманки, академик тарих таҳлил методларининг хилма-хиллигига йўл очиши ва муайян тамойилни, оқимни, асарни, ижодкорни ўрганиш учун энг мақбул йўлдан бориши лозим. Шунда у даврлаштиришнинг йиллар оралиғига бўлинган шаклидан муайян адабий даврнинг ўзини чуқурроқ тушунтиришда фойдаланиши марғуб бир ҳодиса бўлади. Устивор адабий оқимлар, миллат маънавиятидаги даврларга мос бўлган адабий даврлардан бирламчи тарҳ сифатида фойдаланиш эса адабиёт тарихини яққол тасаввур қилишга имкон яратади.

БУ ЙЎСИНДАГИ ТАРИХ МАКТАБ УЧУН ҳам жуда фойдали бўлур эди. Чунки бунда ўқувчи ҳам адабиётимизнинг ривожланиш тарихи ҳақида аниқ-равшан тасаввурга эга бўлади, ҳам энг сара асарлар ва уларнинг муаллифлари ижоди билан танишишга имкон топади, ҳам миллий-маънавий тарихдаги босқичларга руҳан ва ақлан ошно бўлади. Соддароқ айтганда, мурғак қалб ўз халқининг маънавияти тарихи билан боғланади, ўз миллатига тақдирдош инсонга айланади. Энг улуғ зотларимизни қийнаган энг теран дардларга, фикрларга дахлдор бўлиш баробаридан ҳам ўзининг, ҳам миллатининг ўзлигини англайди. Ахир, адабиётни ўрганиш ва ўргатишдан кўзлаган энг олий мақсадимиз ҳам шу эмасми?!

КЎПРИКЛАР

Биз яшаб турган бу кўҳна тупроқ кўп шоҳу султонларни кўрган, кўп давру давронларни, жангу жадалларни бошдан кечирган. Замонлар ўзгарган, сулолалар алмашган, аммо бу поёнсиз кенгликларда яшаган туркизабон ва форсигўй халқларни ҳеч ким чегара билан ажратолган эмас. Урфу одати, шеъру мусиқаси, тарихи ва тақдири бир бўлган халқларнинг замини ҳам, қалби ҳам ҳамиша бир бутун бўлган. Улуғ шоирларимиз халқ юрагининг ифодаси ўлароқ ҳар икки тилда ижод қилганлар.

Фақат бизнинг асрга келиб Туркистон дея аталган бу улуғ ўлка миллий тафовутлар чегараси билан ажратилди. Колониал сиёсатнинг таркибий қисми —«бўлиб ташла ва ҳукм сур» қоидаси асосида қудратли юрт парчаланди. Узоқ келажакда ҳосил беришини мўлжаллаб нифоқ уруғи экилди.

Лекин қондош ва жондош элларни ажратиш мумкин эмас. Буни қалб кўзи очиқ бўлган ҳар бир инсон тушунади. Айниқса эл юрагининг ифодачилари бўлган шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар яхши ҳис қиладилар. Шундай қалб эгаларидан бири — самарқандлик шоир Ҳаёт Неъматдир.

Ҳаёт уч тилда — тожик, ўзбек ва рус тилларида ижод қилади. У демократик руҳдаги курашчан инсон. Табиат унга жисмонан ногиронлик эвазига ҳам катта инсоний қалб ва руҳий қудрат бахш этган.

— Ўзбек билан тожикни дўст дейиш хато, — дейди у ёниб, қизишиб, — тожик ва ўзбек — жигар, бир қоиндан талашиб тушган оға-ини. Ҳаётнинг шеърларида, сўзларида ана шу руҳ акс этади.

Мен Ҳаёт Неъмат сингари шоирларни кўприклар дегим келади. Улар бир-бирига интилган юраклар ўртасидаги меҳр кўприкларидир.

Сизларга тақдим этаётганим Навоий ғазалига Ҳаёт мухаммасини ана шу эзгу мақсадли қалбнинг садоси деб қабул қилинг.

Эркин ВОҲИДОВ

Ҳаёт Неъмати САМАРҚАНДИЙ

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА ҲАЁТ МУХАММАСИ

ҲАЗРАТИ НАВОИЙНИНГ 550 ЙИЛЛИГИГА

Неча юз йил ўтса юз бурмас у даврониндин эл
Назмдин ҳам назм мулки ичра султонимдин эл,
Руҳ олур ҳар бир замонда руҳу имонимдин эл,
«Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,
Мен илик жондин юдум, чекмас илик қонимдин эл».

Не бўлурдурким, жигарлар ўз туғишғондин тонар,
Бундайин ҳолни кўруб, қўнгулда ғашлик тўлғонар,
Ваҳ, қачон бўлғайки, ғафлат хобидан эл уйғонар,
«Тўш-тўшимдин басқи раволиғ ўтн лов-лов ёнар,
Ҳар тараф йўлдин чиқорлар ўтсалар ёнимдин эл».

Неча давр ўлди берибдур қўлларидин ақлу дин,
Меҳру шафқат ўрнига қасбн бўлибдур ҳашму кин,
Фарқиға бормай қолибдур эл недир ёлғону чин,
«Бахтим уйқусиға гўёким сурудедур ҳазин,
Кўйида буким, уюмас ҳар тун афғонимдин эл».

Кўп уриндим, ҳар бири то англасинлар дардини,
Қадрига етсин ва тутсин қўлидин фард фардини,
Ажратолсин ўз ичидин ўз элим ўз мардини,
«Тонимаслар бир-бирин ёққон мазаллат гардини,
Сўргали ҳолим кириб чиққунча вайронимдин эл».

Истарам, ҳар тоза дилни шеъру девон бирла тавф,
Тоза дил Каъбам эрур, ҳар тоза инсон бирла тавф,
Ҳазрати Инсонни этсам нури имон бирла тавф,
«Истарам, эй Хизр, келгаймен қилиб жон бирла тавф,
Каъбан куйин хабар топқунча борғонимдин эл».

Дўстлар, мен дурри назмнинг тоғида остонаман,
Шамъи ишқнинг шуъласидин ўртаган парвонамен,
Эй Ҳаёт, умрим бўйи эл дардидин сўзонаман,
«Эй Навоий, қилмағайлар айб агар девонамен,
Ул пари васфин ўқуғон сойи девонимдин эл».

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎТКИР ҲОШИМОВ — 50 ЁШДА

Умарали НОРМАТОВ

ЖОЗИБА СИРЛАРИ

Кейинги йиллар адабиётимиз учун зўр синов даври бўлди; кўпгина бадиий «қадрият»лар бу синовга дош беролмади; кўпи кеча адабиётимизнинг яхши намуналари саналган, замона зайлига мослаб ёзилган, ўқув қўлланмалари, дарсликлардан ўрин олган талай доврўқли асарлар бирданига ўз қадр-қимматини йўқотди-қўйди. Хайриятки, мана шу алғов-далғовлардан омон чиққан, чиқаётган адибларимиз, асарларимиз бор. Ўткир Ҳошимовнинг 50 ёшга кириши муносабати билан унинг республикамиз бўйлаб сафарларида ҳамроҳ бўлиб, китобхонлар билан ўтказган бир талай учрашувларида иштирок этиб бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Мен шунга амин бўлдимки, Ўткир Ҳошимов ва унинг истеъдодли тенгдошлари ижодига қизиқиш бундан 15—20 йил бурун қандай бўлса, бугун ҳам ўшандай, балким аввалгилардан ортиқроқ.

Мен бунинг сабаблари ҳақида кўп ўйладим. Дарҳақиқат, Ўткир асарларининг китобхонларни ўзига мафтун этган жозиба сирлари нимада? Аввало Ўткир қўлига қалам олган кундан, уни элга танитган «Чўл ҳавоси» номли илк қиссасидан бошлаб кейинги ҳикоя ва мақолаларига қадар ҳамиша ҳақиқатни, ҳақ гапни айтишга интилди. Эҳтимол, асарларида бир оз юзаки ўринлар бордир, қаламга олинган ҳодисаларнинг маънавий-ижтимоий илдизлари ҳамиша ҳам чуқур очиб берилмас, аммо ёзувчи ҳеч қачон ёлғон гап айтмаган, ёлғонни ёзмаган; бир-икки публицистик чиқишларини мустасно этганда ҳукмрон мафкура, сиёсат ноғорасига ўйнаб виждонини сотмаган, муросасозлик йўлига кирмаган. Яқинда ёзувчи уч жилдлик асарлари мажмуасини нашриётга топширди. Уларга кирган асарларнинг бирортасига ҳам муаллиф деярли қалам текизгани, «қайта қуриш даври» талаби билан таҳлил киритгани йўқ. Бинобарин, давр довуллари Ўткир қалами остидан чиққан асарларга зиён етказолмади.

Маълумки, Ўткир Ҳошимов 60-йилларнинг аввалида ижод майдонига қадам қўйди. Бу йилларга келиб шахсга сиғиниш даври даг-дағаю зуғумлари бир оз пасайган, жамиятни демократлаштириш бошланган, эркин фикрлашга қисман йўл берилган эди. Бироқ, расмий доираларда, «мўътабар» минбарларда, илм-фанда, радио, телевидение, матбуотда бор ҳақиқатни айтиш имконияти ҳамон чекланган эди. Бундай шароитда жамиятнинг виждони, меҳнаткаш халқнинг овози вазифаси адабиёт, сўз усталари зиммасига тушди; А. Солженицин, Ч. Айтматов, В. Биков, Евг. Евтушенко, А. Вознесенский, бизда эса А. Қаҳҳор, О. Ёқубов, П. Қодиров, улар изидан борган Э. Воҳидов, А. Орипов, О. Матжон, Ў. Умарбеков, Ш. Холмирзаев чиндан ҳам ҳақиқат, адолат жарчиси, халқ дилининг таржимони сифатида майдонга чиқдилар. Улар яратган энг яхши асарлар ижтимоий тафаккур соҳалари — тарих, фалсафа, социология, сиёсат, адабиётшунослик ва публицистика бажариши лозим бўлган талай вазифаларни ҳам адо этди. Шу тариқа адабиётда «гап айтиш», «проблема кўтариш» тамойили кучайди, проблематик шеър, достон, проблематик драма, ҳикоя, қисса, роман турлари пайдо бўлди; айни вақтда дидли, куюнчак китобхон асардан албатта «муҳим гап» кутадиган бўлиб қолди, танқидчиликда асарларни уларда кўтарилган долзарб муаммоларга қараб баҳолаш муайян анъана тусини олди.

Ўткир Ҳошимов ҳам худди шу йўлдан бориб қатор ҳикоя, қиссалар яратди. Унинг «Тераклар япроқ ёзди», «Деҳқоннинг бир куни», «Нур борки, соя бор», «Қазарлар» каби роман, қисса, ҳикоялари асарлардан «гап кутадиган» китобхонларни ғоят ҳаяжонга солди. Мактаб болаларининг умри пахтазорда ўтаётгани, ғўза баргидек эрта хазон бўлаётгани, янги тушган келинчакнинг ҳаётдаги энг ширин дақиқалари эрксиз оғир меҳнат гирдобида кечаётгани, қишлоқдаги, касалхонадаги, савдо соҳасидаги, олий ўқув юртларидаги, редакциядаги адолатсизликлар — Ўткир асарларида зўр ҳаяжон, изтироб билан қаламга олинган бу хил ҳаётий муаммолар талқини ўқувчиларнинг ўшандай ижтимоий иллатларга нисбатан фикрини шакллантиришда, қаҳрини қўзғатишда муҳим аҳамият касб этди. Бунинг учун китобхон Ўткирдан ҳозирга қадар миннатдор.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўткир Ҳошимовнинг роман, қисса, ҳикояларида сўз санъатининг азалий бош муаммоси — инсон тақдири ва қалбининг бадиий таҳлили ҳам мавжуд; муаллиф долзарб ижтимоий муаммолар талқини билан ёндош ҳолда кўп ўринларда персонажлар руҳиятидаги ғоят нафис жараёнларни санъаткорона ифода этади. Уёғини суриштирсангиз, Ўткир ижоддаги илк қадамларидаёқ инсон маънавияти, руҳияти, ҳиссиёти, қалб ҳақиқати тадқиқотчиси, сифатида кўринган эди. «Чўл ҳавоси», «Муҳаббат», «Нигора», «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверади» номли ҳикоя ва қиссалари шундан далолат. Кейинроқ у долзарб, ижтимоий муаммолар талқинига кўпроқ мойиллик билдириб, айни замонда бевосита маънавият, руҳият таҳлилига бағишланган асарлар устида иш олиб борди. Ёзувчининг шу йўналишдаги «Қалбингга қулоқ сол», хусусан, «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари» қиссалари унга катта шуҳрат келтирди.

60—70-йиллар давомида бизда адашган одамнинг фожиасини акс эттирган ўнлаб асарлар пайдо бўлди, аммо улар орасида санъат даражасига кўтарилганлари оз, жуда оз. «Баҳор қайтмайди» қиссасида Ўткир истеъдодли, бироқ истеъдоди қадрига етмаган, етолмаган, улуғ мақсадлардан маҳрум худбин йигитнинг таназзул тарихини, руҳий-маънавий инқирозини санъаткорона таҳлил этиб берди. Айни шу санъаткорона таҳлили — тасвирнинг туйғуларга бойлиги ва самимияти билан кўпчилик қалбига йўл топди, кўпларни ҳаяжонга солди. Қисса матнида бошдан-оёқ авторнинг ўта нозик ва нафис кузатишлари, ёзувчи қалби тебранишлари, рангбаранг кечинмалари, завқ-шавқи, армон-ўкинчлари, қисқаси, хилма-хил туйғулар уммони уфуриб ётибди. Мана, қисса хотимасидан кичик бир парча, асар бош қаҳрамони Алимардон ҳалокатидан кейинги табиат манзараси тасвири: «Негадир шу оқшом офтоб жуда қийналиб ботди. Уфқ этагида узоқ осилиб турди-да, охири умиди узилгандай секин-секин ер ортига чўкиб кетди.

Яна бир неча кундан кейин яйраб-яшнаб баҳор келди... Сахий кўклам кўп қатори Алимардоннинг қабрини ҳам чечакларга буркади. Майсалар орасида очилган биттагина қизғалдоқ тонг шудрингига қадаҳ тутди. Эрта-индин тўкилиб кетиши, ўзидан на бир муаттар бўй, на мева қолишидан бехабар ял-ял ёнди...»

Бу сўнгги сатрлар ададсиз алам-ўкинчлар, кўз ёшлар билан қоғозга тушгани шундоққина сезилиб турибди. Қаҳрамоннинг дафн кунида, ўша мотамсаро оқшом пайти қуёшнинг қийналиб ботиши, уфқ этагида узоқ осилиб туриши, сўнг умидсиз бир алфозда секин-секин ер ортига чўкиб кетишида дилларни хун қиладиган, кўзларга ёш келтирадиган мунгли оҳанг бор. Ҳаммаёқни нурга, рангга безаган, қаҳрамон қабрини майсаларга буркаган сахий кўклам, қаҳрамон қабри устида ял-ял ёнган қизғалдоқ, унинг омонат умри хусусидаги нафосат тўла мунгли тасвир бир дақиқа яшнаб эрта хазон бўлган одам умри ҳақидаги ҳазин қўшиқнинг сўнгги нидолари, титроқлари каби эшитилади.

Ўткир Ҳошимовда нафосат туйғуси беҳад кучли. Қарангки, ҳатто у алданган одамнинг маънавий инқирози, фожиаси, ҳалокати тасвирида ҳам шу туйғусини сақлаб қолади. Айниқса у яхши, олижаноб, маънавий баркамол одамлар қалби таҳлилида ўзини ниҳоятда эркин ҳис этади. Ўткирнинг ижобий қаҳрамонлари аксари гўдакдай беғубор, нафосат туйғусига бой, ҳиссиётчан, ўта таъсирчан одамлардир. Эҳтимол, Ўткир асарлари қаҳрамонларининг ўзбек китобхони кўнглини асир қилган омиллардан яна бири шундадир. Ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатини шафқатсиз, дағал бўёқларда ифода этадиган асарлар руҳида тарбияланган китобхонга Ўткир асарларидаги ўта нафис, ҳиссиётга бой ифодалар, соддадил, романтик-китобийроқ, ўта ҳиссиётчан, таъсирчан қаҳрамонлар бир оз сийқа, чучмал туюлиши ҳам мумкин. Начора, ёзувчининг тафаккур ва ифода тарзи барчага бирдек маъқул бўлиши қийин ва шарт ҳам эмас. Бирор адибнинг услуб тарзини бошқа бир услубий йўналишга зид келгани учун камситиш, рад этиш, ерга уриш ўринсиз. Адабиётда бадиий тафаккур, ифода тарзи қанчалар ранг-баранг бўлса, шунча яхши. Айниқса, фикрлар, майллар хилма-хиллиги амалда тан олинаётган ҳозирги шароитда бу ҳол ниҳоятда муҳим. «Нафосат дунёни асрайди» деган доно нақл яна қайта-қайта тилга олинадиган бўлиб қолди. Чунки қуруқ ақлий мушоҳада ҳукмрон бўлган жойда, ҳамма нарса бозорга солинадиган, пулга чақиладиган жамиятда маънавий таназзул бошланишини жаҳондаги кейинги жараёнлар кўрсатиб турибди. Ақлий заковат сирли руҳият ва нафосат билан, юксак олижаноб туйғулар билан қўшилган тақдирдагина инсон чинакам камолотга эришуви мумкинлигига ҳозир кўпгина доно одамлар имон келтира бошлади. Бунда, шубҳасиз, «туйғулар адабиёти» яна қўл келиши турган гап. Бинобарин, Қодирий ва Чўлпондан бошланган, Саид Аҳмад, Ў. Умарбеков, Х. Султонов роман, қисса, ҳикояларида давом этаётган персонажлар талқинидаги нафосат туйғуси билан йўғрилган лиро-романтик йўналиш Ўткир асарларида алоҳида жило билан намоён бўлаётган экан, бу ҳол кўпчилик китобхон кўнглини мафтун этаётган экан, бундан фақат қувониш керак, холос.

Ўткир ижодига хос лиро-романтик тарона унинг «Дунёнинг ишлари» қиссасида энг баланд пардаларда жаранглади. Бу асар она ҳақидаги, она қалбининг чексиз саховати ҳақидаги ўзига хос қасидадир. Асардаги Она — фарзанди учун, фарзандининг ороми, бахти учун жонини, жаҳонини беришга тайёр минг-минглаб ўзбек оналарининг тимсолига айланди. Ҳар бир ўзбек китобхони унда ўз онасининг қандайдир фазилатини топа олади. Кўплаб одамлардан «Бу асардаги Она — айнан менинг онам» деган сўзларни эшитиш мумкин. «Дунёнинг ишлари», ундаги Она образи ўта миллий руҳ билан йўғрилган. Бу асарни ўзга миллат, хусусан биздан узоқларда яшайдиган халқлар китобхони қандай қабул қилар экан, деган ўйда юрардим. Қиссада шундай мулоҳазалар бор:

«Эҳтимол, дунёнинг бу четида туриб бир одам ўз севиклисига айтган дил розини дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Эҳтимол, дунёнинг бу четида туриб бир одам айтган қўшиқни дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Эҳтимол, дунёнинг бу чеккасида туриб бир одам айтган энг оқилона фикрни дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Бироқ дунёнинг бу чеккасида туриб она айтган аллага дунёнинг нариги чеккасидаги гўдак бемалол ором олади».

Бу гапнинг ҳақлигига икки йил бурун амин бўлдим. Олис Америкадан ТошДДга ўзбек адабиёти билан яқиндан танишиш мақсадида Мейган деган қиз келган эди. Унинг илтимосига кўра «миллий руҳ уфуриб турган» асарлар қатори «Дунёнинг ишлари»ни ҳам ўқишга тавсия этдик. Орадан бир ҳафта ўтгач америкалик қиз кўзида ёш ажиб бир табассум билан кафедрага келди. «Дунёнинг ишлари»ни ўқиб, туни билан ухламай, ўз онамни эсладим. Ўткир Ҳошимов мен каби ўз онасини беҳад яхши кўраркан», — деди. Демак, ўзбек онасининг алласи америкалик қиз қалбига йўл топибди...

Латиф лирика билан серзавқ, ҳаётбахш юмор, халқона ҳазил-мутоиба ораси бир қадам. Адабиётимизда лирик шоир, носир борки, деярли ҳаммаси юмористик асарлар битган, кўпинча йирик жиддий асарлари бағридан ҳазил-мутоибалар муносиб ўрин олган; Қодирий, Чўлпон, Саид Аҳмад насрини эсланг; Миртемир, Э. Воҳидов, А. Орипов, О. Матжон шеъриятига назар ташланг — улардаги сержило кулги дилларга ором, завқшавқ бахш этади. Йиллар ўтган сайин Ўткирда ҳам юморга, ҳазил-мутоибага мойиллик кучайиб боряпти. Унинг қаламкаш дўстлари, устозлари ҳақидаги беғубор, қувноқ табассум билан йўғрилган «Кичик «шумлик»лар» туркуми кўпчиликка манзур бўлаётир. Муаллифнинг «Тўйлар муборак» комедияси, «Икки карра икки — беш» юмористик қиссаси ҳали адабиётшуносликда етарли баҳосини олгани йўқ.

80-йилларга келиб Ўткир Ҳошимов ижодида адабиётимиз истиқболи учун муҳим аҳамиятга молик тамойиллар рўй берди. Ёзувчи бир томондан радио ва телевидение орқали жиддий чиқишлар қилди, у телевидениеда олиб борган «Баҳс» кўрсатуви бутун республикани оёққа турғизди десам муболаға бўлмас. Шунингдек, матбуотда бирин-кетин Ўткир публицистик мақолалари эълон этилди.

Айни пайтда адиб яратган энг яхши бадиий асарлар аввалгиларидан фарқли ўлароқ ошкора публицистик талқинлардан холи. Муаллифни энди кундалик долзарб ижтимоий масалалар эмас, кўпроқ азалий маънавий муаммолар, инсон тақдири, инсон қалбининг жумбоқлари қизиқтиради. Бу нарса «Икки эшик ораси» романида аниқса равшан кўринди. Шуниси қизиқки, Ўткир гоҳо илгариги тажрибаларига қайтиб «Ўзбек иши», «Деҳқоннинг бир куни» сингари проблематик ҳикоялар ҳам ёзди. Гарчи бу икки ҳикоя кўтарган масалаларнинг жиддийлиги жиҳатидан 60—70-йилларда ёзган проблематик асарларидан асло қолишмаса ҳам, очиғи, улар ўқувчилар орасида аввалгидек шуҳрат қозонолмади. Бу ерда муҳим бир сир бор: эндиликда бадиий асар публицистика бажариши лозим бўлган вазифани секин-аста ўз зиммасидан соқит қилмоқда: кундалик долзарб масалалар таҳлилини публицистикага бериб ўзининг азалий иши — инсон қалби жумбоқлари тадқиқига астойдил киришмоқда. Бундай муҳим жараённинг Ўткир Ҳошимовдек ноёб истеъдод соҳиби ижодида ҳам рўй бераётганлиги қувонарли ҳодисадир. Бу ҳол яқин келажакда Ўткирдан бадиий кашфиётлар кутишга умид туғдиради.

Ўткир Ҳошимов оиласи даврасида.

Ш. ИБРОҲИМОВ суратга олган.

ЁЗУВЧИГА МАКТУБЛАР

СИЗНИ ЎҚИГИМИЗ КЕЛАДИ

Ҳар бир ижодкорнинг ўз ўқувчиси, ўз мухлиси бўлади. Китобхонлар бирор асар ўқиса, у хусусда, ҳаётдаги ўзгаришлар борасида адиб билан маслаҳатлашгиси, баҳслашгиси ва фикр-мулоҳазалар юритгиси келади. Албатта, китобхонлар савияси ҳар хил. Лекин улар фикрлари ижодкорларга рағбат бағишлаши шубҳасиз. Ёзувчининг ярим асрлик тўйи муносабати билан унга келган мактублардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилар эканмиз, уларнинг фикрлари ҳам сизларни лоқайд қолдирмайди, деб ўйлаймиз,

«Икки эшик ораси» романингизни диққат билан ўқиб чиқдим. Жуда ёқди. Лекин ҳаётда ҳам, китобларда ҳам нега қора кўнгилли, ёмон ниятли одамлар дарров, осонгина мақсадларига эришаверадилар. Балким, жамиятимизнинг нобоплиги учунмикан?

Бироқ Сизнинг олижаноб қаҳрамонларингиз мунаввар лар, музаффарлар ёмон ниятли Ўмар закунчилар, раъно лар олдида мағлуб бўлмаслигини истардим.

Андижон **АДҲАМ**

«Давлат сири» деб номланган мақолангизни ўқиб, ўйга толдим. Унда ҳақиқатан камситилган, ҳақоратланган ва оёқ ости қилинган ўзбек халқининг юрагидаги оғир дардларини қаламга олгансиз. Сизга минг бора раҳмат! Аммо бизнинг фожиаларимиз доираси бундан юз, минг карра каттароқ ва даҳшатлироқдир. Мана, бизни қийнаб келаётган дардлар.

Навоий музофотига зўровонлик йўли билан жойлаштирилган бешта ажал уруғи сочувчи, ўта зарали саноат корхоналари ўттиз йиллардан буён халқимизни аёвсиз заҳарлаб келмоқда. Улардан чиқаётган ҳисобсиз заҳарлар йилдан-йилга халқимиз бошига тузатиб бўлмайдиган талафотлар олиб келаяпти. Экинлар, боғу роғлар, дарахтлар қуримоқда, аҳоли ўртасида турли хил даволаб бўлмайдиган касалликлар кўпайиб бормоқда. Болалар ўлими ўсиб бораяпти.

Қизиқ ҳол. Юқорида тилга олинган саноат корхоналарининг раҳбарлик ўринларини бошқа жумҳуриятлардан келган кишилар эгаллаб олганлар. Маҳаллий халқ эса фақат оғир ва ёмон ишларга жалб этилган.

Балким, бу ҳам давлат сиридир. Агарда шундай бўлмаса эди, ўзбекнинг пешона тери эвазига етиштирилган пахтаси Ивановода ишланармиди? Мана шу заҳарли саноат корхоналарини Ивановога жойлаштириб, бу ерга пахтани қайта ишловчи корхоналар қурилса нима бўлар эди. Афсуски, шу заҳарли саноат корхоналарида олинаётган миллиард-миллиардларнинг сариқ чақаси ҳам жумҳуриятимизда қолдирилмайди. Четга ташиб кетилади. Бизларга эса фақат заҳарлар қолаяпти. Нима гуноҳимиз учун ноҳақ заҳарланиб, бунчалик даражада жабрланиб яшашимиз керак?

Ўз она юртимизда тинч яшай олишга ҳақимиз борми ёки йўқми?

Навоий тоғ-металлургия комбинатида уран рудаси қайта ишланади. Қайта ишланган уран рудаси чиқиндилари эса бизнинг Дўрмон қишлоғимиз юқорисидаги заҳарли ҳовузга ташланади. Жуда ҳам улкан майдонни эгаллаб ётган бу ўлим ҳовузидаги қолдиқ радиоактив нурлар ва уран рудасини қайта ишлашда, дастгоҳларни ювиб тозалашда ишлатилган кислоталар қиялик бўлгани учун қишлоғимиз томонга оқиб келаяпти.

Ер ости сувлари кўтарилган пайтларда шу заҳарлар ва кислоталар юқорига кўтарилиб экинларимиз, боғ-роғларимиз ва дарахтларимизни қуритаяпти. Шу заҳар ҳовузи ҳозирги пайтда очиқ ҳолатда сақланмоқда.

Саховатли она еримизни фойдаланишга яроқсиз ҳолга келтириб қўйди. Шу йил жуда катта зарар кўрдик. Экинлар, боғлар, дарахтларнинг жуда катта қисми ёпасига қуриди. Аҳвол шу тариқа давом этаверса, яқин йилларда шу заҳарлар туфайли бизлар умуман қиралиб кетамиз.

Ўзбекистон жумҳурияти Президенти И. А. Каримовга бир неча бор халқимиз номидан шикоят хати йўлладик. Ҳалигача бизларнинг тақдиримизга етарли эътибор берилмаяпти. Бу ноҳақликларга сира ҳам чидолмайман. Чунки ҳаётда шу туфайли жуда ҳам қийналдим, жабрландим. Оиламдан, битта фарзандимдан, томорқамдаги экинлару дарахтлардан ажралдим. Етти ойлик қизчам билан қолдим... Шунчалик алданганлигимиз, қўрқитилганлигимиз, қисқаси, оёқости қилинганлигимиз етар!

Ўткир ака, келинг, халқимиз бошига бало бўлиб ёғилаётган яна бир давлат сирини фош этишда бизга яқиндан ёрдам беринг. Сизнинг ёрдамингизга ишонамиз.

Толиб ХУДОЙҚУЛ ЎҒЛИ

Навоий

Сизни — адолат ва ҳақиқат учун курашчи инсонни, талантли адиб ҳамда драматургни яриим асрлик тўйингиз билан қутлаймиз. Халқимиз эрки, бахти учун курашда ҳеч вақт толманг.

Г. РАҲИМОВА,
Р. ҚУВОНДИҚОВ

Қорақалпоғистон

Ўткир ХОШИМОВ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЎЗБЕКНИНГ ФЕЪЛИ

«ГУНОҲКОР» ҚОП

Бозор. Кирроқ салла ўраган чол сабзи сотиб ўтирибди. Шляпа кийган, бўйинбоғ таққан қирқ ёшлардаги киши ўсмир ўғли билан чолнинг тепасига келди. Сабзининг килоси қанчаданлигини сўради.

— Ман килолаб сотмийман, болам! — чол носини туфлаб, дағал қўли билан соқол-мўйловини артди. — Қопи билан оловур, ўрага қамаб қўйсанг, кўкламда асқотади.

Шляпали киши ўйланиб қолди.

— Қопи неча пул?

— Эллик сўм.

Харидор иккиланиброқ турди-да, тағин сўради:

— Неча кило чиқади?

— Етмиш кило.

— Тортиб кўрсак бўладими? — деди харидор.

— Ана тарози. — Чол қийшиқ бармоғини бигиз қилиб раста бурчагида турган катта тарозини кўрсатди. — Ана аравача. Тортиб кўравер, болам. Ҳисобли дўст айрилмас.

Ўсмир йигитча аравани судраб келди. Ота-бола қопни ортиб, тарозига олиб кетишди. Бирпасдан кейин қайтиб келишди.

— Ота! Сабзи олтмиш кило чиқди, — деди шляпали. — Қирқ беш сўм бўлади-да.

Чол шляпалига бир қараб қўйди-да, негадир қопни силади. Узоқ, ҳафсала билан силади.

— Оппоқ соқолим билан мени ёлғончи қилгани уялмадингми, қопжон! — деди эркалаб. — Ҳалигина ўз қўлим билан тортганимда сабзи етмиш кило эди-ку, нега олтмиш кило дейсан. Ўргилай қоп! Бу одам-ку, майли, ўн гулидан бир гули очилмаган манави бегуноҳ бола олдида менга туҳмат қилгани уялмадингми, отагинанг айлангур қоп! Ундан кўра юким етмиш кило, бу киши эллик сўмга ўгриняпти, қирқ беш сўм бермоқчи, деб қўяқолмайсанми, дардингни олай, қопжон!

Чол бошини кўтариб қараса, шляпали киши ўғлини дингиллатиб дарвозадан чиқиб кетяпти.

ҚУВВАТ

Марғилон бозори гавжум. Эски дўппи кийган, афти олмақоқидек буришган қилтириқ киши бир қоп картошка орқалаб келяпти. Икки юзи қизариб, бўйин томирлар бўртиб кетган. Қийшиқ пошнали этиги билан тап-туп қадам босиб, гандираклагудек боряпти. Ора-чора «пўшт, от тепади!» деб қичқириб қўяди. Одамлар четлаб йўл беради.

Уч қадамча орқада хотини келяпти. Оқ рўмол ўраган, эгнида униққанроқ атлас кўйлак, калиш-маҳси кийган. Бир қўлида турп тўла тўрхалта, бир қўли билан уч-тўрт ёшлардаги боласининг билагидан тутиб олган. Болакайнинг иштони йўқ. Кўйлаги калта. Аммо оёғида янги туфлича.

Бояги одам яйдоқроқ жойга чиқди. Чарчаб кетди шекилли, «уҳ» деб тўхтади. Бир силтаниб, зилдек юкни қайтадан ўнглаб олди-да, қоп-мопи билан бурилиб, орқага қаради.

— Адашиб-нетиб қолмадингми, бувиси? — деди хотинига. Ўғилчасига кўзи тушиб, яйраб кетди. — Вой-дод, жужуқларингдан! — деди қийқириб. — Ҳа, дўст, от-т-тасининг боласи!

Шундай деди-да, шаҳдам қадамлар билан юриб кетди.

ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

Икки қўчқор сузишса, бўрининг насибаси бутун бўлади... Мустақил Ўзбекистоннинг мустақил қўчқорлари, сузишаверинглар!

●

Мунаққидларимиз етмиш йил бир гапни такрорлаб келишди. «Қайси китоб Москвада чоп этилса-ю, рус танқидчиларининг назарига тушса, яхши асар бўлади». Ўзбек халқи етмиш йил қайсарлик қилди: Москва танқидчиларига ёққан китобни эмас, ўзига ёққанини ўқиди. Етмиш йилдан кейин маълум бўлдики, «шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган гап ёлғон экан. Бадиий асар мазмунан ҳам миллий бўлиши керак экан.

●

Ҳасад — қутурган ит. Энг аввал эгасини — ҳасадгўйнинг ўзини қопади. Ҳасадгўй — бошқаларни, ўзиям аб-гор бўлади, бошқаларни ҳам заҳарлайди.

●

Ибис деган қуш бўларкан. Қаноти алвонранг. Учса, осмонда мисоли алангадек ёниб кетаркан. Кунлардан бирида уни тутиб қафасга солибдилар. Бир ҳафтада қаноти оқариб, товуққа ўхшаб қопти... Ҳозир қафаслар очиляпти. Товуқнинг ибисга айланиши ўзимизга боғлиқ.

●

Ижодкор аҳли гўдакка ўхшайди. Бир оғиз ширин сўз билан боши етти қават осмонга етади. Битта ноҳақ гап билан етти қават ер тагига кириб кетади. Ижодкорнинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам шунда.

●

Қайси боғчага, қайси кашшофлар оромгоҳига борманг, «улуғ рус масалчиси Крилов» асарларига бағишланган расмларга кўзингиз тушади. Улуғ рус масалчиси Крилов асарлари у ёғи Эзопнинг, бу ёғи Гулханий домланинг маҳсисининг тешигидан тушиб қолган гаплар-ку!

●

Жаҳон афкор оммасининг пойтахти, жонажон Москва шаҳрида «Клуб служебного собаководства» деган мажмуа мунтазам чиқиб туришини билмас эканман. Ўша мажмуада И. Духновский деган машҳур итбознинг «Итларга қандай лақаб қўйиш керак?» деган ноёб мақоласи чиққанини ҳам билмаган эканман. Итсевар Духновский хўп жўяли гапларни ёзипти. Дейлик, мана бундай: Итга инсон исмини лақаб қилиб қўйиш ярамайди. Яхшиси, ёвойи ҳайвонлар номини танлаган маъқул: Бўри, Олмахон, Тулки, Йўлбарс, Қоплон... ва... Алишер, Анвар, Асқар, Ботир, Бек, Жўра, Комила, Лола, Мухтор, Нодира, Умар...

Халқни шунчалик ҳақорат қилиш керакмикан, деган маънода мақола ёздим. Мақола «Шарқ юлдузи»да чиқди. Русча таржимасини марказий матбуотга юборган эдим... чоп этиш у ёқда турсин, жавоб ҳам қилишмади.

Жавобини орадан бир неча ой ўтгач, чекка бир тоғ қишлоғида «олдим». Бир ўқитувчиникига таклиф қилишди. Дарвозадан киришимиз билан қулоқ-думи кесилган ит важоҳатли ириллаб қолди. Мезбон «бор йўқол, Духновский!» деб бақирган эди, ит ғингшиб нари кетди... Маълум бўлишича, шу қишлоқнинг ўзида зотлигу зотсиз олтита «духновский» бор экан.

●

Тўртинчи синфда ўқирдим. «СССР тарихи» китобининг қайси бетини очсам, «пролетариат диктатураси» деган сўзга кўзим тушаверди. Дадамдан сўрадим.

Пролетариат диктатураси нима?

Дадам бирпас ўйлаб турди-да: ҳафсала билан тушунтирди.

— Кузак пайти келадиган ойначини кўргансан-а? Елкасида ёғоч қути, қутида икки тахта ойна, оғзида махорка попирис. Соқол-мўйлови сарғайиб кетган... Ҳар эшикка бориб, «Ойна-а-а тузата-ма-ан!» деб бақиради. Сен билмайсан, ўғлим. Ана ўша сен билан менинг подшойим бўлади! Пролетариат диктатураси дегани шу!»

ТУРЛИ ТИЛЛАРДА

Ўткир Ҳошимовнинг шу пайтгача ўттиздан ортиқ китоби босмадан чиққан. Унинг илк китоби «Пўлат чавандоз» очерклар тўплами 1962 йилда чоп этилганди. 1963 йилда эса дастлабки «Чўл ҳавоси» қиссаси босилиб чиқди. Шундан кейин «Гунафша», «Одамлар нима деркин», «Бир томчи шудринг», «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол», «Узун кечалар», «Нимадир бўлди», «Нур борки, соя бор», «Қуёш тарозуси», «Дунёнинг ишлари», «Сирли юлдуз», «Икки эшик ораси», «Икки карра икки — беш», «Нотаниш орол» ва бошқа китобларини ўқувчилар яхши кутиб олдилар.

Ёзувчининг аксарият асарлари рус ва бошқа тилларда ҳам нашр этилди. «Баҳор қайтмайди» қиссаси Москвадаги «Молодая гвардия» нашриётида икки марта 1970 ва 1971 йилларда чоп қилинди. «Қалбингга қулоқ сол» 1974 йилда босилиб чиқди. «Нур борки, соя бор» романи Москвада 1979 йилда, Тошкентда 1983 йилда, «Дунёнинг ишлари» қиссаси Москвада 1983 йилда, Тошкентда 1988 йилда нашр этилди. «Қалдирғочлар баланд учади» асарлар тўплами 1985 йилда Тошкентда, «Икки эшик ораси» романи Москвада 1985 йилда рус тилида босилди. «Нур ва соя» ҳикоялар, қиссалар тўплами Душанбада тожик тилида чоп қилинди.

Булардан ташқари, «Дунёнинг ишлари» вьетнам тилида, «Нур борки, соя бор» булғор тилида китоб бўлиб чиқди. Кўп асарлари инглиз, француз, немис, испан, араб, ҳинд, поляк ва бошқа халқлар тилларига таржима қилинган. Китобларининг умумий тиражи 2 миллион нусхадан ошиқни ташкил қилади.

Яқинда «Ёзувчи» нашриётида ижодкорнинг «Изтироб» ҳикоялар тўплами нашрдан чиқди. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси эса 1992 йилдан бошлаб ёзувчининг уч томлик асарларини нашр этишни мўлжалламоқда.

Шу билан биргаликда кўплаб қардош халқлар адабиётларидан қилган таржималари ҳам турли тўпламлар ҳолида нашр этилган. «Ҳазон бўлган баҳор», «Тўйлар муборак», «Виждон дориси», «Инсон садоқати» каби драма ва комедиялари эса жумҳуриятимиз ҳамда қардош халқлар театрлари саҳналарида қўйилган.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сизни Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза мукофоти совриндори Ўткир ҲОШИМОВ туғилган кунининг 50 йиллигига бағишланган тантанали кечага таклиф этади.

Тантанали кеча 1991 йил 11 ноябрь, кеч соат 18.00да Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театри биносида бошланади.

ЭТАДОБИР

АМИР ТЕМУР ХАЛҚ РИВОЯТЛАРИДА

Халқимиз орасида ҳаётлик чоғидаёқ афсонавий қаҳрамонга айланган, куч-қудрати ва эл-юрт манфаати йўлидаги жасорати билан ном қозонган ғиштилар кўп бўлган. Халқ оғзаки ижоди бу жиҳатдан туганмас хазинадир. Уларда ардоқли инсонлар — алломалар, саркардалар, қаҳрамонларга , халқ баҳоси меҳр-муҳаббати, муносабати ўз ифодасини топган.

Афсуски, бундай фольклор намуналарига замонасозлик билан ёндашиб келганимиз боис уларнинг кўпчилиги ёзиб олинмаган, ўрганилмаган. Адолатли ҳукмдорлар, дин ҳомийлари, азиз-авлиёлар, тарихий шахслар ҳақида тўқилган ривоятларнинг кўпи унутилиб кетди. Тўғри, баъзи фольклоршунослар томонидан диний афсоналар ва тарихий шахслар ҳақидаги оғзаки ижод намуналари оз бўлса-да қисман ёзиб олинган. Биз шу соҳага жасорат, донишлик билан қўл урган устозлар изидан бориб тадқиқотчиларимиз эътиборидан четда қолган, аслида маърифий-тарбиявий аҳамиятга молик бўлган фольклор намуналарини ўрганишга бел боғладик. «Буюк Ипак йўли — мулоқот йўли» ва «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» деб номланган экспедициялар пайтида бу ишни баҳоли қудрат давом эттирдик. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Муқанна, Навоий, Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Машраб, Махтумқули, шуларнигдек, Маматкарим полвон, Намоз полвон каби тарихий шахслар, Ат-Термизий, Ал-Бухорий, Хўжа Аҳрор, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Мансур Халлож каби исломшунос алломалар, азиз-авлиёлар ҳақидаги асотирлар, ривоятлар, афсоналар, байтлар ва бошқаларни, қўлга киритдик.

Халқимизда қўрқув, эҳтиёткорлик, ҳадиксираш иллатлари йўқолиб бораётган, фикрлашда дадиллик, миллий қадриятларни ҳимоя қилишда журъат ва жасорат намоён бўла бошлаган айни кунларда Амир Темур каби тарихий шахслар, диндор авлиёлар ҳақида афсоналар, ривоятларни ўрганишга эҳтиёж ошди. Илгари бунга ҳеч ким журъат эта олмасди ёки айтиб берганда ҳам бузиб, сохталаштириб, замонга мослашга ҳаракат қилишарди. Аччиқ ҳақиқат шундаки, гоҳ зиёлилар, фольклоршуносларнинг ўзи ҳам шу сохталаштиришларга ҳисса қўшганлар.

Эндиликда айтувчи ҳам, эдингиз. Гарчи, оёғим оқсоқ бўлиб қолса-да, яхшиликларингиз ёдимда. Тиланг тилагингизни, дебди. Шунда момо: «Отингни берсанг, минсам, ва от бориб тўхтаган жойгача бўлган ерни менга берсанг, етади»,— дебди. Амир Темур отини бергач, момо отни миниб ҳайдайверибди. Момонинг нафси шунчалик катта эканки, отни қистаб кетаверибди. Ҳориб-толган от бир жойда йиқилибди-ю, ўлибди. Шунда ҳам момо қаноат қилмай қўлидаги қамчини олдинга қаратиб отибди ва қамчи тушган жойгача меники бўлди, дебди, Амир Темур рози бўлибди. Шундан қамчи тушган жой Қамчили деб атала бошлабди.

БЕШ НАРСА

Амир Темур беш нарсага эътиқод қўйган ва доимо унга амал қилар экан:

Аллоҳ — у ҳар нарсага қодир куч, сидқидилдан сиғинсанг, истаган муродингни беради, мақсадингга етказади, дер экан.

Тафаккур — ўйлаш, фикрлаш қобилияти зўр инсон ҳар қандай мушкулни осон қилиш йўлини топади, деб биларкан.

Қилич — у йигитнинг йўлдоши, эл-юрт осойишталигининг посбони, ҳар қандай душманни маҳв этиш қуроли, унинг қудрати билан динсизларни динга солиш мумкин, деркан.

Имон — у инсонни барча жонлилардан фарқлантириб турувчи хусусият бўлиб, имонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқининг ор-номусини ҳимоя қилади, ҳалоллик, покликни фазилат билади.

Китоб (Битик) — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрок илми донишнинг асосидир, ўргатувчи мураббийдир.

ДАРХОН МОМО

Амир Темур ёшлик чоғлари оз сонли қушини билан Шаҳрисабзни олмоқчи бўлибди, аммо уни ололмай, қушини енгилибди. Ортга қайтишга мажбур бўлган Темур Қизил дарёдан кечиб ўтиб, бир қишлоққа келиб қўнибди. Қишлоқда бир кампир яшар ва унинг бир эчкиси бўлиб, фақат ўша эчкининг сути билан тирикчилик қилар экан. Амир Темур шу момонинг уйига келиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, момодан овқат қилиб беришни сўрабди. Кампир эчки сутидан атала қилиб, ёғоч товоққа қуйиб берибди. Темур оч эмасми, шошилиб ёғоч қошикда аталадан ичган экан, оғзи куйиб қолибди. Шунда момо сен ҳам Амир Темурга ўхшаб шошқалоқ экансан болам, дебди.

— Темурнинг шошқалоқлигини қаердан билдингиз, момо? — деб сўрабди бўлажак соҳибқирон.

— Эшитишимча, Темур олдин кичик-кичик қишлоқларни эгаллаб куч тўплагач, Шаҳрисабз беклигига ҳужум қилса ғолиб келарди. У эса бир йўла бекликни олмоқчи бўлди-ю енгилди. Шунга ўхшаб сен ҳам шошдинг ва оғзингни куйдирдинг. Аталани аввал товоқнинг гирдидан олиб секин-секин ялаб кўради ва сўнгра совуганини билгач, қошиқни тўлдириб ичадида,— дебди.

Шундан сўнг Амир Темур:

— Дархон момо, сиз билан она бола бўлайин, тилагингизни тиланг, мен ўша Амир Темурман, — дебди.

Момо одамлар учун ариқ қазиб сув чиқариб беришни сўрабди. Амир Темур момонинг айтганини бажо келтириб Танхоз дарёсидан ариқ қаздириб сув чиқариб берибди. Шундан буён бу қишлоқнинг номи Дархон бўлиб, одамлари деҳқончилик қилиб яшар экан.

ҚАМЧИЛИ

Темур ёшлигида ҳам бошқа болалардан анча довюрак экан. Кунлардан бир куни тенгдошлари билан девордан сакраб ўтиб икки дона қовун олиб чиқишга шартлашибди. Темур икки қовунни олиб девордан ошаётганда эҳтиётсизлик қилиб йиқилибди ҳамда оёғи синибди. Унинг оёғини бир табиб кампир даволабди. Лекин бир оёғи оқсоқ бўлиб қолаверибди. Йиллар ўтиб Темур довруғ таратган ҳукмдор бўлганда яна ўша қишлоққа келиб қолибди ва момони топиб «Сиз менга яхшилик қилган экан. Савдогарлар ва карвонларга тегажўғлиқ қилиб кўп ташвишлар туғдирар экан. Бир куни бир савдогарнинг отини ушлаб олиб мениб юрганди, савдогар ушлаб олибди ва унинг оёғини ҳамроҳлари билан биргалашиб қайириб синдирибди. Амир Темур гиёҳлардан териб оёғига боғлабди-да юриб кетибди. Аммо оқсоқланиб қолибди.

ҲУКИЗ КЎТАРИБ

Эмишки, Амир Темур ҳўкиз ё отни елкасига кўтариб машқ қилар экан. Шундай пайтлардан бирида бир дарахт кундасига туртиниб йиқилган ва оёғи синган экан. Синган суякларни текислаб силаб-сийпаб яна кетаверган экан.

МАШҚ

Эмишки, Амир Темур Бовир тоғ этагидаги Қалъаи шерон ва Ҳўқиз бурун, шунингдек Темур дарвозада у тоғдан бу тоққа ёки тоғ қоясидан ерга арқон билан ўтишни машқ қилар, йигитларига ҳам шу машқни бажартирар, машққа яроқсизларни эса қолдирар экан.

ОТ СУҒОРИШ ЭРНИНГ ИШИ

Амир Темур катта бир зафар билан қайтаётиб, Кўкбулоқ деган жойга тушибди. Катта бир чодир қурибди ва ўзи жойлашиб йигитларини хонадонларга бўлиб юборибди. Бир мунча фурсатдан сўнг Амир Темур қараса бир аёл от суғоргани кетаяпти. Шунда Амир Темур аёлнинг эрини топтирибди-да, дебди:

— Сен нега хотининги от суғоргани юбординг, ахир бу эркакларнинг иши-ку?

У одам шундай жавоб қайтарибди:

— Эй, олампаноҳ, от боқиш ҳам, суғориш ҳам эрлар иши эканлигини биламан. Аммо уйимда тўрт навкаринг борки, уларнинг ниятини билмасман. Шу сабабли ўз ишимга хотинимни жўнатдим ва уйдаги икки қизимга назоратчи бўлиб қолдим. Бу ишга ўзим борсам, навкарлар хотиним ва қизларимга ноўрин муносабатда бўлмаслигига ишончим йўқ эди-да.

Бу гапни эшитган Амир Темур хатосини тушунибди ва навкарларини барча хонадонлардан чиқариб, уларнинг яшаши учун чодирлар қурдирибди ва эл осойишталигини таъминлабди.

ОЛОВ

Амир Темурнинг онаси ҳомиладор бўлганда шов-шув тарқаладики, Темур туғилармиш ва дунёни эгаллармиш деб. Барча амиру беклар, шоҳу шаҳзодаларга ваҳима тушибди ва бўлғуси жаҳонгирни онасининг қорнидаёқ йўқотиш йўлларини излашга тушибдилар. Темурнинг онаси эса болани сақлаб қолиш учун туянинг жунидан рўмол тўқиб белини маҳкам боғлаб ҳомиладорлигини билдирмай юрибди. Ой-куни яқинлашиб бола туғилибди. Темурнинг туғилгани яна ҳукмдорларга маълум бўлибди. Шунда шоҳ янги туғилган ўғил чақалоқ борки, тиғдан ўтказишга фармон берибди. Жаллодлар қишлоқма-қишлоқ кезиб ўғил чақалоқ бўлса қатл этаверибди. Темурнинг онаси ҳам жаллодлар фарзандини тиғдан ўтказишини билибди-да, улар излаб келганда худодан мадад тилаб ўғлини олов тегирмонга солиб қўйибди. Подшо одамлари бу хонадондан чақалоқ тополмай кетишибди. Шунда она келиб қараса ўғли Темур тандир ичида оловни ўйнаб ётган эмиш...

ЯЛАНГ ОЁҚ

Амир Темур азиз-авлиёлар мақбаралари, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб пиёда, яланг оёқ борар экан ва зиёрат қиларкан.

ҚИЗНИНГ ҚИРҚ АВЛОДИ

Амир Темурнинг ёш оила қуришда ўзига хос одати бор экан. Ўғиллари, набиралари ва яқинларини уйлантириш учун келин излашга жуда катта эътибор бераркан. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрар экан. Келин қилмоқчи бўлган қизнинг қирқ йиллик авлодини, насл-насабини, уруғини, хуллас етти пуштини суриштираркан. Ҳатто хос аёллар орқали ўша қизнинг баданларида чандиқ ёхуд у-бу доғ-дуғ борйўқлигини ҳам текширтириб кўраркан. Танланган қиз насли-насаби, мавқеи, одоб-ахлоқи билан танилган бўлиб, соғлом ва бақувват, баданлари қусурсиз бўлсагина келин қилиб олар ва элга тўй-томоша берар экан.

ТАЪСИР

Амир Темурнинг яна бир фазилати: ўғилларию набираларига, йигитларига бирон томчи шароб ичса ҳам хотинларига яқинлашишни ман этаркан. Чунки шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабнинг бузилишига таъсир қилади, деб шундай йўл тутаркан.

ТЕГИНА БЕГИМ

...Амир Тўғағай (Темурнинг отаси)нинг биринчи хотини туғмаган экан. У фарзанд кўриш мақсадида яна бир хотин олибди. Бу хотин асли бухоролик бўлиб, исми Тегина бегим Моҳ экан. Вақт-соати келиб Тегина бегим хомиладор бўлибди. Бундан хабар топган кундоши кўп изтироб чекибди. Чунки Тегина бегим туғгудек бўлса, бутун бойлик, молу дунёдан қуруқ қолиши турган гап экан. Шуни ўйлай-ўйлай охири ҳийлаи шаръийга ўтибди. Ёлғон-яшиқдан иборат бир хат битибди. Хатда, Бухорода Тегина бегимнинг отаси оғир касалга чалиниб ўлим тўшагида ётгани баён этилган, қизи тезда етиб бормаса уни кўролмай қолиши айтилган эди. Хатни ўқиган Тегина бегим Моҳ эри Амир Тўғағайнинг сафарда эканлигидан кундошидан жавоб сўраб сафарга отланибди. Кундоши йўл хавф-хатарли, бирон бир зарар етмасин деб, унга бир қанча кишиларни қўшиб берибди. Улар орасидаги ўз кишисига йўлда Тегина бегимни ўлдиришни, қонга беланган кийим-кечагини олиб келишни буюрибди. «Агар шу айтганимни қилсаларинг, ҳаммангни бошларингдан олтин сочаман», деб тайинлабди. Йўлда хомиладор аёлни ўлдиришдан қўрққан кишилар пайт пойлаб туриб уни эски қудуққа итариб юборибдилар. Айғоқчилар Тегина бегимнинг киймларидан олиб, йўлда бир кийикни тутиб олиб ўлдириб, қонига белаб кундошнинг олдига олиб боришибди. Кундош қутулганим рост бўлсин, деб беҳад хурсанд бўлибди ва айғоқчиларга олтинлар берибди.

Қудуққа ташланган Тегина бегимнинг вақт-соати етиб тўлғоқ тутибди. Еру кўкни ларза тутибди, аммо бола келмабди. Онани тўлғоқ тутгандан тутаверибди, еру кўкни ларза босаверибди-ю, аммо бола келмабди. Шу пайт осмонда булут пайдо бўлибди. Булут орасидан бир нур ёриб чиқиб ўз шуъласини қудуққа сочибди. Бирдан қудуқни ичи ёришибди-ю, чақалоқнинг овози эшитилибди. Бола қудуқда туғилганидан ўнг оёғи қаттиқ лат ебди. Оқибат умр бўйи чўлоқ бўлиб қолибди... Боланинг инга-ингасидан осмонда булутлар чайқалибди, момақалдироқ чақнабди. Ер юзидаги шоҳу султонларнинг юрагига қўрқув тушибди. Синглиси туғолмай жуда қийналгани ва ниҳоят соҳибқирон дунёга келгани акасининг тушида аён бўлиб, уни қидириб йўлга тушибди. Ахтариб-ахтариб эски қудуқдан топибди. Сўнг синглиси билан чақалоқни олиб Бухорога жўнабди. Бола кундан-кун ўсиб катта бўлаверибди. Шу аснода орадан ўн икки йил ўтади. Бу даврда ёш Темур ҳам ўз тенгқурлари орасида пухта-пишиқ, қўрқмас-жасур, довюрак бўлиб ўсибди. Темурнинг онаси Тегина бегим бу йиллар орасида табибликни пухта ўграниб олибди. Унинг довруғи ҳар томонга тарқалибди. Уни тузатмаган касали қолмабди.

Давоми еттинчи бетда

Бир донишманд айтган эканки, бир жамиятда яшаб туриб, ундан ва унинг аъзоларидан ташқарида қолиш мумкин эмас. Шу йилнинг 18—19 октябрь кунларида бўлиб ўтган Ўзбекистон ёзувчиларининг X қурултойи ҳақида, айниқса, уюшма раҳбариятини сайлаш масаласи натижасиз, бесамара бўлиб қолгани хусусида ҳозирги кунда жумҳурият маданий жамоатчилиги ва китобхонлар ўртасида баланд-паст гаплар айтилмоқда, ҳавойи фикрлар ҳам билдирилмоқда. Шу қурултойнинг қатнашчиси, залдаги ҳамма гап-сўзларнинг шоҳиди, мазкур уюшманинг кўп йиллик аъзоси ва бир фуқаро сифатида бу воқеага бефарқ қараб, лоқайд томошабин бўлиб бир четда туролмайман.

Аввало мен қурултойда бўлиниш бўлибди, деган гапга қўшилмайман. Менимча, қурултойда фикрлар тўқнашуви, қарашлар, ниятларнинг олишуви юз берди. Агар бутун мамлакатдаги умумвазиятга узвий боғлиқ тарзда олиб қаралса, бундай ҳолнинг рўй бериши табиийдир, мен бунда сира ҳам фавқулоддаликни кўрмайман. То бизнинг қурултойгача бўлиб ўтган тўққиз жумҳурият ёзувчиларининг анжуманлари ҳам ҳафталаб давом этганди, фикрлар тўқнашуви янада кескинроқ ўтганди. Ўзи давр шунақа, шу замон ёзувчиларининг ўзлари шунақа, бу ҳам бўлса, қайта қуриш ва ошкораликнинг шарофатидир. Ёзувчилар тафаккуридаги ўзгаришлар улар аъзо бўлмиш уюшма қурилишини ва фаолиятини ҳам қайта қуришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон ёзувчилар қурултойидаги фикрий тўқнашувларнинг боиси ҳам, моҳияти ҳам ана шундадир. Шу сабабли ҳам мен қурултойимизнинг шундай ўтганидан мамнунман. Агар анжуманимиз силлиққина ўтганида борми, унда мен ҳамкасабаларим ҳамон ғафлат уйқусида эканлар, дея таассуф билдирган бўлардим. Анжуманимизда фикрий тўқнашув рўй берган экан, демак катта-кичик ҳамкасабаларимиз эртамиз бугунимиздан яхшироқ бўлишига, давр талабига мос асарлар ёзишга ва шунга шароит яратилишига интилмоқдалар, шу йўлда курашга киришмоқдалар.

Шуни таъкидлашим керакки, фикрий тўқнашув кекса, ўрта яшар ёки навқирон авлодлар ўртасида юз бераётгани йўқ, балки ҳар икки ёки ундан кўп томонлар ҳам уч авлод вакилларидан иборат, бир тараф фақат ёшлардан, иккинчи тараф фақат катталардан иборат эмас, ҳар тарафда ҳам турли авлодга мансуб қаламкашлар бор. Фақат фарқ шундаки, қарашларда, ниятларда тафовут мавжуд. Менимча, ҳозирги энг муҳим вазифа шуки, барча томонларни бир мақсад йўлида бир мақсад сари йўналтириш керак. Бу мақсад барча қалам аҳлини Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга сафарбар қилишдир, ёзувчилар эса халқимизга маънавий етакчи бўлишлари лозим. Ёзувчиларки, мустақиллик байроғи остида ва шу эзгу мақсад йўлида бирлашмас экан, уларнинг ўқувчилари бўлмиш халқни якдилликка чақиришга ҳожат қолмаса керак. Мустақиллик туйғуси олдида бошқа ҳар қандай гина-кудуратлар ҳеч нимадир. Мен барча ҳамкасабаларим шу ҳақда бир озгина ўйга толишларини истардим, шу ўйга толиш онларида «беайб Парвардигор» деган ҳикматни кўнгилдан бир ўтказиб қўйишларини хоҳлардим.

Маълумки, жумҳуриятимиз ёзувчиларининг тўқизта қурултойи юртимиз Ўзбекистон ССР деб ҳисобланган, яъни унитар давлат бўлмиш СССРнинг бир қисми бўлган шароитда кечди, шу боис уюшмамиз Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси деб номланарди. СССР Ёзувчилар уюшмаси таркибий қисми дейиларди, ҳатто «таркибий қисми» бўлингани билан фахрланувчилар, оғиз кўпиртириб мақтанувчилар ҳам анчагина эди. Энди замон ўзгарди, жумҳуриятимизнинг сиёсий мавқеи ҳам, номи ҳам ўзгарди — Ўзбекистон Республикаси бўлди. Демак, мустақил жумҳурият ҳудудида фаолият кўрсатувчи ҳар бир давлат, ҳукумат ёки жамоат ташкилоти сингари Ёзувчилар уюшмамизнинг ҳам мақоми ўзгариши, фақат Ўзбекистон қонун-қоидалари бўйича иш тутиши шарт бўлиб қолди. Бу эса унинг мақоми ва номи ўзгаришини тақозо этади. У Ўзбекистон Республикасининг Ёзувчилар уюшмаси деб аталса қонуний бўлажак. Бас шундай экан, ёзувчиларнинг 18—19 октябрда ўтган X қурултойи тугаши билан, Иттифоқ ёзувчилар уюшмасининг таркибий қисми бўлган, аслида вилоят бўлими даражасида ҳуқуқ ва имконият билан чекланган Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси ўз вазифасини ўтаб бўлган ҳисобланади. Энди йиғилишимиз X қурултойнинг ташкилий масалага бағишланган иккинчи босқичи бўлмай, балки **Ўзбекистон Республикаси** ёзувчиларининг биринчи, таъсис қурултойи бўлажак, бунда мустақил Ўзбекистоннинг Ёзувчилар уюшмаси туғилажак, таъсис этилажак. Бу ижодий ташкилот ўз моҳият эътиборига кўра янги бўлса-да, то ўзигача бўлиб келган, 30-йилларнинг ўрталарида вужудга келган **Ўзбекистон совет ёзувчилари союзи**нинг вориси ҳисобланади, бироқ энг яхши анъаналарга ворисдир, холос.

Шу фикрдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ёзувчиларининг таъсис қурултойида аввало «Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг мақоми тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилинишини зарур деб ҳисоблайман ва бу борада ўзим тузган қарор лойиҳасини жамоатчилик эътиборига ҳавола қиламан. Менинг лойиҳам ушбудир:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁЗУВЧИЛАРИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИНИНГ ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисида» Олий Кенгашнинг Баёноти муносабати билан ва республика ёзувчилар жамоатчилиги ва китобхонларнинг истакларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ёзувчиларининг таъсис қурултойи қарор қилади:

1. Ўзбекистон ёзувчиларининг ушбу анжумани Ўзбекистон Республикасининг биринчи, таъсис қурултойи деб белгилансин ва унда Ўзбекистон Республикасининг Ёзувчилар уюшмаси ташкил этилди, деб ҳисоблансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Ёзувчилар уюшмаси собиқ Иттифоқ уюшмасидан чиққан, деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб, ижод этувчи барча СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари ўз хоҳишларига кўра ва эркин равишда Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси сифатида қайта рўйхатга олинсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи барча СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоларига ўз хоҳишларига кўра Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг аъзолик билетлари берилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Ёзувчилар уюшмасини жумҳуриятнинг жамоат ташкилоти сифатида қайта рўйхатга олишни сўраб қурултой номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасидан сўралсин ва тегишли ҳужжатлар тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг Низомини тузишда ва унинг фаолиятида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисида» Олий Кенгашнинг Баёноти ва ушбу қарор дастур ва асос қилиб олинсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ.

Албатта, мен тақдим этаётган Лойиҳа ўз номи билан лойиҳадир, уни тўлдириш, таҳрир қилиш, сайқал бериш умумий ишимизга нафлидир, деб ҳисоблайман.

Энди ўтган қурултойда ёзувчиларга тақдим этилган «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Низоми» лойиҳаси ҳақидаги айрим фикрларимни билдиришга ўтаман. Низом расмий ҳужжат бўлиши сабабли жумҳуриятимизнинг конституциявий номи тўлиқ ва айнан тилга олиниши, яъни «Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг Низоми» деб ёзилиши ва бу тартибга Низомнинг барча моддаларида риоя қилиниши шарт.

Энди Низомнинг айрим моддаларига доир ўз таҳрирларимни билдираман. 1-модда шундай бўлиши лозим: «Ўзбекистон Республикасининг Ёзувчилар уюшмаси Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлган адибларнинг кўнгилли жамоат ташкилотидир. Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади».

4-модданинг биринчи банди: «Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси мустақил давлатнинг жамоат ташкилоти сифатида чет эл давлатларининг жамоат ташкилотлари билан тенг-ҳуқуқли шартномалар асосида ҳамкорлик қилиши мумкин».

14 ва 15-моддалар бирлаштирилиб, шундай бўлиши лозим: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшовчи, фаолияти ва ижоди Ўзбекистон ва ўзбек адабиёти билан боғлиқ, ўзбек адабиётига алоҳида хизмати сингган ўзбек миллатига ёки бошқа миллатларга мансуб кишилар Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолари бўлишлари мумкин».

14 ва 15-моддалар бирлаштирилиб, янги таҳрирда битта моддага айлангани сабабли 17, 18, 20, 21-моддалари тегишли равишда таҳрир қилиниб, улардаги мухбир аъзоларга доир қисмларга ҳожат қолмайди.

26-модданинг иккинчи бандидаги биринчи жумла қуйидагича бўлиши лозим: «Қурултой ўтказиш учун унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг камида 51 фоизи иштирок этиши шарт».

Шу модданинг бешинчи бандидаги «ва ССЖИ Ёзувчилар уюшмасининг қурултойига делегатларни» деган сўзларга ҳожат йўқ.

29-моддадан «ва жумҳуриятлар Иттифоқи» деган сўзлар олиб қўйилиши лозим.

33-моддадаги «ССЖИ Ёзувчилар уюшмасининг топшириғи ҳамда ишончи билан унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча давлат ва жамоатчилик ташкилотларида ваколатли вакил бўлиб иш кўриш» деган сўзлар ҳам эндиликда ортиқчадир.

34-моддадаги «ёки жумҳуриятлар Иттифоқи» деган сўзларга ва қавс ичида берилган «КПСС МҚ ва ССЖИ Вазирлар Кенгашининг 1987 йил 14 февралдаги 13-сон қарорига биноан» деган изоҳга ҳам ҳожат йўқ. Чунки бундан буёғига уюшмамиз фақат Ўзбекистон Республикаси бюжети бўйича иш кўради. Адабиёт жамғармаси ҳам жумҳуриятнинг тегишли қонунлари асосида ишлайди.

Ёзувчиларнинг X қурултойида бундан кейин Бошқарув ўрнига Кенгаш бўлишига, ҳар 10 аъзодан бир киши ушбу Кенгашга сайланишини келишиб олинган экан, то қурултой бўлишини кутиб ўтирмай, бу ишга ҳозирдан киришмоқ керак, яъни номзодлар кўрсатишни қуйидан — Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар ташкилотида умумий йиғилишлар ўтказишдан бошлаш лозим. Масалан, Андижон вилоят бўлимида 20 аъзо бўлса, белгиланган норма бўйича Кенгаш аъзолигига 2 киши номзод қилиб кўрсатилиши мумкин. Ёки бўлмаса, қорақалпоғистонлик 80 ёзувчи ўзларидан 8 номзодни белгилаб, қурултойгача бу борада узил-кесил келишиб олишлари мумкин. Барча вилоят бўлимларида ҳам умумий йиғилишлар ўтказилиб, Кенгашга номзодлар олдиндан келишилгандагина таъсис қурултойининг самарали ўтиши осон кўчарди.

Кенгаш аъзоси бўлиш фахр, эътирофгина эмас, биринчи навбатда масъулият, бурчдир. Ўтган қурултойда Ёзувчилар уюшмасига аъзо-ку, лекин илгари анчагина китоблар чиқарган бўлса-да, кейинги ўн-ўн беш йил ичида ёзмай қўйган ёки бўлмаса, ҳали тузукроқ асари билан кўринмаган қаламкашлар тўғрисида, шунингдек, уюшмамизга аъзо бўлмаса-да, унча-мунча аъзоликка қўйилган эди. Эллик йилча ёзмай қўйиб, кейин яна илҳом парисига дуч келгач, энг кучли лирик шеърларини 70 ёшидан кейин яратган Тютчевнинг классик ижоди ҳам фикримни тасдиқлаши мумкин.

Дарвоқе, ўзимизда ҳам битта мисол айтсам бўлар экан. Шоир Ҳабибий биринчи шеъри чоп этилганда 50 ёшда эканлар. Раҳматли домланинг умрлари узун экан, келажакка ишончлари кучли — некбин эканлар, у зоти шарифга илҳом париси ҳамиша вафодору ҳамрозу ҳамроҳ экан, арузда ижод қила-қила 85 ёшларида «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонига сазовор бўлдилар, 90 ёшга тўлганларида адабиётимиз равнақига қўшган ҳиссалари учун «Халқлар дўстлиги» нишони билан тақдирландилар.

Бу тарихий далилларни келтиришдан муродим шуки, умид билан, эзгу ният билан Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлган катта-кичик, ёшу кекса барча ҳамкасабаларимизнинг кўнгилларини чўктирмайлик, ижодга чорлайлик. Карвон кўп, ризқи бошқа-бошқа, дейди халқимиз, бағрикенглик қилайлик. Ҳар бир адибнинг ўз ўқувчиси бор, тўғри, улар бировда кўпроқ, бошқа бировда эса нисбатан озроқ бўлиши мумкин. Халқ дардини қаламга олсак, унинг ташвиши билан яшасак, тилининг учида турганини бизлар гапириб юбора олсак, дилидагини топиб айтсак, улар юрагига йўл топишимиз аниқ.

Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан китоб нашр этиш иши, айниқса вилоятларда яшовчи қаламкашларнинг, шунингдек, биринчи китоби чиқишини тушида ҳам кўриб чиқаётган ёш ижодкорнинг бўй кўрсатиши армиҳаол бўлиб қолди. Менимча, Ёзувчилар уюшмасининг вазифаларидан бири шуки, барча адибларга, айниқса, ёш ижодкорларга суянчиқ ва ҳомий бўлиши, уларнинг ўз ижод маскани бўлиши лозим.

Уюшмамиз аъзоларининг Тошкентга йиғилиб қолишига, менимча, биринчи сабаб шуки, барча нашриётлар пойтахтга тўпланиб қолишидир. Агар вилоятларда ҳам нашриётлар бўлганида эди, бу ҳол юз бермаслиги мумкин эди. Менимча, барча собиқ пойтахтларимиз Самарқанд, Бухоро, Хева ва Қўқонда нашриётлар бўлгани маъқул. Масалан, Бухоройи шарифда чоп этилган китобни Ер юзида кўзга суртиб, эъзозланиб ўқилиши турган гап. Ёки бўлмаса Х асрдаёқ Ер юзида биринчи дорулҳикма — Маъмун академияси иш кўрган Хоразмда ўз нашриёти бўлмаслигини мен нормал бир ҳол деб билмайман.

Ноширлик ишларига маънавий жиҳатдан раҳнамолик, ҳомийлик Ёзувчилар уюшмасининг энг асосий вазифасидир.

Олдимизда зарур вазифалар кўп. Теша тегмаган мавзулар мўл. Уларни мустақил давлатнинг адиби ва фуқароси сифатида теран таҳлил ва тасвир қилишимиз лозим. Шулардан бири Туркистонда шу асримизда юз берган миллий-озодлик кураши мавзуидир. Х қурултойда сўзлаган нотиқларнинг хабарига кўра ёш қаламкашлардан Набижон Боқий курашчи Иброҳимбек фаолияти ҳақида юз босма табоқдан ортиқ маълумот йиғибди. Шуни эшитиб, 1961 йилнинг февралида ТошДД талабаси сифатида Ҳисор водийсида шу халқ қаҳрамони юрган сўқмоқлардан ўтганим эсимга тушиб кетди. Бизлар ўйлаган, лекин етолмаган орзуларга ниларимиз етажаги жуда қувонарлидир. Ҳали кўп халқ қаҳрамонларини элимизга таништиришимизга тўғри келади. Шулардан бири имом Шомилдан кейин туркий халқлардан чиққан иккинчи генералиссимус Анварпошшо бўлса ажаб эмас. Бугунги истиқлолга етиб келишимизга ҳисса қўшган буюк шахслар ҳақида бадиий асарлар яратиш савобдир.

Яхши асар яратиш ёзувчининг бурчи. Шу яхши асар яратилиши учун ёзувчига муносиб ижодий шароит яратиб бериш, битган яхши асарни ўқувчига ўз вақтида етказиб берилишига бош-қош бўлиш Ёзувчилар уюшмасининг юмушидир. Мен уюшмамизни шундай бўлишини истайман.

Қўшимча: ушбу мақолани оққа кўчириш асносида яна бир-иккита мулоҳаза туғилди. Маълумки, ҳар бир жамоат ташкилоти сингари Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш ҳам мутлақо эркиндир, хоҳласангиз, аъзо бўласиз, хоҳламасангиз, аъзо бўлмайсиз қўясиз. Лекин ҳамкасабалик бурчингиз аъзо бўлишни тақозо этади. Йиғилишларда, янги асарларнинг муҳокамаларида фаол қатнашиб, баҳоли қудрат фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз, бундан жамият равнақига муайян даражада наф етиши мумкин.

Балки толе юлдузингиз чарақлаб, ижодий ишларингиз юришгандан юришиб, ёзаётган нарсаларингиз тўсиқларсиз, даҳол дунё юзини кўраётган кезларда Ёзувчилар уюшмасининг сизга зарурати йўқдай бўлиб туюлар. Лекин бундай вазиятлар ҳамма вақт ва барчага ҳам насиб қилавермайди. Турмуш, ҳаёт йўлимиз ҳамиша силлиқ кетавермайди, кучга тўлган давронлар ҳам доимий эмас, одам қарийди, куч-қувватдан қолади, ана шунда ҳамкасабаларнинг далдаси — уюшманинг кўмаги асқотади. Қолаверса, инсонни хотирлаб туриш инсонийликнинг бош белгисидир. Ёзувчилар уюшмамиз тирик ижодкорларга қанчалик зарур бўлса, раҳматли ҳамкасабаларимиз, ўтмиш классикларимизни қадрлаш учун ҳам шунчалик керакдир. Замона ва ўтмиш адабиётимиз яхлитликдагина буюк маънавий кучдир. Ана шу яхлитликни таъминлаш Ёзувчилар уюшмасидан бошқа бирор ташкилотнинг қўлидан келмайди. Уюшмамиз зарурати ҳақида сўз борганда ана шу ҳолни эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Агар Ёзувчилар уюшмасининг наср, назм, драматургия, болалар адабиёти, танқид ва адабиётшунослик, таржима кенгашлари фаолияти талаб даражасида бўлса, бу уюшманинг асосий вазифаларидан бири — адабий жараёнга етакчилик қилишда ўрни беқиёс экани янада ойдинлашади.

Уюшманинг барча аъзолари сизга инсон ёки ижодкор сифатида маъқул келавермаслиги мумкин, лекин шуларга бўла уюшмага аъзо бўлмаслик, ундан чиқиб кетишга ахд қилиш доноликдан бўлмас экан, деган қарорга келдим. Жамоат ташкилоти б

МАНГУ ОБИДА

ТУРҒУНЛИК ЙИЛЛАРИНИНГ асосий жароҳатларидан бири ўтмиш меросимизга, тарихий ва маданий ёдгорликларга нисбатан бир ёқлама муносабатда бўлдик. Энг даҳшатлиси, кўп ёдгорликларимиз бегонадай ғариб аҳволга тушиб қолди. Улар биздан мурувват кута-кута чарчашди, замондошларимиз томонидан минг марта ямалганлигига қарамай асл кўринишини тобора йўқотиб бораётгани ташвишли ҳолдир.

Қуйида Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси **Абдулазиз МУҲАММАДКАРИМОВ** билан бўлган суҳбатимиз ана шу долзарб муаммолар хусусида боради.

— Абдулазиз ака, кўп йиллардан бери маданият ёдгорликларини сақлаш ишлари бўйича фаолият кўрсатиб келасиз. Табийки, Абулқосим мадрасаси билан боғлиқ бўлган тарихий далиллар сизга яхши маълум. Суҳбатимизни ана шу мадраса тақдири билан боғлиқ масалалардан бошласак.

— Абулқосим мадрасаси 1850 йилда қурилган бўлиб, 1919 йилгача мадраса сифатида ишлатилган. Сўнгра мамлакатда кечган ғаройиб воқеалар таъсирида 1929 йилгача ёпиб қўйилган. Россияда очарчилик бошланган пайтда Самара шаҳридан 70 га яқин оила кўчириб келтирилган. Ҳанузгача баъзи аёллар бебош бўлиб кетган болаларини «Самариска бўлиб кетибсан», деб қойишади. Бунинг илдизи эса ўша даврларга бориб тақалади. Шундай қилиб, самараликлар шу муқаддас бинода 1974 йилгача яшашган. Улардан сўнг бу ерда «Ташигрушка» — Тошкент ўйинчоқлар тайёрлаш фабрикаси ўз филиалини очди. Бу филиал то саксонинчи йилгача шунда ишлади. Бу вақтга келиб бинони таъмирлаш зарурати туғилди. Шундай қилиб, Тошкент ижроия қўмитасининг 1981 йил 24 ноябрдаги қарори билан ярим вайрона ҳолдаги Абулқосим мадрасаси Тошкент шаҳар ёдгорликларни сақлаш жамияти ихтиёрига берилиб, таъмирлаш ишларидан сўнг бу ерда Ўзбекистон маданият ёдгорликларини Тарғибот уйига айлантирилиши керак эди.

Биз бинони таъмирлашда ва уни очишда жонбозлик кўрсатган жамиятимиз шаҳар кенгашининг собиқ раиси Хосият Ёқубжоновадан миннатдормиз. У 15 йилдан ортиқроқ шу жамиятга раислик қилган бўлса, бу даврда жамият доимо фахрли ўринларни эгаллаб келди. Шунингдек, Абдулла Шомуродов, Ғани Жаҳонгиров, Билол Аминов, Толиб Содиқовларга узоқ умр тилаймиз. Биз улар олдида шу муқаддас бинони сақлаб қолишда катта хизмат кўрсатганлари учун қарздормиз. Шу ташаббускор ўртоқлар ва ҳурматли қарияларимиз ёрдами ва маслаҳати билан бинода Тошкентнинг ривожланиш тарихи, жумҳуриятимиз моддий ёдгорликлари кўргазмаси, болалар ижодий ишларининг доимий кўргазмалари ташкил этилди. Бундан ташқари, ўзбек миллий романчилигининг асосчиси, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» ва бошқа қатор нодир асарлар муаллифи Сталин репрессиясининг қурбони Абдулла Қодирий 1915—17 йилларда шу мадрасада таҳсил кўрган. Яқинда ҳужраларнинг бирида Абдулла Қодирий мемориал хонаси ташкил этилди. Куни кеча ташкил топган Абдулла Қодирий жамғармаси учун ҳам жой ажратиб берилди. Тошкент экскурсия ва саёҳатлар бюроси билан ҳамкорликда олти ойлик экскурсоводлар курси ташкил этилиб, унда ўттиздан ортиқ экскурсовод тайёрланди.

Аммо, биз юқорида тилга олган қарияларимизни анча ранжитиб қўйдик. Уларнинг мақсади, тарғибот ишларини ўзлари жамоатчилик асосида йўлга қўйиш эди. Лекин жамиятимизнинг жумҳурият бошқаруви буйруғи билан Тарғибот уйи маъмурияти ташкил қилинди. Бу маъмурият уч йил давомида биз ажратган ва сайёҳлардан тушган олтмиш мингдан ортиқроқ пулни маош тариқасида ишлатди. Аммо, тўғрисини айтиш керак, ўтказилган тадбирлар бармоқ билан санарли. Булар ҳам ижодий ташкилотлар томонидан ўтказилиб, маъмурият ижарачи сифатида ёки ҳамкор сифатида қатнашади. Бундай ишлар учун бутун маъмурият эмас, балки бир кишининг ўзи етарли эканлигини раисимизга тушунтирдим. Шундан сўнг ортиқча штатлар қисқартирилиб, эллик минг сўмлик план билан маъмурият шаҳар ихтиёрига ўтди. Натижа ёмон бўлмади, план ортиғи билан бажарилди. Маблағ Оқтепа лойиҳа ишларига, мадрасани таъмирлаш, ёритиш ва иситиш тармоқларини қайта таъмирлаш ишларига ишлатилди. Менимча, тарғиботнинг энг яхши усули — ёдгорликларни яхши, обод, озода таъмирланган ҳолда тутиш. Бунинг учун бинонинг ўзидан тушган пулни ўзига ишлатиш керак, ортиқча штатларни боқишга эмас.

— Абдулазиз ака, нега яқинда бўлиб ўтган жумҳурият президиуми мажлисида маъмурият яна жумҳурият ихтиёрига ўтказилди?

— Тўғри, яқинда жамият президиуми аъзоларидан бирининг таклифи билан шундай иш қилинди. Ваҳоланки, ўша ўртоқ гарчи қўшни яшаса-да, мадрасада атиги икки марта бўлган. Шунинг учун ҳам ўйланмай қабул қилинган бундай қарорларни мен нотўғри, деб биламан.

— Мадраса биносида турли хил ташкилот вакилларини учратиш мумкин. Нима сабабдан ижарачиларга эҳтиёж туғилди? Бундай ташкилотлар қандай ишлар билан шуғулланади?

— Кейинги пайтда мадрасада ҳар хил ташкилотлар кўпайиб кетди, деган таъналар ҳам бўлмоқда. Тўғри, биз «Шарқ» ассоциацияси билан Юнусобод Оқтепасини ободонлаштиришда ҳамкорлик қилиш учун шартнома тузганмиз. Чунки, хоналар одам тафтисиз нураб бораверади, бунинг исботи учун беш йил давомида бўш ётган хоналарни икки марталаб ремонт қилишга тўғри келганини айтиш кифоя. Қолаверса, бинони сақлаб туриш учун йилига ўрта ҳисобда эллик минг сўм сарфланади.

1986 йили таъмирлаш ишлари тугагач, саёҳатлар бюроси илтимосига биноан биринчи қават ҳужраларига халқ усталарини жойлаштирдик. Бу сайёҳларни жуда қизиқтириб қолди. Улар иш ижросини кўриш билан бирга эсдалик совғалари ҳам сотиб олиш имконига эга бўлдилар. Сўнг бу усталардан «Мусаввир» номли кооператив тузилиб, Маданият вазирлиги орқали ҳуфиёна расмийлаштириб олинди. Биз уларни ҳайдаб чиқаролмадик, чунки бино Маданият вазирлиги билан талаш эди. Шу пайтда «Турон» ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси ҳам Маданият вазирлиги томонидан жойлаштирилди. Бу уюшмадан «Тумор» номли янгиси ажралиб чиқди. Шу тариқа ижарачилар кўпайиб кетди.

— Маълумки, жамиятга қарашли «Ижод» ташкилоти ҳам ишлаб турибди. Бу ташкилот ҳам халқ усталаридан ташкил топган. Демак, «Мусаввир» билан «Ижод» ўртасида ўз-ўзидан рақобат пайдо бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги сифат ҳам яхшиланади, иш унумдорлиги ошади, тўғри эмасми?

— Ҳа, албатта. Рақобат бор жойда интилиш кучли бўлади, аммо бу фақат ишлаб чиқариш соҳасига тегишли. Халқимизда, «Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер» деган ҳикмат бор. Афсуски, ўша рақобат туфайли баъзи кимсалар бу нарсани унутиб қўйишган шекилли. Масалан, «Мусаввир» ташкилотини олайлик. Бинога жойлашиб олгач, анча оворагарчиликдан сўнг, иккинчи йили зўрға электр ва иссиқлик учун ижара ҳақини қисман тўлади.

Ўтган йили сентябрь ойида жумҳурият Вазирлар кенгашининг қарори лойиҳасини кўрсатишди. Лойиҳанинг 4-бандида «Мадраса «Мусаввир» ташкилотига текинга берилсин. Ташкилот савдо вазирлиги ихтиёрига ўтказилсин» дейилган эди. Лойиҳада Маданият ва савдо вазирларининг имзолари турарди. Биз буни ноқонуний экани ҳақида маълумотнома ёзиб бердик. Худога шукрки, бундай қарор чиқмади. Жумҳурият ташкилотларидан қўнғироқ бўлиб, «Мусаввир» ташкилоти ижарада тура турсин, деган илтимосни қилишди.

— Бу ташкилотнинг танобини тортиб қўядиган ҳеч қандай чора кўрилмадими?

— Шу йилнинг август ойида мени шаҳар ижроқўмига чақиришиб, Маданият вазирлигидан келган хатни кўрсатишди. Хат маданият вазири томонидан имзоланган бўлиб, унда бино «Мусаввир» ташкилоти ихтиёрига ўтказилиши сўралган. Биз хатни тегишли ташкилотлар билан муҳокама қилдик. Барча ижарачилар, айниқса «Мусаввир» ташкилоти бинодан тезлик билан чиқариб юборишга қарор қилинди.

— Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг Тошкент шаҳар кенгаши шу кунгача қандай савобли ишларни амалга оширди ва келгусидаги иш режалари қандай?

— Биз шу кунгача жумҳурият вазирлар кенгаши ҳамда жамият ва маҳаллий кенгашларнинг қарорларига таянган ҳолда айрим ишларни амалга оширдик.

Ҳозирги миллий ўз-ўзини англаш жараёни халқимизнинг ўтмиш маданий меросини чуқур ўрганиш, ўзлаштиришни тақозо этади. Қадимият обидалари моҳиятини халққа етказиш учун эса энг аввал уларни теран илмий тадқиқ этиш ва таъмирлашдан олдин улардан қандай фойдаланишни ўйлаш ва шу йўл билан тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш зарур. Зеро, давримиз талаби шуни тақозо этади.

Тарғибот уйи бугунги кунда ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор тадбирларни амалга оширди. Турли хил мавзуда лекция ва суҳбатлар ўтказилди, Ҳамза театри артистлари иштирокида А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидан саҳна, «Баҳор» ансамблининг чиқишлари, жумҳурият бахши шоирларининг конкурслари, таниқли аскиячиларнинг чиқишлари, жумҳурият илмий методик маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган «Нафосат» фольклор-этнографик ансамблининг «Тўйимизга марҳамат қилинг» номли кўрсатуви, «Ёш гвардия» театрининг «Майсаранинг иши» спектакли, халқ амалий санъат усталари кўргазмаси, «Нон ва Наврўз» байрамлари шаҳримизга ташриф буюрган сайёҳлар таҳсинига сазовор бўлмоқда.

Мутафаккирларнинг айтишича, халқ қалбининг тўридан жой олган анъаналар яхшилик, адолат, эзгулик, имон, ҳалоллик, қадр-қиммат, бахт ва эзгулик каби қадриятларга бошлайди.

Бизнинг вазифамиз ёдгорлик деворларини сақлашгина эмас, балки унинг ортида ётган халқимизнинг гўзал анъаналарини ривожлантириш ҳамдир. Шу мақсадда мадраса биносида бундан икки йил муқаддам шаҳар ижроқўми қарори билан жамиятимиз қошида «Шарқ театри» ташкил қилинган эди. Унинг мақсад ва режалари эзгуликка бошларди. Шулардан бири ўзбек халқ оғзаки ижодини мутахассислик даражасига кўтариш, қадимий халқ театри санъатини тиклаш ва аския, қизиқчилик, латифа ва достончилик мактабини яратиш эди. Бу соҳада маълум мақсадга эришилди.

Энди режалар хусусида тўхталсак. Агар эътибор берган бўлсангиз, Тошкентда бармоқ билан санарли археологик ёдгорликлар қолган. Булар Чилонзор Оқтепаси, Шоштепа, Назиртепа, Юнусобод Оқтепаси ва бошқалар...

Шулардан Юнусобод даҳасида жойлашган Оқтепа Тошкентнинг ўтмишига доир ноёб ёдгорликлардан бири ҳисобланади. V асрда бу ерда ўз даврига монанд қалъа — шаҳар қад кўтарган. Шаҳарчада ҳунармандчилик, меъморчилик ва боғдорчилик ривожланган. VII аср охирлари VIII аср бошларида араб истилочилари билан бўлган жангларда қалъа — шаҳар вайрон бўлган. Кейинги юз йилликларда эса батамом нураб, у ўн икки тепаликдан иборат харобазорга айланди. Шунга қарамай, ўз тарихий-маданий аҳамиятини йўқотмаган. 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин унга тегишли майдоннинг бир чеккаси шаҳар ахлатхонасига айлантирилди. Катта қисми эса қурилиш мақсадлари учун ажратиб берилди. Оқибатда қадимги Оқтепа тасарруфида бўлган қўрғон — чорбоғлар ўрни археологик жиҳатдан ўрганилмай туриб турар жой ва саноат бинолари остида қолиб кетди. Баландлиги 15—20 метрлик ахлат «тоғ»лари пайдо бўлди. Бу орада тегишли қарорлар қабул қилинди. Тошкентнинг 2000 йиллиги муносабати билан Оқтепа юбилей иншоотлари қаторига киритилди. «ЎЗНИПИ таъмирлаш» институти томонидан муҳофаза лойиҳаси ишлаб чиқилди ва маблағ ажратилди. Лекин қурилиш материаллари ва пахсачи усталар етишмаслигини баҳона қилиб жумҳурият Маданият вазирлигига қарашли «Меъмор» бирлашмаси жамоаси таъмирлаш ишларини тўхтатиб қўйди. Охир-оқибат эзгу мақсад билан бошланган иш ўлда-жўлда қолиб кетди. Сансоларлик билан ўтган олти-етти йил мобайнида лойиҳа эскириб, аҳамиятини йўқотди. 1988 йили пенсионер инженер, ҳозирда ЎЗНИПИ таъмирлаш институти директори Исоқжон Исроилов бошчилигидаги ўн икки нафар мутахассис ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Тошкент шаҳар тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти қошида Оқтепа обидаларини асраб қолиш, таъмирлаш, музей-қўриқхонага айлантириш ва ободонлаштириш бўйича буюртмачи кооператив очишга қарор қилинди. Бу гуруҳ ўз фаолиятини Оқтепа ёдгорликларининг ҳақиқий аҳволини батафсил ўрганишдан бошлади. Жумҳурият маданият ёдгорликларини лойиҳалаш бошқармаси Оқтепани шаҳар жамияти ихтиёрига ўтказишга, таъмирлаш ва ободонлаштириш учун маблағни ўз ҳисобидан қоплашга розилик берди. Шаҳар жамияти илмий текшириш ва асосий ишларни ўз зиммасига олди. Шундан сўнг шаҳар ижроқўмига мурожаатнома йўлладик. Бу ташаббус шаҳар раҳбариятига маъқул тушди.

Бизнинг ниятимиз Оқтепани тарихий музей — қўриқхонага айлантириш, йўқолиб бораётган буюм ва меҳнат қуролларини излаб топиб ўзига хос ажойибхона яратиш ҳамда диёримиздаги турфа хил мевали ва манзарали дарахтлар кўчатини экиб миллий боғ яратишдир.

— Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг 1988 йил 16 декабрдаги қарори билан Юнусобод Оқтепаси ва унинг атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ундан маълум мақсад йўлида фойдаланиш учун Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг Тошкент шаҳар кенгаши ихтиёрига берилди. Бу ишларни амалга ошириш учун қандай ишлар бажарилди?

— Шу ниятда мутахассислардан иборат махсус кооператив тузилди. Улар томонидан дастлабки кунларда зарур бўлган барча лойиҳалаш ишлари бажарилди ва шу лойиҳалар асосида ижроқўм қарори билан тақсимланган ерлар ажратиб олинди. Бундан ташқари, қурилажак катта автомобиль йўли бекор қилинди, боғ атрофи темир панжаралар билан ўраб олинди, боғни кўкаламзорлаштириш мақсадида иккита ер ости темир бетон қудуғи ўрнатилди. Қурилиш вазирлигининг «Тошкентни ободонлаштириш» ташкилоти йўл ва боғ оралаб юрадиган сўқмоқ йўллар қурилиш ишларини бошлаб юборди. Боғ ва ундаги зарур бўлган қурилмалар учун ичимлик суви, канализация, электр таъминоти, телефонлаштириш, газлаштириш учун зарур бўлган техник шартлар йиғиб олинди. Боғни кўкаламзорлаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу ишларда Шредер номидаги боғдорчилик институтининг етакчи агрономлари қатнашди.

Келажакда миллий боғни барпо қилишда «Турон» ижодий уюшмаси ҳам моддий ёрдам беражагини билдирди.

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК БЎЛМАЙДИ

Боғни хорижий сайёҳлар билан узвий боғлаб туриш ва моддий манфаатдорликни ошириш, тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида сайёҳлар маркази қуриш мўлжалланмоқда.

— Абдулазиз ака, ўтмишда ота-боболаримиз жуда моҳир санъат усталари бўлишган. Уларнинг табаррук қўллари бунёд этган шоҳона қасрлар, гўзал бинолар қанчалик ситамларни кўрмасин, ўз нафосатини сақлаб қолган. Аждодларимиз бизга жуда улкан мерос қолдиришган, биз эса аждодларимизга бирон нима қолдириш уёқда турсин, ҳатто қаршимизда азоб чекиб бизга умид кўзларини тикиб ётган тарихий обидаларни ҳам сақлолмаяпмиз. Таъмирланган бинолар узоғи билан беш-олти йилда яна ғариб ҳолга келмоқда. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

— Ўтмишсиз келажак бўлмаслиги азалдан маълум. Биз кўҳна Тошкент, унинг тарихи ва маданияти билан фахрланамиз. У ер юзидаги энг қадимий шаҳарлардан бири. Унинг тарихи жаҳон тарихининг бир қисмидир. Буюк ипак йўли Тошкент орқали ўтган. Шаҳримиз 12 дарвозаси билан машҳур бўлган. Кумас, Қашқар, Қўқон, Камолон каби дарвозалар қаерда бўлганини Тошкентда яшовчиларнинг кўпчилиги билишмайди. Ҳолбуки, Камолон дарвозаси Камолон маҳалласида, Қашқар дарвозаси эса ҳозирги 5-марказ ўрнида бўлган. Тошкентдаги Шайҳантаҳур ансамбли, Бароқхон, Қаффол Шоший, Кўкалдош, Абулқосим мадрасалари шаҳарнинг кўрки ва ифтихори ҳисобланади. Улар Тошкент тарихининг жонли гувоҳларигина эмас, бебаҳо маданий ва меъморчилик ёдгорликлари ҳамдир. Шунингдек, жумҳурият ва маҳаллий аҳамиятга молик икки юзтадан кўпроқ меъморчилик ёдгорлиги бор. Мабодо, биз уларнинг бирини қўлдан бой берсак, авлодлар бизни кечирмайдилар. Ўтмишнинг шундай тарихий бойлигини сақлаб қолишга тегишли ташкилотлар ҳозирга қадар қодир эмас экан. Бу ишда ташаббусни ўз қўлига олган Чақичмон, Каллахона каби кўпгина маҳаллаларни қўллаб-қувватлашимиз керак. Чунки улар маҳалла мачитларини таъмирлаб жонкуярлик ва ватанпарварлик кўрсатмоқдалар.

Ёдгорликларни муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва «Меъмор» бирлашмаси таъмир ишларини режалаштиришни зарур савияда олиб бормаётганлиги ҳаммага маълум. 1987—89 йилда тасдиқланган планлардаги камчиликлар ва устахоналарнинг таъмир ишлари таҳрир қилинавериши оқибатида жуда кўп ишлар чала ётибди. Айниқса, жумҳурият аҳамиятига молик Кўкалдош мадрасаси, Жомий масжиди, Қаффол Шоший мақбараси, поляклар ибодатхонаси бир неча ўн йиллардан буён таъмирлаш у ёқда турсин, бузилиб кетишидан сақлаб қолишга ҳам ҳаракат қилинмаган.

Бундан бир неча йил илгари Чорсу меҳмонхонаси орқасидаги темирчилик масжидини маҳалла илтимосига биноан таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жамиятнинг шаҳар кенгаши ҳисобига таъмирланаётгани учун биз уни тарғибот уйининг бўлими учун режалаштирдик. Аммо битишига яқин идоралардан келиб: «Биз бу ерда кулги музейи очамиз», дейишди, сўнгра «Болалар кутубхонаси қиламиз», деб биздан бинони олишди. Ахир бу иш беш ва эллик тийинлаб йиғилган 50 минг сўмлик аъзолик бадалига таъмирланган эди-ку!

Ёдгорликларга эътиборсизлик шу даражага етдики, айрим шахслар Кўкалдош мадрасасининг тагидан магазин учун иситиш сувини ўтказишга, Абулқосим мадрасасидан ўн метр ҳам узоқликда бўлмаган жойда саксон метр баландликка отиладиган фаввора лойиҳасини тасдиқлашди, кейинчалик инсофга келишди шекилли, фаввора лойиҳасига қисман ўзгартириш киритилди. Натижада фаввора эллик метр нарига сурилди, сувнинг отилиши ҳам ярим бараварга камайтирилди.

— Бу йил Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти Тошкент шаҳар кенгаши қошида ташкил топган «Ижод» халқ санъати кичик ташкилоти Шарқ амалий санъати мактабини очди. Мумкин бўлса, шу мактаб ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз?

— «Ижод» халқ санъати кичик ташкилоти улуғ ниятлар билан шу мактабни очди. Мактабга ҳозирча саноқлигина ўқувчилар суҳбат ва танлов асосида қабул қилинади. Ўқиш 1991 йил декабрь ойидан бошланади. Бу ерда мусаввирлик, заргарлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, китобот санъати, хаттотлик, жилдсозлик, китоб нақши, қадимий қоғоз тайёрлаш усуллари, чармдўзлик, наққошлик, таъмирловчилик касбларини эгаллаш билан бирга миллий маданият ва ҳадисдан таълим олиш мумкин. Ўқиш муддати икки йил бўлиб, ўқувчилар 200 сўм миқдорида стипендия оладилар.

— Мактабни битириб чиққан мутахассислар қаерда ишлашлари мумкин?

— Энг аввало шуни айтиб ўтишим керакки, мактабда ўқиш даври меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади. Ўқишни битириб чиққан кадрлар асосан шу ернинг ўзида иш билан таъминланади. Агар эътибор берган бўлсангиз, мадраса ичидаги кўргазмада бир қанча моҳир усталарнинг ишлари кўзни қувонтириб турибди. Масалан, Ашрапов Жалолнинг қутича, хитой чинниси лакли миниатюралари, Шоаҳмедов Шорасулнинг «Гиёҳвандлар» номли лакли миниатюраси, Қосимов Убайдуллонинг «Сандиқ» ўймакорлик иши, Пўлатов Суннатнинг чармдан ясаган тумор ва сувдони, Назаров Асқаднинг лаган чеканкаси, ака-ука Ғаниев Ботир, Зокир ва Ҳусанларнинг ўймакорлик бўйича қилган ишлари кўргазмага алоҳида кўрк қўшиб турибди. Ўйлайманки, янги мактабнинг битирувчилари ҳам тез орада улар сафига қўшилишади.

— «Шарқ юлдузи» журналининг 8-сонида Алишер Навоий номидаги миллий боғимизга кўрк бағишлаб турган Абулқосим мадрасасида «Маъюлар хазинаси» — «Хазойин улмаоний» номи билан кутубхона — қироатхона ташкил қилиш мўлжалланган, деб таъкидланган. Бунга сизнинг ва бино маъмуриятининг муносабати қандай?

— Алишер Навоийдек жаҳонга донғи кетган бобомиз учун қилинадиган ҳар қандай хайрли ишга биз бажонидил розимиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Матлуба АЗАМАТОВА суҳбатлашди

«НАВРЎЗ»НИНГ ТУҒИЛИШИ

Айрим театрларимиз ижодий инқироз жараёнига тушиб қолди. Уларнинг репертуари саёзлашиб бориш билан бирга, театрга тушадиган томошабинлар сони ҳам камайиб кетаяпти. Уларни ҳатто хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаш услуби ҳам тангликдан қутқаролмайди. Лекин иккинчи томондан янги театр-студияларининг ташкил этилаётгани кўнглимизга таскин беради. Аслида машҳур театрлар ҳам дастлаб студия тарзида ташкил топган.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси қошида ташкил этилган «Наврўз» ўзбек миллий мусиқа театр-студияси фаолият кўрсата бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида томошабинлар ҳукмига С. Абдулла ва Т. Жалиловнинг «Тоҳир ва Зуҳра» асари ҳавола этилди. Томошани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев саҳнага қўйди. Рассом СССР давлат мукофоти лауреати Георгий Брим. Мусиқага Т. Маҳмудов, С. Тўхтасинов раҳбарлик қилган. Рақсларни республикада хизмат кўрсатган артист Насиба Мадраҳимова саҳналаштирган. Спектакл-даги асосий ролларни республикада хизмат кўрсатган артист Ф. Фаёзов, Т. Бекназаров, Ш. Қаимов, Н. Орзимуродова, А. Жалилов, Э. Нормуродов, С. Латипов, О. Мадраҳимова ва бошқалар маҳорат билан ўйнамоқдалар.

— Театримиз ташкил топганига ҳадемай бир йил бўлади, — дейди театр-студия бадиий раҳбари **Хуршид ВОҲИДОВ**. — Қисқа вақт ичида актёрларни конкурс йўли билан танладик. Миллий чолғувчилар гуруҳини туздик. Сўнг Баҳодир Йўлдошевдан «Тоҳир ва Зуҳра»ни саҳналаштиришни илтимос қилдик. Спектакль яхши чиқди. Уни деярли ҳар ҳафта чет элдан келаётган меҳмонлар учун намойиш этаяпмиз. Чунки бу асар Муқимий номидаги республика мусиқали драма театрида қўйилгандан кескин фарқ қилади. Драманинг асосий саҳналарини сақлаган ҳолда кўпроқ миллий урф-одатлар, кийимлар ва анъаналарга эътиборни қаратдик. Актёрларимиз бу шарафли вазифани яхши уддаладилар. Чолғувчилар ҳам асосан миллий чолғу асбобларини чаладилар. Айрим театрларга ўхшаб оркестр тузиб, кераксиз мусиқа асбобларини қалаштириб ташлаганимиз йўқ. Раққосаларимиз эса спектакль давомида ролларни маҳорат билан ўйнашмоқда. Бу ижодкор учун фойдали бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам актёр, ҳам чолғувчи, ҳам раққоса сифатида саҳнага чиқади.

— Театр-студиянинг келгуси режалари қандай?

— Шу кунларда таниқли режиссёр Носир Отабоев «Алпомиш»ни томошабинлар ҳукмига ҳавола этади. Кейин Баҳодир Йўлдошев билан «Гўрўғли»ни қўйишни маслаҳатлашиб олдик. Хуллас, миллий руҳ билан суғорилган асарлар репертуаримизнинг асосини ташкил этади. Айни кунларда эса Туркия ва Финляндияга бўладиган ижодий сафарга қизғин тайёргарлик кўряпмиз. Бу мамлакатларда янги спектакллар билан бирга концертлар ҳам намойиш этамиз. Бу ишда театр ҳомийси «ТЭКОС» фирмаси катта ёрдам бермоқда. Шунингдек, «Ташгорпасстранс», «Ўзбекистон тижорат саноат банки» ҳам театрга яқиндан иқтисодий ёрдам бериб, ҳомийлик қилмоқда...

Қисқа суҳбатдан маълум бўлдики, театр-студиянинг келажаги бор. Ҳомийлар аниқ, ижодий йўл танланган. Ҳамма гап истеъдодлар сонини кўпайтириб, репертуарини миллий асарлар билан бойитишда. Шундагина театр ўз мухлисларига ва томошабинларига эга бўлади. Шундагина у келажакда миллий театрга айланиши мумкин. Жумҳуриятимизда яна бир ижодий жамоа — «Наврўз»нинг туғилгани рост, келажаги порлоқ бўлсин!

А. ОЧИЛОВ

ҲАЙКАЛТАРОШЛАР «ИПАК ЙЎЛИ»ДА

Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг ташаббуси билан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида Бутуниттифоқ ҳайкалтарошлари симпозиуми ўтказилди.

Қирқ беш кун давом этган мазкур симпозиум Буюк «Ипак йўли»га бағишланди. Чунки, «Ипак йўли» деб номланган тарихий савдо-сотиқ йўли Каттақўрғон шаҳридан ҳам ўтиб, ҳозирги Советобод туманининг Тим қишлоғи орқали хорижий юртлар билан боғланган.

Анжуман қатнашчилари қисқа муддат давомида «Ипак йўли» мавзуида ўнлаб маълумотлар тўплашди, мунозара, баҳс-мулоқотлар, учрашувлар уюштирилди.

Ҳайкалтарошлар 45 кун мобайнида кўҳна савдо йўлига хос, яъни ҳунармандлар, ишбилармонлар, савдогарларнинг бир неча ҳайкалчаларини тайёрлашга ҳам улгурдилар. Яратилган асарлар Каттақўрғон шаҳридаги истироҳат боғининг сўлим, гўшаларидан жой оладиган бўлди.

— Каттақўрғон шаҳар кенгаши симпозиумининг муваффақиятли ўтиши учун барча шароитларни яратди, — дейди анжуманнинг ташкилотчиларидан бири, меъмор Илҳомжон Худойқулов, — ҳайкалтарошларга Каттақўрғон сув омборининг хушманзара масканларидан жой ажратиб берилди. Бу эса, ижодкорларнинг баракали изланишлари учун муҳим омил бўлди. «Ипак йўли»га бағишланган композицион манзараларни ҳам анжуман меҳмонлари шу ерда яратишди.

Симпозиумда турли жумҳурият ва шаҳарлардан 12 ҳайкалтарош қатнашди. Улар орасида ССЖИ Рассомлар уюшмасининг аъзолари — Санкт-Петербург шаҳридан Виктор Петров, Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг ҳайкалтарошлик секцияси раиси Николай Карлиханов, киевлик Алексей Козлов, Нукус шаҳридан Довирбой Тожимуродов, тошкентлик Тўлаган Ёрқулов, Рашид Сулаймонов ва бошқалар бор эди.

«Ипак йўли»га бағишланган асарларнинг ижодкорлари шаҳар кенгашининг ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ

ЮРАГИ ХУН АЁЛ

МУҲАРРИРИЯТИМИЗГА келаётган шикоят хатларининг кети узилмайди. Расмий идоралардан нажот топа олмаган, район, вилоят мақкамаларига қатнайвериб тинка-мадори қуриган жабрдийдалар «Сизларга мурожаат этишдан ўзга чорам қолмади» дея бизга мактуб йўллайдилар. Мен шуғулланиш учун Қашқадарё вилоятидан келган айрим хатларни ажратиб олдим. Шикоятларнинг аксариятида жойлардаги орган ходимларига нисбатан ишончсизлик билдирилган. Уларда: «Агар сизлар ҳам ёрдам бермасангиз бу дунёда адолат борлигига буткул ишонмай қўямиз», деган дардли сатрлар бор.

Дарҳақиқат, келаётган арзу доднинг кўплиги бу ишончсизликнинг тасдиғидек туюлади, кишига. Баъзан орган ходимларининг бепарволиги, қўполлиги тасвирланган сатрлар вужудга қамчидек ботади. Фикримни исботлаш мақсадида мактублардан кичик парчалар келтираман:

«Мен жиноятчини ўз қўлим билан ушлаб бериб ҳам ҳозиргача сарсон-саргардон бўлиб юрибман...» Б. Холмуродов, Чироқчи райони.

«Афсуски тўй азага айланди. Тўйга маст ҳолда келган Отабой 23 ёшли Алишер-жоннинг умрига зомин бўлди...» Ж. Отаёров, Чироқчи райони.

«Мени бир нарса ажаблантиради. Икки йигит ўлиб кетса, аёллари бева, ёш-ёш болалари етим бўлиб қолса-ю, айбдор Шариф Нажимов уйида бемалол юраверса...» М. Худоев. Китоб райони.

«Орган ходимлари «Қотилни ўзингиз кўрсатинг, ундан сўнг уларни суд қиламиз», деб айтмоқдалар. Қотиллар эса деярли аниқ кишилар...» Хатни Эшонқул Пиримов номидан Б. Кенжаев ёзган. Шаҳрисабз шаҳри.

«1982 йил декабрь ойида ўғлимни Б. Ражабов ва хотини бўғиб ўлдирган...» Қ. Ражабова, Шаҳрисабз шаҳри.

«Мени адолатсизлик қийнамоқда. Чунки ҳуқуқ-тартибот бўлимларида ишлайдиган терговчи ва судьялар ўз вазифасини масъулиятсизлик билан бажармоқдалар...» Б. Тўраева, Шаҳрисабз шаҳри.

«Амакимнинг 6-синфда ўқийдиган ўғлини Н. Жовлиев «Жигули» машинаси билан маст ҳолда бостириб кетади. Оғир жароҳатланган болани бошига уриб гапиролмайдиган даражага келтириб, шифохонага олиб боради. Бола ўн кун тилдан қолиб ётиб вафот этди...» Б. Атоев, Косон райони.

«Отамиз касалхонада уч кун оғир аҳволда ётиб ҳаётдан кўз юмдилар. Аммо у кишини машинаси билан уриб кетган Э. Шомуродов устидан қўзғатилган жиноий иш бекор қилинди...» Қ. Ҳамроев, Ульянов райони.

«Эримнинг қотили Абдазиз Алимовга суд 5(беш) йил қамоқ жазоси берди. Кўз олдимизда машинага солиб олиб кетишди. Аммо нарироққа бориб қўйиб юборишди. Шундан бери у очиқда юрибди...» М. Рўзиева. Яккабоғ райони.

«Орган ходимлари мени тепа бошлашди. Мен ҳушимдан кетиб йиқилдим». Ғ. Раҳмонов, Қарши шаҳри.

Булар ҳал қилинмаган, охирига етказилмаган ишларнинг бир қисмидир, холос. Воқеаларнинг ўта мураккаб эмаслиги мактублардан кўриниб турибди. Бироқ негадир уларнинг ечимини топиши ойлаб, йиллаб чўзилмоқда. Бунинг сабабини билиш мақсадида Қашқадарёга сафарга отландим. Ў ерга боргач вилоят прокурори ўринбосари Одил Амирқулов билан учрашиб суҳбатлашдим.

— Тўғри, сиздан аввал келган мухбирлар ҳам бизга шикоят кўплиги ҳақида айтишган. Бунинг асосий сабабларидан бири районлардаги айрим орган ходимларининг жонкуяр эмаслигида, ҳуқуқий савияси пастлигида деб биламан. Улар қаршисидаги киши хоҳ арзчи, хоҳ айбдор бўлсин одоб билан муомала қилишлари, одамларни ўзларидан бездирмасликлари керак. Афсуски, кўп ҳолларда акси бўляпти. Натижада бир-икки ҳафтада ҳал қилиниши лозим бўлган иш йиллаб чўзилади. Жабрланувчилар райондан вилоятга, вилоятдан жумҳурият марказига қайта-қайта борид келиб сарсон бўлмоқдалар. Биз йиғилишларимизда бу ҳақда кўп гапираяпмиз-у, лекин ишимизда силжиш сезилмаяпти. Масалан, вилоят прокуратурасида кўрилаётган ишларнинг олтмиш фоизи районларнинг ўзида ечимини топиши мумкин. Қолаверса, жабрланувчи ҳам, жавобгар ҳам сўроқ ёки судлов жараёнида қандай ҳуқуқ-қа эга-ю, қандай ҳуқуқдан маҳрум эканликларини билишмайди. Шу сабабли дастлаб уларга ҳуқуқлари билдирилади. Аммо кейинчалик бирон масалада ҳақли талаб қилишса, кўпинча ижроси амалга оширилмайди. Дейлик, айбдор деб гумон қилинган киши уч кун ичида адвокат олиши, ҳужжатлар билан таништириб борилиши даркор. Лекин бунга эътибор берилмайди. Оқибатда қонунчилик қўпол равишда бузилади.

1990 йилда олдинги йилга нисбатан мингта ариза камайди. Бу албатта, ижобий ҳол. Бироқ ҳамма иш ўнгланиб кетди дегани эмас. Масалан, айрим ёшларга, айниқса бир маротаба жазоланганларга орган ходимларидан кўра жиноятчиларнинг таъсири кучлироқ бўляпти. Уларни осонгина ўз томонларига оғдириб олиб, қайта жиноят қилишга ундамоқдалар. Текшириш жараёнида бу ҳол кўпроқ сезилаяпти.

СУҲБАТ ЧОҒИДА хотин-қизларнинг ўзини ёқиши яшаш шароитининг қийинлиги ва оилавий келишмовчиликлар натижасида юз бераяпти, деб тўғри таъкидлади Одил ака. Аммо уни олдини олиш учун ибтидоий усулда ҳаракат қилинган. Яъни айрим ноаҳил

Давоми саккизинчи бетда

Зайнаб САДРИЕВА

Ўзбекистон театр санъати оғир жудоликка учради. Моҳир санъаткор, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати Зайнаб Садриева шу йил 31 октябрь куни 80 ёшида вафот этди.

Зайнаб Садриева 1912 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1930 йилда Тошкент хотин-қизлар педтехникумини тугаллади. Ўша йилиёқ Ҳамза номидаги академик театрига қабул қилинган Зайнаб Садриева шу даргоҳда то 1987 йилгача узлуксиз ва самарали фаолият кўрсатди. У 1987 йилдан то умрининг охиригача А. Ҳидоятов номидаги («Ёш гвардия») Ўзбек давлат драма театри жамоасида ижод қилди.

Ўзбек театри тарихида Зайнаб Садриеванинг олтмиш йил давомида саҳнада яратган бир неча ўнлаб образлари томошабинлар қалбидан чуқур жой олган. К. Яшиннинг «Тор-мор» драмасида Эмиля, А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясида Ўғилхон, М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиасида Гавҳаршодбегим. Айниқса, С. Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедиясида Фармонбиби образлари Зайнаб Садриева иқтидорининг янгидан-янги жилоларини намойиш этди, саҳна санъатига ўзига хос йўналиш олиб кирди.

Зайнаб Садриеванинг театр санъатини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени, қатор медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Моҳир ижрочи, ажойиб истеъдод соҳиби, меҳрибон мураббий Зайнаб Садриеванинг ёрқин хотираси унинг кўплаб муҳлислари қалбида узоқ сақланиб қолади.

И. Каримов, Ш. Мирсаидов, Ш. Йўлдошев, Э. Самандаров, Б. Назаров, Шукрулло, Н. Ғойибов, Б. Қорнева, М. Қаюмов, А. Жабборов, С. Эшонтўраева, Н. Раҳимов, З. Муҳаммаджонов, Яшин, С. Аҳмад, Б. Йўлдошев.

БЕЗАВОЛ САНЪАТ СОҲИБАСИ

Зайнаб Садриева ўчар шамдай хира тортмай, машъаладай порлаганча ҳаётдан кетди. У тўлдириб турган саҳна бўшаб, саҳнадошлари ҳайрону бехонумон қолдилар. Гўё театр санъатининг бир томони ўпирилиб кетгандай. Шу ўпирилган жой Зайнаб Садриеванинг ўрни. Бу ўрин тўлмайди, бир чеккада ўзини кўрсатиб, абадий хотиротдай доимо эгасини эслатиб турaверади. Санъаткорнинг касбдош ва муҳлислари уни бир умр миннатдорчилик билан эслаб, доимо қўмсайдилар, руҳини шод этадилар.

Ҳар ким ижодда ўзига муяссар этилган имкон даражасида иш кўриб, насиб этилган бахт неъматини татиб ўтади. Зайнаб Садриева неъматни озини ўзи тотиб, кўпини безавол меросга, саҳна санъати мулкига ўтказиб кетолган санъаткордир. Унинг безавол талқинлари санъатда етуклик ва гўзалликнинг намунаси сифатида театр маданиятимиз тарихининг мулки бўлиб қолади.

Тошпўлат ТУРСУНОВ

Боши бешинчи бетда

Шу орада Амир Тўрағайнинг катта хотини заҳин касалига (моховнинг бир тури) чалинибди. Бухоролик аёл табибнинг довруғини эшитиб зора дардимга даво топсам деган умидда уни излаб йўлга тушибди. Узоқ йўлни босиб ўтиб Бухорога етиб борибди ва кундоши билан учрашибди. Тегина бегимнинг юзида чиммати борлиги сабабли уни танимабди. Табиб Тегина бегим эса кундошини танигани ҳолда уни синаш мақсадида саволлар берибди. Охирида: «Агар нима гуноҳга қўл урганингизни очиқ айтсангиз, касалингиз тузалади, бўлмаса қандай бўлсангиз, шундай қоласиз», дебди. Бемор қасам ичиб барча қилган қилмишларини ёлғонсиз, оқизмасдантомизмасдан сўзлаб берибди. Тегина бегим бир илож қилиб эри Амир Тўрағайнинг олдида ҳам ҳамма гапни кундошига бошдан-оёқ айттирибди. Иккинчи хотини дом-дараксиз йўқолган деб юрган Амир Тўрағай воқеаларни эшитиб биринчи хотинини ўлдиртирибди ва Тегина бегим билан яна қайтадан турмуш қурибди. Ёш Темурни эса ўз тарбиясига олиб, қўрқмас, довюрак, баҳодир, айни чоқда ақлли, доно қилиб ўстирибди...

ТАДБИР

Амир Темур ёшлигидан абжир, чаққон, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган довюрак бўлиб ўсибди. Улғайиб вояга етгач, пири ҳамда устозлари, айниқса, устози Дархон момонинг маслаҳат, йўл-йўриғига амал қилиб, аввалига кичик-кичик қишлоқ-овулларни аста-секин эгаллаб, кейинча Кешнинг пойтахти Шаҳрисабз беклигини қўлга киритибди. Шаҳрисабзни ўз қўлига олгач, қўшинини кўпайтиргандан кўпайтираверибди. Кешнинг «Қалъаи Шерон», «Хукуз бурун», Ўнғир, Ғор деган жойларида уларни обдон машқ қилдирибди. Тоғнинг у чўққисидан бу чўққисига қил арқон ташлатиб дарёи азим «Қизил сув» устидан арқонга осилтириб у ёқ-бу ёққа ўтказар, пастдан тепалик — чўққига, чўққидан пастга тушириб чиқарар экан. Навкарларим чиниқсин, пишсин, тоғ келса чиқа олсин, сув келса ўта олсин, қоронғуга кўниксин, совуқда қотмасин, деб ўйлаб шундай қилар экан. Машқларни обдон жойига келтиргач, Донғи Доғистонга кетган Самарқандга юриш қилибди.

Бу пайтда Самарқанднинг амири тоғда ов овлаб юрган экан. Амир Темур Самарқанднинг қадимий қалъасини тез ва осонгина эгаллаб олибди. Бунга суюнса ҳам, аммо ичида: «Самарқандни амир овда эканлигида қўлга киритдим. Аслида у билан жангу жадалга киришиб, енгиб олишим керак эди», деб афсусланибди. Лекин одамнинг икки кифтида икки фариштa ўлтириб олиб «Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин» деб туришар экан. Самарқанд амири овдан қайтибди. Қалъани душман босиб олганини кўриб, қаттиқ жангга киришибди ва тез орада Темурни енгибди. Амир Темур шармандаларча енгилиб, ўзининг содиқ навкарлари билан Кешга чекиниб, тоғу тошларга чиқиб кетибди. Аммо Темур қайсар, чўрткесар, ориятли киши бўлган экан. Самарқанд амиридан енгилиб, тоғларда тентираб юриши унга ҳечам тинчлик бермабди. Самарқандни ўз қўлига олиб, ғолиб амирни боплаб адабини бериб қўйиш иштиёқида ёнибди, елибди-югурибди. Кунлардан бир куни устбошини ўзгартириб дарвеш қиёфасида ўзининг устози Шамсиддин кулол ҳузурига кириб борибди. Дилидаги бор гапни унга ёрилибди:

— Самарқандни ўз қўлимга олиб, амирнинг ақлини жойига киритиб қўймасам тиниб-тинчимайман, — дебди сўзининг охирида.

Буни эшитган ва Амир Темурнинг айтганидан қайтмаслигини билган пири Шамсиддин кулол унга қараб шундай гап қилибди:

— Азиз фарзандим, ҳозирча бексан, шошилма, амир ҳам, жаҳоннинг кўп ерини эгаллаган жаҳонгир соҳибқирон ҳам бўласан. Ҳозир эса

сунбула тушишини кутайлик. Сунбула келиб, қут-барака пишиқчилик бошлангач, дарё суви камаяди, боз устига лойқа тиниб, у мусаффолашади. Унгача ҳар бир навкариғни қайта-қайта машқдан ўтказ, уларга пишиқ-пухта меш тайёрлат. Мешни қўй терисидан тиктирсинлар. Сўнг Қалъаи Шерондаги ғорга боргин-да, ундаги тўқ-киз қудуқни топ. Қудуқлардан бирига оёғинг етганча тушиб, қулоқ сол. Ундан ер ости дарёсининг шов-шувури эшитилади. Йигитларинг тиктирган мешларни пуфлаб, ичига ҳаво тўлдирсинлар. Мешлар обдон шишгач, ўзинг бошлиқ уларнинг ҳаммаси қудуққа тушинглар, Ер остидан кетган дарё суви сизларни қоронғулик қаърига олиб кетади. Кўрқма, чўчима, ҳаммаси яхши бўлади. Узоқ сузасизлар. Бора-бора бир жойга етганларингда, бир устун чиқади. Бу устун эмас, ой ё куннинг ёруғи. Шунда балки, манзилга яқинлашган бўласан, Шу ой ё куннинг ёруғини кўрдиларингми, тоғ қояларига маҳкам ёпишиб олинглар. Бўлмаса дарё суви суриб, оқизиб кетади. Кейин билмайман, Машриққа олиб кетадими ва ё Мағрибгами, худо билади.

Деворларга ёпишганча юқорига аста-секин кўтарилаверинглар. Қарабсизларки, Самарқанднинг бозор майдони устидан чиқибсизлар. Кейин ақлни ишга соласанми ё шамширни — буёғи ўзингга боғлиқ.

Амир Темур устозининг гапларини диққат билан тинглаб бўлгач, раҳматлар айтиб қандай пайдо бўлган бўлса шундай ғойиб бўлибди. Аммо устозини қанчалик ҳурмат қилиб айтганини бажо келтирмасин, Ўнинг ўз ақидаси бор экан. У доимо «Ишон, аммо шубҳа қил» қабилида иш тутар экан. Шунга амал қилиб бу сафар ҳам сунбула келишини кутибди. Сунбула яқинлашган кунларда Самарқанд қалъасига ўз йигитларидан бирини дарвеш ҳолига келтириб жўнатибди. У жўнаб кетар экан:

— Шуни эсда тут. Самарқанд қалъасига киргач, Жумани кут. Шу куни эрталаб азонда Самарқанд қалъасининг кун чиқиш томонидаги сомон бозори олдидаги қудуқ олдида бўл. Диққатингни бир жойга қўйиб, қудуқдан сув олаётганларнинг идиш-оёқларига тикилиб ўлтир. Аммо ҳеч ким сезмасин. Қудуқ сувидан сомон чиқадими, йўқми бил. Сомон чиқдими, бу ёққа от қўй. Навкар бош устига дебди-да, дарвеш қиёфасида Самарқанд қалъаси томон от қўйибди. Амир Темур бўлса, даштдан сомон тўплатибди. Кейин сомонларни ғордаги қудуқ олдига келтиртириб, эртага Жума деган куни унга тўкишни буюрибди. Навкарлар қирқ қоп сомонни қудуқ орқали ер ости дарёсига ағдаришибди.

Самарқанд қалъасига кириб олган дарвеш-навкар кун чиқиш томондаги сомон бозоридаги қудуқ олдида ўлтириб олиб, икки кўзини унга тикиб тураверибди. Ҳеч кимнинг идишига сомон чиқмаганини кўриб олдинига «Амир Темур лақиллатибди», деб ўйлабди. Кейин бир идишга сувга қўшилиб беш беш-олтита сомон чиқибди. Дарвеш-навкар қараб турса кейин сувдан тўп-тўп сомон чиқаётган эмиш. Тезда отига миниб жўнаб қолибди. Темур қошига етиб келгач, бек ундан: «Қани айт, нима кўрдинг»?— дебди. Шунда дарвеш-навкар:

— Бек, айтганингдай қилиб, Самарқанд қалъасининг кун чиқиш томонида бозорнинг ўртасидаги қудуқ олдида пойлаб турдим. Аввалига сувдан ҳеч нима чиқмади. Тушга яқин эса аввалига битта-иккита, кейин тўп-тўп сомон чиқди. Амир кишилари келиб тоза қудуқ сувини булғабсизлар, деб сомончиларни лаънатладилар, баъзиларини ўша ернинг ўзидаёқ дорга осдилар. Ғовга кўтарилгандан кўтарилаверди, мен эса буни ғанимат билиб жуфтакни ростлаб қолдим, — дебди.

Амир Темур: Пирим тўғри айтган эканлар, шубҳага ўрин қолмади, дебди-да, навкарларига айтиб ўзлари тиктирган пишиқ-пухта мешларни ҳавога тўлдиртирибди. Бу иш бажарилгач, ўзи бош бўлиб ғор ичидаги қудуқлардан ўртасидагига тушишибди. Мешларни ушлаган ҳолда ер ости дарёсидан оқиб кетишибди. Ер ости дарёсининг тўлқинлари уларни оқизиб, қоронғилик қаърига олиб кириб кетибди. Оқиб бориб, бир ерга етганларида қаршиларидан оқ пахтадек нурли устун кўринибди. Амир Темур: «Эҳтиёт бўлинглар, бир-бирларингдан хабардор бўлиб туринглар. Манзилга яқинлашаяпмиз», дебди. Бир пайт ойнинг нури тушиб турган жойга борганда, бек: «Айтганимдай, қудуқ деворларига қаттиқ ёпишинглар-да, менинг кетимдан бирин-кетин деворлар зинапояларидан тепага кўтарилаверинғиз. Эҳтиёт бўлинглар, оқим суриб кетмасин», дебди. Ўзи эса қудуқ деворларига канадек ёпишибди. Кейин юқорига ой нури кўрсатган йўлдан кўтарилаверибди. Бошқалар унга эргашибди. Аввал Темурбек, кейин бирин-кетин навкарлар Самарқанд қалъасининг кунчиқар томонидаги бозорнинг қоқ ўртасидаги қудуқдан ташқарига чиқиб олишибди... Эрталаб Амир Темурни жарчилар турли томонга от чоптириб Самарқанд қалъасининг амири, деб эълон қилишибди.

Шунда Амир Темур халойиқ олдига чиқиб кўриниш берибди-да, ўз яқинларига қараб:

— Кўрдингларми, юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан, — дебди...

Суратда: ҳайъат аъзолари Когон район мақомчилар ансамбли қатнашчилари билан суҳбатлашмоқда.

И. ЯРУЛИН суратга олган

МАҚОМЧИЛАР КЎРИГИ

25—26 октябрь кунлари Бухоро шаҳрида мақом-ансамбларининг навбатдаги жумҳурият кўрик-танлови бўлиб ўтди. С. Айний номидаги ўзбек мусиқали драма ва комедия театрида тантанали очилган мазкур кўрик-танловга вилоятларимиздан 11 та жамоа ва 350 га яқин иштирокчилар қатнашиб, мақом йўлларида тайёрлаб келган дастурларини намойиш этдилар. Ижрочилар кўрик-танлов низомига асосан мақомнинг энг қийин ва нозик йўлларидан асарлар ижро этиб томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар. Ҳакам ҳайъатига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Тошкент Давлат консерваторияси профессори Т. Ғафурбеков бошчилик қилиб, кўрик иштирокчиларининг чиқишини одилона баҳолодилар.

Ҳакам ҳайъатининг чиқарган қарорига биноан биринчи ўрин жамоаларга берилмади. Иккинчи ўрин эса Фарғона вилояти Ленинград район мақомчилари, Хоразм вилояти Урганч шаҳар маданият уйи қошидаги мақом жамоаси ҳамда Самарқанд вилояти Пастдарғом районидаги «Гўзал» мақом дасталарига насиб этди. Учинчи ўрин Андижон вилояти Жалолқудуқ ва Пахтаобод районлари мақомчилар гуруҳига, Жиззах вилояти педагогика билим юртига қарашли мақом жамоасига ҳамда Бухоро вилояти Когон районидаги мақомчилар ансамблига берилди.

Кўрик давомида мақом ижрочилари, мутахассислар, олимлар, маданий-маърифий муассаса ташкилот раҳбарлари иштирокида «Мақом ва давр» мавзуида суҳбат ўтказилди. Суҳбатда мақом соҳасини ривожлантириш ва уни кенг тарғибот қилишдаги муаммолар ҳақида батафсил фикр алмашдилар.

Навбатдаги мақом дасталарининг жумҳурият кўрик-танлови Андижонда ўтказилиши келишиб олинди.

Ўткир ТОҲИРОВ

МУШТАРИЙЛАР ФИКРИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти Навоий шаҳар филиалида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг муштарийлар билан ижодий конференцияси бўлиб ўтди. Унда филиал ўқитувчилари ва талабалари қатнашиб газета ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Талабалардан А. Гулбоев, Л. Атоева, Ф. Камолова, У. Раҳматов, Д. Алматова, М. Мурайнин мақбараси тарихи» рисоласи сотувга чиқарилди.

Хайриянинг Хоразм вилоятида ўтказилган қисми Урганч шаҳри маданият ва истироҳат боғида якунланди. Бу хайрия йиғинида бошқа ижодкорлар қаторида Омон Матжон ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов ҳам хизмат кўрсатишди.

Султон Вайс бобо зиёратгоҳида сўнгги йилларда ободонлаштириш ишлари олиб борилганига қарамай, кундан-кунга ошиб бораётган зиёратчиларга хизмат кўрсатишда етишмовчиликлар борлиги сезилиб қолмоқда. Яқин йилларда эса бу кўҳна масжид-мақбарани тавоф этиш учун хорижий мамлакатлардан ҳам зиёратчилар келиши кутилмоқда.

Бу юксак вазифаларни айримлар ўйлагандек мақбарага тушаётган хайр-эҳсон пуллари билан амалга ошириб бўлмайди. Негаки, Султон Вайс бобо мақбараси Беруний шаҳар болалар сил касалликлари шифохонасини оталиққа олган, тумандаги етимесирларга моддий мадад бериб туради. Янгидан тиклананётган Кечирмас бобо масжиди қурилиши харажатларининг бир қисмини кўтаради, шунингдек, бу даргоҳга хизмат қилувчиларни маош билан таъминлайди.

Хайриянинг ўтказилиши халқимизнинг ўз тарихий масканларига ва улуғ шахсларига ҳурмат-эътиборлари юксак эканлигидан, элимизнинг ўз миллий қадриятларини қайтадан тиклашга интилаётганидан дарак беради.

А. МЎМИНОВ, Ж. КАРИМОВ

УзАО ахбороти

Бундан беш йил муқаддам Сурхондарёда илк бор тасвирий санъат галереяси очилган эди. Уни Ўзбекистон халқ рассоми, жумҳурият Давлат мукофоти лауреати Рўзи Чориев ташкил қилиб, 200 га яқин тасвирий санъат асарларини шу галереяга тақдим этди.

Яқинда Сурхондарё маданият фонди галереянинг ташкил топганига 5 йил бўлгани ва Рўзи Чориевнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан катта экспозиция тайёрлади.

Кўргазма Термиз шаҳридаги Р. Чориев тасвирий санъат галереяси залида очилди. Унда портрет ва пейзаж жанрида чизилган 34 та рангтасвир ва графика ишлари қўйилди.

Сурхондарё маданият фонди билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Термиздаги ваколатхонаси ўртасида анчадан бери маданий-дўстлик алоқалари ўрнатилган. Яқинда бу ерда Иттифоқ рассомлари уюшмасининг аъзоси Шоира Қўзиевнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтган эди. Шу анъанани давом эттириб, шу кунларда юртдошимиз, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориевнинг камер-графика кўргазмаси очилди.

Сурхондарё маданият фонди ташаббуси билан очилган кўргазма рассомнинг 60 йиллик юбилейига бағишланди.

А. ОМОНТУРДИЕВ

СУЛТОН ВАЙС МАҚБАРАСИДА

КЕЙИНГИ САЛКАМ 130 ЙИЛЛИК тарихимизда халқимиз маданияти, осоратиқалари, илм масканлари мустамлакачилар тарафидан топталди. Совет давлатининг 74 йиллик тарихида эса атеизм ниқоби остида ислом динига, ўзбек халқининг имон-эътиқодига қарши кураш олиб борилди. Натижаси эса аён: маданиятимизнинг билимдон тарғиботчилари диндорлар сифатида қирғин қилинди, масжидлар, мадрасалар вайрон этилди, бойликларимиз — тарихий китобларимиз ўтда ёқилди, ёки олиб кетилди.

Қорақалпоғистон жумҳурияти Беруний тумани ҳудудидаги Муҳаммад пайғамбарнинг дўсти, азиз авлиё Султон Вайс бобога IX асрда қурилган мақбара масжиднинг қисмати ҳам шундай бўлди. Ўн бир аср мобайнида тоқ қурилиб, тоқ бузилиб келган бу мақбара-масжид асримизнинг 30-йилларида талотум қилинди. Унинг тиллодан ясалган жиҳозлари, ҳар хил уюмлар зўравонлар томонидан олиб кетилди. Мадраса бузиб ташланди, бу ердаги билимдон кишилар қувғин қилинди. Бу иш фақат қатағон йилларидагина эмас, кейин ҳам давом этди. 70-йилларда шу ердаги «Етти баҳодир» қабри қандайдир кишилар томонидан очилиб, ундан кўплаб китоблар олиб кетилди. Саксонинчи йилларда мақбара зиёратчилар учун ёпилди, қисман яна вайрон этилди. Ҳолбуки, Султон Вайс бобо мақбараси Қорақалпоғистон жумҳурияти Беруний туманида сақланиб қолган ягона қадимий обида эди.

Сўнгги йилларда қайта қуриш шарофати туфайли Султон Вайс бобо мақбараси зиёратчилар ихтиёрига берилди. Бу ерда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Аммо олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас. Шу сабабли туман диний уюшмасининг имом-хатиби Абдураҳим Амин эшон ўғли мақбарани таъмирлаш ва унинг атрофини ободонлаштириш бўйича хайрия ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Бу хайрли ташаббус Беруний тумани раҳбарлари ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот маркази ходимлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Хайрияни ўтказишда қандай мақсадлар кўзда тутилганди? Биринчидан, Султон Вайс бобо мақбараси нафақат ўзбек халқининг, балки туркий халқларнинг, янада аниқроқ қилиб айтсак, башариятнинг мулки эканини кенг тарғиб этиш. Иккинчидан, ёшларга Султон Вайс бобо шахси ва унинг учун қурилган мақбара ҳақида маълумот бериш. Учинчидан, бу мақбарани таъмирлаш ва теварагини ободонлаштириш учун маблағ тўплаш эди.

Ташаббускорлар гуруҳи бу мақсадларни амалга ошириш учун Қорақалпоғистон жумҳурияти, Хоразм ва қўшни Тошҳовуз вилоятлари раҳбарлари билан учрашиб хайрияни ўтказиш тартиби ҳамда муддати ҳақида келишиб олишди. Шунингдек, Ҳасан Маткарим эшон ўғли ва Абдураҳим эшон ўғлининг «Султон Вайс Қорайнин мақбараси тарихи» рисоласи Тарғибот маркази томонидан зудлик билан нашрга тайёрланди. Бу ишлар билан бир қаторда хайрия жамғармасининг махсус жорий-ҳисоби очилди. Жорий-ҳисоб очилиши билан



СУРАТЛАРДА: Султон Вайс мақбараси; мақбаранинг эшиги

Беруний туманидаги жамоалар унга маблағ ўтказишни бошлаб юборишди.

Хайрия жумҳуриятимиз ҳаётида энг қувончли кун, унинг мустақилиги эълон қилинган санада Беруний шаҳрининг бош ўйингоҳида очилди. Хайрия қатнашчилари Президентимиз Ислом Каримовга табрик телеграммаси йўллашди.

Хайриянинг очилиш маросимида сўзга чиққан Беруний тумани кенгаши раиси Мақсуд Сафоев, Қорақалпоғистон жумҳурияти қозиси Ҳожи Вайс Оловуддин махсум ҳазрат, Хўжайли тумани ижроия қўмитаси раиси Тожиддин Ҳуснидинов, Чимбой тумани диний уюшмаси имом-хатиби Маҳмудхон ибн Абдураззоқ ҳазрат, хомедованинг рақслари, Қаландар бахши Норматовнинг қўшиқлари уланиб кетди.

Ўйингоҳнинг ўзидаёқ жамғармасига пул ўтказиш бошланди. Биринчилардан бўлиб, Беруний шаҳри Мичурин кўчасида истиқомат қилувчи саксон саккиз ёшли Эгамберди бобо Ўраэбоев хайр-эҳсон кўрсатди. Шундан кейин отахоннинг ҳамюртлари Қосимбой Эшназаров — 100 сўм, Тўхтахон Файзуллаева — 50 сўм, Чимбой масжиди вакиллари — 330 сўм, Хўжайли тумани диний уюшмаси вакиллари 217 сўм пул ўтказишди. Шу куни бу ерда жами 7369 сўм хайрия маблағи тўпланди.

Эртаси куни Беруний тумани хўжаликларида хайрия тадбирлари давом этди. Айниқса, Беруний ип йигириш ва тўқувчилик корхонаси ҳовлисида ўтган учрашув қизиқарли бўлди. Бу корхона жамоаси хайрияга 4000 сўм пул ўтказганини маълум қилишди.

Кейинги кунларда Амударё ва Элликқалъа тумани меҳнаткашлари билан ҳам ана шундай учрашувлар ўтказилди.



Хайриянинг биринчи қисми Тўрткўл шаҳрида ниҳоясига етди.

Шундан кейин хайрия учрашувлари Хоразм вилоятига кўчди. Хоразм Давлат педагогика олий билимгоҳида ўтган учрашувда Умида Абдуазимова, Фарида Усмонова, Эркин Мадраҳимов, Матназар Абдулҳаким, Марва Жалолиддинова иштирок этишди. Учрашув сўнггида билим масканидагилар хайрия ҳисобига минг сўмга яқин пул тўплаб топширишди.

Шунингдек, ижодкорлар вилоятнинг Ҳазорасп, Боғот, Хонқа, Янгибозор ва Гурлан туманларида, Хева шаҳрида ўтказилган хайрия тадбирларида қатнашишди. Урганч шаҳридаги деҳқон бозорда ўтказилган хайрия тадбирида биринчи марта «Султон Вайс Қорайнин мақбараси тарихи» рисоласи сотувга чиқарилди.

Хайриянинг Хоразм вилоятида ўтказилган қисми Урганч шаҳри маданият ва истироҳат боғида якунланди. Бу хайрия йиғинида бошқа ижодкорлар қаторида Омон Матжон ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов ҳам хизмат кўрсатишди.

Султон Вайс бобо зиёратгоҳида сўнгги йилларда ободонлаштириш ишлари олиб борилганига қарамай, кундан-кунга ошиб бораётган зиёратчиларга хизмат кўрсатишда етишмовчиликлар борлиги сезилиб қолмоқда. Яқин йилларда эса бу кўҳна масжид-мақбарани тавоф этиш учун хорижий мамлакатлардан ҳам зиёратчилар келиши кутилмоқда.

Бу юксак вазифаларни айримлар ўйлагандек мақбарага тушаётган хайр-эҳсон пуллари билан амалга ошириб бўлмайди. Негаки, Султон Вайс бобо мақбараси Беруний шаҳар болалар сил касалликлари шифохонасини оталиққа олган, тумандаги етимесирларга моддий мадад бериб туради. Янгидан тиклананётган Кечирмас бобо масжиди қурилиши харажатларининг бир қисмини кўтаради, шунингдек, бу даргоҳга хизмат қилувчиларни маош билан таъминлайди.

Хайриянинг ўтказилиши халқимизнинг ўз тарихий масканларига ва улуғ шахсларига ҳурмат-эътиборлари юксак эканлигидан, элимизнинг ўз миллий қадриятларини қайтадан тиклашга интилаётганидан дарак беради.

А. МЎМИНОВ, Ж. КАРИМОВ

Аброр Ҳидоятов номли ўзбек давлат драма театри жамоаси Республика халқ артисти, Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти совриндори

Зайнаб САДРИЕВА

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги жамоаси вазирлик ҳузуридаги миллатлараро маданий марказ директори

Шавкат Назарович ШАРИПОВ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

УЗАТТИ—ПЕРЕДАЛА

Телефон жиринглайди. Дастакни кўтараман. Қиз боланинг кўнғирокдек овози:

— Сомлайкум. Қаер бу?

Саломдан ҳам «тежаб» қолишга одатланган ўзбек қизига бир ўзбекча жавоб қилгим келди-ю... Ҳай майли.

— Таҳририят.

— Уф-ф! Кечирасиз...

Дастакни қўяман. Бироздан сўнг яна қўнғироқ.

— Сомлайкум. Қаер бу?

— Таҳририят, дедим-ку, синглим!

— Ҳой ока, сиз билан ҳазиллашишга вапше вақтим йўқ. Тушунадиган қилиб гапирсангизчи!

— Редакция.

— Шунақа демайсизми? Езиб олинг, телефонограмма бор.

Суҳбатдошим оғзидан чиққан сўзларни тезда қоғозга туширишга улгурдим:

«Бугун, абеддан кейин соат 3 да правлениеда обший собрания. Шаҳар территориясидаги ҳамма организация бошлиқлари қатнашишлари шарт. Собрания повесткаси: Документация ишларини ўзбекча юргизишнинг бориши ва шу масалалар бўйича парткомлар отчети. Раис: подпись, Ишанкулов, Передала, ўзбекчаси-

— Вуй, тавба, нима мен сизга нима дейди?

— Узатти, — таржима қиламан мен.

га — келиннинг янгасиманми? Короче, передала Джураева. Тамом».

Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ

ЗАМОНАВИЙ МАҚОЛЛАР

Яхши муомала — шовқинсиз қопқон,
Ёмон муомала — ўзингга сопқон.

●

Бировни бировга чаққандан кўра,
Яхшиси, ўзингни мақтагин, жўра!

●

Сотувчининг чопгани —
Мудирининг топгани.

Зоир ЗИЕ

ОЛАМГА САЁҲАТ

БУЛБУЛ:

— Бу дунёдан тўйдим мен,
Тўйдим орзу-ҳавасдан.
Эзгуликни куйласам,
Жой бердилар қафасдан.

ЧАЕН:

Яхшиликни хуш
кўрмасман,
Уйқумда ҳам туш
кўрмасман.
Дардимнинг ҳеч давоси
йўқ,
Туролмайман иш
урмасдан.

БУРГУТ:

— Бургут бўлсанг лочин
кўз,
Чўққиларга тирмашгин.
Умрнинг бўйи доимо,
Мансаб учун курашгин.

ҚУЕН:

Яхши жойда ишлашга,
Аввало тиргак керак.
Яна муҳим бир нарса —
Тоғдайин юрак керак.

Абдуғаффор ХОЛМАТОВ

ЛУҒАТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

НАСИҲАТЧИ — ўзи амал қилмайдиган нарсаларни бошқаларга ўргатишни яхши кўрадиган киши.

МАСЛАҲАТЧИ — ўзининг ақли етмайдиган масалаларни бошқаларга ўргатаверадиган одам.

ХОР АНСАМБЛИ — омади юришмай, хор бўлиб юришган хонандалар уюшмаси.

ШЕЪРИЙ РОМАН — шеър дейишгаям, роман дейишгаям тилинг бормайдиган асар.

ПАРДОЗ-АНДОЗ — табиат ато этган ҳусну жамолни ёмон кўзлардан асраш мақсадида ишлатиладиган юзбўямачилик, кўз бўямачилик каби ниқоблаш санъати.

Мели ХОЛИЕР

ИКИР—ФИКРЛАР

Унинг ниқобини олиб ташлашди. Минг афсуски, ниқоб остида юзи ҳам йўқ эди...

●

Ноқобиллиги учун жамоадан четлатилди ва ижроқўмга кўтарилди.

●

Ойна — танноз жувонларнинг бир умрлик ҳамдардларидир.

Абдуазиз ҲОШИМОВ

«Бир мақолаларингда ўқиб қолдим: «Чучварани хом санашибди», деб ёзибсизлар. Аслида биз аввал чучварани пишириб бўлгандан кейин ўзини эмас, пулини санаймиз. Шунга, ҳурматли муҳаррирлар, яхшиликча тузатиш беришингларни сўрайман. Бу судебний иш-а?!»

Ҳушёр журналхоннинг хатидан

Василий ТРЕСКОВ

19 АВГУСТДА ҚАЕРДА ЭДИНГ?

Гешкин бувисини 17-йилга қадар нима билан машғул бўлганини билмайди, лекин ўзи 19 августда Малоярославец атрофида маза қилиб қўзиқорин териб юрганди. Бундай лоқайдлиги билан конституцияга хилоф бўлган фитнага ҳиссасини қўшганидан бехабар эди. Бу ҳақда 26 августда дам олишдан сўнг ишхонасига келганида билди. «Сантехпроект» трести бекитилган, бинода эгнига Россия байроғига мос уч хил рангда кийим кийиб олган собиқ партбюро котиби Чапикин бошчилигида тергов комиссияси иш олиб борарди. Шими кўк, кўйлаги оқ, галстуги эса қизил эди. Кўкрагидаги район партконференциясининг делегати деган нишон ўрнига «йўқолсин хунта» деган жуда жиддий даъват битилган нишон товланиб турарди.

— Хўш, шундай қилиб, ўн тўққизинчи августда қаерда эдинг? — жиддий сўради Чапикин Гешкиндан.

— Дала ҳовлида эдим, қўзиқорин тердим, — деди соддадиллик билан Гешкин.

— Қандай даҳшат, — деб ваҳимали қичқирди ҳамма вақт, ҳамма ерда биринчи бўладиган собиқ касаба уюшма фаоли Палушкина.

— Халқимизнинг энг асл ўғил-қизлари бозор тарақиёти, демократиянинг гуллаб-яшнаши йўлида ўзларини аямай танк остига ташлаган бир пайтда айрим демократияга қарши, шубҳали ўтмишга эга кимсалар махфий равишда фитначи, разил кучларга ўз қилмишлари билан ёрдам берганлар.

— Унинг фитначилар билан тили бирлиги аниқ, — деди Гешкиннинг хизматдоши Сосулькин. У сиёсий маориф, ташвиқот ва ташкилотчилик ишларида ўта жонбозлик кўрсатадиган хизматдошлардан. Яқин-яқинларгача Сосулькин ҳамкасби Гешкинни ҳамма мажлисларда шанбаликларга, марксизм-ленинизм машғулотларига зимдан қаршилик қилгани учун, КПСС МК пленумлари материалларини инкор қилганлиги учун қаттиқ танқид қилар эди. Энди эса Сосулькин демократия ва бозорнинг ашаддий тарғиботчиси бўлиб қолганга ўхшайди, унинг кўксида «демократия йўлидаги халқ қасоскори» деган ёзув қорайиб кўринарди.

— Гешкин — шубҳали шахс, — деган эди кунларнинг бирида буфетда Сосулькин, — бизнинг устимиздан реакцион жаҳолатпарастлар ҳукмронлик қилган пайтларда у мен учун брокерни ҳам, рэкетни ҳам фарқи йўқ, деганди, бартерни олиб сотар билан адаштирар эди...

— Баррикадаларга неваралярим, ҳеч бўлмаса қайнонам борган эди десангчи, — деди астагина Гешкинга ҳар қандай вазиятда одамохунлигини сақлаб қолган лаборант Анциферова. Лекин Гешкин ҳали бўйдоқ ва ёлғиз эди, шунинг учун на набиралари, на қайнонаси билан мақтанолмасди. Унинг фақатгина йўлбарс исмли ити бор эди. Бу фожиали кунларда у Москвада — модалар комбинатида модельер бўлиб ишлайдиган партия аъзоси бўлмаган қўшниси Нелочканикида қолган эди. Лекин Гешкин бу тўғрида гапиришга уялди, шунинг учун елкасини қисиб тушунарсиз бир нималарни ғудурлади.

— Шундай қилиб, аниқ бир нарса деёлмайсиз. Шундайми гражданин Гешкин, биз тараққиёт ва инсониятни танклардан кўкрагимиз билан ҳимоя қилган бир пайтда сиз халққа, демократияга сотқинлик қилдингиз. Сизга ўзингизнинг хулқатворингизни ўйлаб кўришга вақт бераман, йўқса тоталитаризм тарафдори деган номни оласан, — деб ҳукм чиқарди Чапикин.

Бу қўрқинчли сўзни эшитиб Гешкинни ҳиқичоқ тутиб қолди, ошқозони музлаб кетди. Уни ёнғинга қарши асбоблар ва охирги беш йилликда касаба уюшмасининг сарфланмай қолган йиллик маблағига олинган пианино турадиган ертўлага кузатиб қўйишди.

Гешкиндан ташқари ертўлада шубҳа остига олинган «тоталитаризм тарафдорлари»дан фаррош Клава хола, у ўша улуғ кунда онгсиз равишда кунини дўконда сосиска олиш учун навбатда ўтказган, қоровул Евсюх эса ғирт маст бўлиб гастроном олдидаги кўлмакда думалаб ётган ва вақтини шаҳардан ташқаридаги «Дорожная» меҳмонхонасида ишқий кўнгилхушликларга берилиб ўтказган Элочка бор эди. Ҳаммалари жон-жаҳдлари билан тушунтириш хатлари ёзишарди, уларнинг важоҳатидан қаламлар қарсиллаб, қоғозлар йиртилиб кетарди.

Биринчи бўлиб Элочкани қўйиб юборишди. У эҳтиросларга тўла вақтини қандайдир одамлар билан эмас, балки яқиндагина мустақиллигини олган жанубий республикаларнинг биридан келган ишбилармонлар билан ўтказганлигини, шу билан у демократия бургутларига бўлган ўзининг садоқатини ва севгидаги илғор ислоҳотларга ўзининг хайрихоҳлигини исботлади. Кейин Клава холанинг айбини кечиришди. Ходимларнинг ҳаммасини демократик жўшқин ҳис-ҳаяжон эгаллаб олганди, шунинг учун полларни супириб-сидирадиган, шиддатли митинглар пайтида ҳар хил чақириқлар чаплаб ташланган, ғуфлаб ташланган ҳожатхона ва йўлакларни ювадиган ҳеч ким қолмаган эди-да.

Ҳаммадан узоқ Евсюхни ушлаб туришди, чунки у бошоғриғига чидаёлмай тушунтириш хатида қинғирқийшиқ ҳарфлар билан «ҳар қанақа демократия бир шиша ароққа ҳам арзимайди» деб ёзиб берганди. Унинг шубҳали ўтмиши ҳам ходимларни ҳушёр бўлишга ундарди, унинг Сталинград жангларида иштирок этганлиги ва «Сталинградни мудофаа қилганлиги учун» медали билан мукофотланганлиги ҳам унинг Сталинга алоқаси борлигидан дарак берарди. Евсюхнинг тўс-тўполони анчагача босилмади, агар малла сочли Анциферова талонга олган арағидан бир қадаҳ олиб келмаганда эди у ҳаттоки ертўлани ёнғиндан сақлаш асбоблари ва пианино билан қўшиб дабдаласини чиқаришга оз қолди. Биринчи қадаҳдан сўнг у ҳаммасини бўйнига олди, учинчи қадаҳдан сўнг ҳаммасидан тонди. Ароқнинг бир шишаси учун эса у бутун бошли фитначилар қўшини билан ҳам уришишга тайёр эди. Уни собиқ парткабинетнинг талон-торож қилинган мулкини қўриқлаш учун қўйиб юборишди.

Бу вақт ичида малла сочли Анциферова Гешкинга тушунтириш хатида оқ уйнинг олдида унинг аввалда Йўлбарс, ҳозирда исми Фитнаев деб ўзгартирилган содиқ ити кечаю-кундуз пойлоқчилик қилганини ёзиши кераклигини, секингина билдирмасдан шипшиб кетди. Комиссияга унинг бу далили жуда ёқди, Чапикин ҳатто Гешкиннинг қўшниси Нелочкага тарбия ишларини яхши йўлга қўйганлигини айтиб миннатдорчилик билдириш учун унинг адресини ёзиб олди.

Гешкинни Анциферовага кафилликка беришди. Шу куни иш бўлмади, ҳамма шошилинч митингга чақирилди. Бу митинг жонбозлар томонидан аниқланган шаҳар ташқарисидаги қадимги қўрғон ўрнида пайдо бўлган ялангликдан топилган скиф-сармат қатағони қурбонларига бағишланган эди.

Гешкин яна сиёсий гирдоблар ичида қолишдан таваккал қилиб оммавий жонбозликлардан фойдаланиб қўзиқорин териш учун секингина дала ҳовлисига жўнаб қолди.

Дилдор МАВЛОНБЕКОВА таржимаси

Рассом М. ЭШОНҚУЛОВ

Оқилжон ҲУСАН

ЎЗ ЮРТИДА МУҲОЖИРЛАР

Қулоғим бурасам овозингорнинг
Кимдир сўзлаётир чалакам-чатти.
Қийналиб, кучаниб гапиришидан,
Қандайдир «муҳожир» касга ўхшатдим.
Аввал раҳмим келди, сўнг раҳмат дедим:
«Ҳурмати бор экан она тилимга.
Эътибор шунчалик бўлар-да ахир,
Эҳтиромда экан азиз элимга».
Майли, уч-тўртта сўз қийшиқ айтилса,
Талаффуз панд бериб тургани тайин.
Бошда қийин бўлар ҳар қандай иш ҳам
«Очилиб» кетади сўзлаган сайин.
Сезиш мумкин эди унинг ҳолини —
Бечора «муҳожир» қийналди роса.
Сўз ҳам қисқа эмас, чўзилиб кетди,
Ҳали кўринмасди якун-хулоса.
Чамаси нутқмас, маъруза экан,
Тутилиб, суриниб ўқирди тинмай.
«Ғўзал Тошкентимиз ғуллаб-яшнайди», —
Деб қолди бир маҳал — сўзлар пойма-пой.
Энди нотиққамас, азиз тилимга
Раҳмим келди шу чоқ, дилим ғашланди.
Кўнглим ниманидир сезиб қолдию,
Қандайдир тескари таъсир бошланди.
Ўйландим: «Шу нотиқ муҳожир бўлса,
«Тошкентимиз» дея атайдур нега?
Магар шундай каслар ишни бошқарса,
Азиз пойтахтимиз қопти беэга...»
«...Пойтахтимиз тағин чирҳойлик бўлсин!»
Сўзини тугатди бир маҳал нотиқ.
Жойимда ҳангу-манг ўтириб қолдим,
Топишмоқ берилган боладай қотиб.
Наслинг ким, деб сўрсанг, ўзбекман,
дейди.
Мансабнинг қуллари нодон, бебурдлар.
Эл-юртнинг шуҳрати, шаъни букилар,
Мансабда ўтирса шундай манқуртлар,

Боши еттинчи бетда

ЮРАГИ ХУН АЁЛ

оилаларда бўлишиб, тез ёнувчи ёқилғиларнигина олиб қўйиш билан кифояланишган. Ёқилғини олиб қўйиш билан кишини ёмон ниятдан қайтариш қийин. Қолаверса, ёшгина нафис келинчакнинг ўзини ёқишига сабаб уйда солярка ёки керосин сақлангани деб ўйлаш ноўриндир. Биз уларнинг дардига малҳам бўлиб, оғир шароитларини бироз енгиллаштиролсаккина бу фожианинг олдини олишимиз мумкин. Аслида ўт қўйиш ўз жонига қасд қилишнинг бир кўринишидир. Кейинги пайтда эркакларнинг ҳам ўзини ёқиш ҳоллари учраяпти-ку...

Вилоят прокурори Эркин Абзалов билан арзчиларни қабул қилаётган пайтида танишдик. Эркин аканинг кишиларга қилаётган муомаласи менга маъқул бўлди. Ҳар бир шикоятчини тинглаётганда шу иш билан шуғулланаётган ходимини чақириб, юзма-юз суҳбатлашиб топшириқлар берарди. Мабодо иш районда кўрилаётган бўлса, ўша ерга телефон қилиб аҳвол билан танишарди. Балки у олдида жумҳурият матбуотининг ходими турганлиги учун шундай муомала қилгандир. Балки доимо қабул қилиш усули шундайдир. Нима бўлганда ҳам, мен прокурорнинг ҳамиша одилона иш тутишини, оқилона муносабатда бўлишини истардим. Чунки орган ходимлари ҳар доим ҳам шикоятчиларни мухбирлар олдида қабул қилавермайдилар-да.

Менинг тасаввуримда ҳар қандай қийин масала шу суҳбатдан сўнг ҳал бўладигандай туюларди. Бироқ ички бир туйғу бу ишларнинг анчагина қисмини жойларда сансоларликка учраб, ойлаб чўзилишидан дарак бериб турарди. Дарҳақиқат, баъзи арзчилар прокурорга шундай дейишди: «Сизнинг ҳузурингизга аввал келганимизда сўзларимизни тинглаб, керакли ходимларингизга буйруқлар берган эдингиз. Биз хурсанд бўлиб қайтгандик. Лекин ҳамон бирон ўзгариш йўқ». Эркин ака эринмайди. Ўша ходимни топиб дашном беради. Маълум муддатни айтиб, шу орада ишни охирига етказиш лозимлигини уқтиради. (Энди бу ходим инсофли бўлсин. Акс ҳолда шикоятчи яна қайтиб келиши аниқ). Навбатдаги арзчини тинглаётиб прокурор шу иш билан шуғулланган ходимни чақиртирди. Ундан тафсилотларни суриштирди. Қатнайвериб ишончини йўқотган шикоятчи ходимни кўриб тутоқиб кетди ва уни эътиборсизликда, таниш-билишчилик қилишда айблади. Бу қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида бир нима дейишим қийин. Бироқ ходим (вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи Исмоилов)ни кўпол муомаласи мени ҳайратга солди. У шикоятчини хонадан зўрлаб чиқариб юборишга уринди. Эркин ака орага тушгачгина вазият юмшади. Прокурор ўринбосарининг аксарият орган ходимлари ва терговчиларнинг қўрслиги ҳақида айтган фикрларининг нақадар тўғрилигига яна бир бор амин бўлдим. Қайтаётганимда ўша ходим мени йўлакда тўхтатиб, узр сўради. «У киши асабийроқ бўлиб қолган. Сизни ранжитиши мумкин эди. Аввал бир жанжаллашганида дўқлагандим, индамай чиқиб кетганди. Бу гал ҳам индамай чиқиб кетади деб ўйловдим», деди. Ходимга барибир нотўғри иш қилганини, мендан эмас, шикоятчидан узр сўраши лозимлигини айтдим. У жим туриб қолди.

Ачинарлиси шуки, орган ходимлари ичида қўпол муомала қиладиганлардан ташқари, тўғридан-тўғри жиноятга қўл урганлари ҳам учрайди. Масалан, ички ишлар хизмати сержанти Ҳ. Сафаров қамоқхонадаги шахс билан тил бириктириб, унга таркибида наркотик хусусияти бўлган таблеткалар киритиб беради. Жиноятчи ёзган турли мазмундаги хатларни яширин тарзда унинг қариндошларига олиб бориб бериб, эвазига моддий манфаатдор бўлади. У навбатдаги жиноятга қўл урганда, яъни маҳбусга 50 сўм пул ва таркибига наркотик хусусияти бўлган 75 дона таблетка ҳамда наркотик модда бериш вақтида қўлга олинди. У жиноят қонунлари мажмуасининг 149-моддаси бўйича ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилишда айбдор деб топилди ва жазоланди.

ИНСОН, АХЛОҚ ВА ҚОНУН

Қамоқхона ходими Т. Аралов ҳам жиноятчи билан келишиб, унинг бир неча сўровини бажаради. Маҳбуслар учун лозим кўрилмаган нарсалар киритиб беради. Сўнг маҳбуснинг турар-жойини билиб, ота-онаси олдига боради. Улардан ўғилларига ёрдам беришни ваъда қилиб, товламачилик йўли билан 500 сўм пул олади. Шу фактга асосланиб жиноят қонунлари мажмуасининг 129-моддаси 3-қисми бўйича у айбдор деб топилиб жазоланди.

СЕН НАЖОТ КУТУВЧИНИНГ ўзи жиноятчи бўлса, бошингни қайси тошга урасан. Кимга дод деб борасан яна. Бундай нопок шахслар қилмишлари билан бошқа ҳалол ходимларнинг ҳам обрўйига путур етказади. Уларга нисбатан халқнинг ишончсизлигига сабаб бўлади. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари фаолиятида тез-тез учраб турадиган қўполлик ва жиноятчилар ҳамда уларнинг яқинлари билан тил бириктиришлар йўқолмас экан, ҳеч қачон ишонч бут бўлмайди. Шунданми, бизга келаётган шикоятчиларнинг кўпчилиги нолиб қуйидагича сўзлайдилар: «Югураверіб жонимдан тўйдим. Сира ишончим қолмади. Жиноятчини қамашмас экан, энди ундан ўзим қасос оламан». Негадир хизмат вазифам юзасидан бу сўзларни кейинги вақтда ботбот эшитишимга тўғри келяпти. «Оллоҳ ўзинг сақла» дейман ичимда. Шикоятчига эса адолат албатта қарор топишини уқтиришга уринаман. Лекин адолатнинг қарор топиши учун яна қанчадан-қанча елиб-югуриш лозимлигини ҳис қилиб кўнглим ғашланади. Буларнинг бари ишончнинг йўқлигидан. Ахир қотилни суд қамоққа ҳукм этса-ю, аммо у кўзингизни қуйдириб, юрак-бағрингизни тилиб шундоққина рўпарангиздаги уйда таралла-бедод қилиб яшаб юрса! Қани ишонч, қани адолат! Агарким, у айбдор эмас экан, нега суд қамаш учун ҳукм чиқарди. Агарда у айбдор бўлмаса, нега бирон киши буни муштипар онага асосли қилиб тушунтириб бермайди? Нега?! Яккабоғлик Мусаллам Рўзиеванинг юрагини ўртайдиган саволлари кўп. Жавоби эса йўқ. Ўзи ҳам болаларининг «Нега отамизни ўлдирган одам қамалмади?» деган сўроқларига тайинли жавоб беролмай юраги хун.

Шикоятчиларни тинглаётиб мени бир нарса тааж-жублантиради. Негадир улар жиноятчи қолиб, шу иш билан шуғулланаётган орган ходимларидан нолиб гапиришади. (Бу ҳолни бошқа вилоятлардан келган кишиларнинг сўзидан ҳам сезаман. Фақат Қашқадарёдан келган мактублар билан шуғулланганим сабабли ўзга вилоятлардан юборилган шикоятлар тўғрисида тўхталмаяпман. Демак, бундан жиноят асосан Қашқадарёда юз берар экан деган хаёлга бормаслик керак). Зеро, уларнинг ишини жойлардаги масъул шахслар ўз вақтида етарлича ҳал қилишганида, овора бўлиб, боз устига пул сарфлаб муҳарририятимизга ёки бошқа идораларга нажот истаб келишмасди. Шунинг оқибатидами, баъзан журналистлар маълум маънода орган ходимлари билан «рақибларга» айланиб қолишади. Аслида икки томон бирикиб, адолатнинг қарор топишида шикоятчига кўмаклашишлари даркор.

Баъзида районларга жўнатган расмий хатларимизга шунақанги қойилмақом жавоблар келадики, уч-тўртта ходим биргалашиб ҳам маъносини англолмай доғда қоламиз. Бирмунча изоҳталаб қонун моддалари уларнинг баёнида янада «гуллаб» кетадики, мазмунини чаққунча бошимиз қотади. Менимча, буларнинг бариси келиб тақалгувчи нарса бор. Бу — таълим ва тарбиядир. Биз кимни, қайси соҳа бўйича тайёрлашни билмаймиз. Тўғрироғи, эътибор бермаймиз. Қизиқ бир ҳол. Ҳар йили олийгоҳларга кириш имтиҳонлари олдидан ва жараёнида қуйидагича гап-сўзлар тарқаб қолади. «Фалон жойга мунча нарх қўйишибди. Бу куллиётга кириш учун шунча бериш керак эмиш?». Масалан, жорий йилда ҳуқуқшунослик куллиётига киришнинг баҳоси 60—70 минг сўм бўлибди, деб эшитдим. Менинг ишонгим келмайди. Аммо бир мақол ҳадеб ёдимга тушаверади: «Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди». Юз фоиз талаба таниш-билиш орқали кирган деган фикрдан йироқман. Асло ундай эмас. Бироқ гуруч орасида курмак бўлганидек, ўз кучи, меҳнати билан кирганлардан ташқари нопок йўллар орқали ўтганлар ҳам анчагина. Бундай дейишимга сабаб имтиҳонлар вақтида ва мандатдан сўнг бир неча ота-она ҳамда ўқишга талабгорлар ҳафталигимизга ноҳақлик юз берганидан шикоят қилиб келишди. Уларни айримларининг ўзлари айбдор-у, орият талашиб келишган десак-да, айримларини бундай деёлмаймиз.

Бирон соҳа бўйича ёрлиқ олган мутахассис ишга боргач, тез орада эплаб кетиши керак. Бироқ баъзилар йиллаб таълим олади-ю, ишга киргач узоқ вақт нўноқлик қилиб юради. Демак, қабул ва ўқиш жараёнида сал бошқача мезон билан қараш лозимга ўхшайди. Айниқса, ҳуқуқшуносликда. Шунда редакцияга эрта тонгдан шикоят қилиб келувчилар камайган, бизнинг расмий жавобларни тушунишимиз осонлашган бўлармиди. Ҳозирги замонда ҳеч ким бир кун бўлса-да қонунни четлаб яшолмайди. Шундай экан, шахснинг ҳуқуқларини билдирувчи махсус дарсликлар тузиб, мактабларда ўқитилиши зарур, деб биламан. Кенг жамоатчиликка мўлжалланган ҳуқуқшунослик маълумотномаларини ўзбек тилида ҳам нашр этиш лозим. Шунда Одил ака айтганидек, арзчи ҳам, айбдор ҳам ўз ҳуқуқини билолмай қийналмасди.

БУ МАҚОЛА сафардан тўрт ой ўтгач ёзилди. Чунки мен прокуратура ходимларидан юқорида келтирилган шикоятларни алоҳида назоратга олиб, натижаси билан редакцияни таништиришларини сўрагандим. Улар ваъда беришганди. Бироқ лоақал биронтасини ҳам ҳал қилинганини билдирувчи нома келмади. Бу киши тақдирига бефарқликнинг яна бир далилидир. Ҳа, орадан тўрт ой ўтди. Ҳаёт давом этяпти. Қашқадарёдан келаётган шикоятлар камайгани йўқ. Ўқувчи бир мухбир бориб келибди, орадан шунча вақт ўтибди-ю, лекин ҳеч нарса ўзгармабди-ку, деб ўйлаши табиий. Агарда мухбир борган ҳар бир жойда дарров ўзгариш бўлиб кетаверганда, биз дам олиш кунларисиз ишлашга ҳам рози эдик. Лекин, афсуски, бу ҳақиқатдан анча узоқ гап. Ҳозирча текширган шикоятларимизнинг олтмиш, етмиш фоизигина ижобий ҳал бўлаяпти. Юз фоиз ҳал бўлиши учун жойлардаги тегишли ташкилотларнинг айрим лоқайд, амалини суиистеъмол қилувчи ходимлари онгида ўзгариш қилиш зарур.

Муталлиб СОДИҚОВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ, ХАЛҚ ИЖОДИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРИ ЖУМҲУРИЯТ МАРКАЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МАДАНИЯТ БОШҚАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА

1991 ЙИЛ 14—15 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, ҚУҚОН ШАҲАР ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЕЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИ БИНОСИДА

«ҚАТТА АШУЛА ИЖРОЧИЛАРИ ВА ОИЛАВИЙ ЖАМОАЛАРНИНГ ЖУМҲУРИЯТ КЎРИК ТАНЛОВИ»НИ ЎТКАЗАДИ

Кўрик — танловда вилоятларда ўтказилган беллашув ғолиблари иштирок этадилар

Кўрик соат 11 да бошланади

МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ

САНЪАТИМИЗ ШИНАВАНДАЛАРИ!

ТАШКИЛИЙ ҚУМИТА

НИГОҲИЙ ТАБИБ Абдуғаффор АБДУЛЛАЕВ

кўпгина ихлосмандлари талаб ва истакларига асосан 1991 йил, 11 ноябрдан бошлаб (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 10 дан 13 га қадар Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси биносининг кичик залида даволаш сеанслари ўтказади.

Табиб бош, оёқ ва қўл, жигар ва буйрак, бел оғриқларига ҳамда қон босими ошган ва қон босими паст, юрак санчиғи ва юрак ўйнаш касалликлари бўлган беморларга илк нигоҳ солгандаёқ таъсир эта олади.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси манзилгоҳи: Пушкин кўчаси, 1-уй, метронинг «Октябрь инқилоби» бекати.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

●

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЁҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Ашурали ЖУРАЕВ,
Босмахонага топшириш вақти — 20.00 Топширилди — 20.30

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

●

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

●

БАҲОСИ 25 ТИЙИН

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. индекс 64593. Буюртма 6299. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12